

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ.

ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ

Умумий педагогика ва психология кафедраси.

Тузувчилар: Б.Э. Қаюмов Х.Т. Сарибоев Ш.М.Уришов, Г.
Тошпўлатова Н.Жўраева, М.Худойназарова, Ғ.Қ. Кувондиқов,



АНГРЕН-2006.

К И Р И Ш

Инсонни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, халқи-мизнинг азалий орзуси бўлиб аجدодларимиз маърифат, маънавият ва маданиятни қандай қилиб ёш авлодга ўргатиш – уларни комилликка етаклаш йўллари, қонун - қоидаларни муттасил излаганлар. Бу эса педагогика фанини майдонга келишига сабаб бўлган. Чунки, инсонни маърифатли ва маънавий комилликка эришиши педагогика фанининг етакчилигида амалга оширилади.

Педагогика тарбия ҳақидаги фандир. Педагогика – грекча сўз бўлиб "пайдогос" –бола етакловчи маъносини англатади. Инсонларнинг маърифий ва маънавий баркамолликка муносабатларини ўзгариб бориши натижасида педагогика (болани тўғри ҳаётга бош- лаш санъати) фани халқ орасида ўз мавқеига эга бўлди. Шу тариқа инсонни тарбияловчи фан сифатида педагогика дунёвий фанлар тизими қаторидан алоҳида ўрин эгаллади. Унинг бош масаласи тарбиядир.

Бугун Республикамиздаги барча олий ўқув юртларида Педагогика фанини киритилиши яъни, ҳар қандай касб-ихтиссослик эгаси педагогика асосларидан хабардор бўлишини таъминлаш замирида инсон камолоти ётади.

Қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» нинг миллий моделидаги бош муддаоси комил инсон тарбияси, мустақил фикрловчи ижодкор шахсни тарбиялаш масалаларидир. Бу вазифани эса педагогика асосларидан хабарсиз киши меъёрига етказиши амри маҳолдир.

Мазкур ўқув фани ўзбек халқининг миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналари, халқ педагогикаси ақидаларига асосланиб, бўлажак ўқитувчини миллий мустақиллик шароитида ёш авлодни тарбиялаш, шахсини камол топтириш, эътиқод ва маслақларини шакллантириш, маънавий- ахлоқий юксалтириш жараёнига олиб киради.

Маърифат дарғаси Абдулла Авлоний «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асарида педагогика фанига қуйидагича таъриф берган эди:

«Педагогия - яъни бола тарбиясининг фани демакдир. Илми-ахлоқнинг асоси тарбия . . . боланинг саломатлиги, саодати учун уни яхши тарбия қилмоқ, танини пок тутмоқ, унга яхши хулқларни ўргатмоқ, ёмон хулқлардан сақлаб ўстирмоқдир». Педагогика комил инсонни тарбиялашда ҳаётий тажрибаларга суянган ҳолда юксак маънавиятни, миллий мафкурани шакллантирувчи, қонун - қоида ва методларни ўрганувчи ҳодисалар доирасидаги фандир.

Педагогика фани ижтимоий фанлар тизимига кириб, ўзининг назарий, илмий ва амалий асосларига эга.

Педагогиканинг назарий асослари: Педагогика фанининг назарий асослари инсон камолотига қаратилган, халқ яратган бой тажриба, илмий тадқиқотга доир назарий ва методик манбаларга Ўрта Осиё ва жаҳон маърифатпарвар, мутафаккир олимларнинг асарларига суянган ҳолда комил инсонни тарбиялаш, ўқитишнинг қоида ва умумий қонуниятларига асосланади.

Педагогиканинг миллий асослари: Педагогиканинг миллий асоси таълим масалаларини ҳар бир миллатнинг миллий мероси билан умумбашарий, умуминсоний қадриятларни боғлаган ҳолда амалга оширишдир. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос мерос ва қадриятларига суянган ҳолда тарбияшунослик масалаларининг миллий асосда ёш авлодга етказиш мазмуни, шакли, метод ва тамойилларини миллийлаштиришдир.

Бир сўз билан айтганда бугунги педагогика фани ҳақи равишда табиатни олий маҳсули-инсоннинг маънавий-маърифий шаклланиши унинг шахс сифатида ривожланиши ва мустақил фикр юритувчи комил инсон бўлиб етишиши йўлидаги қонуниятларини ўргатувчи фан сифатида жамиятда ўз ўрнини топиши лозим.

Бу эса инсоният ўзлигини англашга янгича ёндошиш фақат унинг ўзига, жамиятга, табиатга муносабатларида эмас, балки унинг фаолиятида илмий-амалий, ислоҳий ўзгаришлар содир этиб, янгича фикрлаш асосларини эгаллашга замин яратади. Ҳар қандай мутахассис, ўзлигини англаши фуқаро маънавий-интеллектуал етук шахс бўлиб етишиш учун педагогика асосларидан етарли хабардор бўлиши шарт.

1. Мавзу: Педагогика фанининг мавзуи-баҳси ва унинг илмий-тадқиқот методлари.

Режа.

1. Кириш.
2. Педагогика фанининг мақсади ва вазифалари.
3. Педагогиканинг методологик асослари.
4. Педагогик тушунчалар.
5. Педагогика фанлари тизими.
6. Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари.

Таянч тушунчалар: Педагогика, мақсад, вазифа, методологик асос, категория (тушунчалар), фанлар тизими, тарбия, таълим, маълумот, илмий-тадқиқот методлар.

Адабиётлар.

1. И.А.Каримов «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» Т. «Шарқ» нашриёти-матбаа концерни. 1997 й.
2. «Педагогика» проф.А.Мунавваровнинг тахрири остида-Ўқув қўлланма. «Ўқитувчи нашриёти». Т. 1996 й.
3. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». Т. 1997 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни. Т. 1997 й.
5. И.Турсунов. У.Нишоналиев. «Педагогика курси» ўқув қўлланма. «Ўқитувчи» нашриёти. 1996 й
6. О.Хасанбоева ва бошқалар. «Педагогика тарихи» ўқув қўлланма. «Ўқитувчи» нашриёти. Т. 1997 й.
7. Ҳ.Сарибоев ва бошқалар. «Педагогика назарияси» маъруза матнлари. Т. 2004 й. Ангрен шаҳар типографияси.

1). Инсонни ҳар томонлама тарбиялаш инсониятнинг азалий орзуси бўлиб, аждодларимиз маърифат, маънавият ва маданиятни қандай қилиб ёш авлодга ўргатиш, уларни комилликка етаклаш йўлларни,

қонун-қоидаларни излаганлар. Дарҳақиқат, инсонни маърифатли ва маънавий комилликка эришиши педагогика фанининг етакчилигида амалга оширилади.

Педагогика тарбия ҳақидаги фандир. Педагогика-грекча сўз бўлиб, пайдогос-бола етакловчи маъносини англатади. Инсонларнинг маърифий ва маънавий баркамолликка муносабатларини ўзгариб бориши натижасида педагогика (Болани тўғри ҳаётга бошлаш санъати) фани халқ орасида ўз мавқеига эга бўлди. Шу тариқа инсонни тарбияловчи фан сифатида «педагогика» дунёвий фанлар тизими қаторидан алоҳида ўрин эгаллади.

Педагогиканинг бош масаласи тарбиядир. Тарбиядаги кенг маъно таълим, ривожланиш, маълумот билан боғланган ҳолда баркамол инсонни вояга етказишдир.

Инсонни тарбияси ҳақидаги ғоялар, қоидалар, қонунлар дастлаб қиссаларда, пандномаларда, ёзма ёдгорликларда, ҳадисларда асослаб берилган.

Педагогиканинг фан сифатида шаклланиб, бойиб боришида Шарқ ва /арб комусий олим-педагогларининг ўрни каттадир. Файласуф Фаробий ўзининг «Фозил шаҳар кишиларининг қарашлари» асарида тарбия орқали инсонга бериладиган 12 фазилатни шарҳлаб берди. Ибн Синонинг «Тадбир алмазил», Умар Ҳайёмнинг «Рубойи»ларида, Юсуф Хос Ҳожибнинг «+утадғу билиг», Кайковуснинг «+обуснома»сида, Алишер Навоийнинг «Махбубул-+улуб»ида..., ғарбда Сукрот, Аристотель, Платон ўз ижодиётларида, айниқса Платоннинг «Давлат», Аристотельнинг «Сиёсат», Ян Амос Коменскийнинг «Буюк дидактика» асарида И.Г.Песталоцци, Гербарт, К.Д.Ушинскийлар ўз ижодий педагогик фаолиятларида педагогиканинг бош масаласи тарбия муаммосига турли муносабат билдириб, педагогика тарбия ҳақидаги фан эканлигини асослаб бердилар. Маърифат дарғаси Абдулла Авлоний «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асарида педагогика фанига қуйидагича таъриф берган эди:

-«Педагогия-яъни бола тарбиясининг фани демакдир. Илми-ахлоқнинг асоси тарбия... Боланинг саломатлиги, соадати учун уни яхши тарбия қилмоқ, таънини пок тутмоқ, унга яхши хулқларни ўргатмоқ, ёмон хулқлардан сақлаб ўстирмоқдир». Педагогика комил инсонни тарбиялашда ҳаётий тажрибаларга суянган ҳолда юксак маънавиятни, миллий мафқурани шакллантирувчи, қонун-қоида ва методларни ўрганувчи ходисалар доирасидаги фандир.

Педагогика фани ижтимоий фанлар тизимига кириб, ўзининг назарий ва илмий асосларига эга.

Педагогиканинг назарий асослари: Педагогика фанининг назарий асослари инсон камолатига қаратилган, халқ яратган бой тажриба, илмий тадқиқотга доир назарий ва методик манбаларга Ўрта Осиё ва жаҳон

маърифатпарвар, мутафаккир олимларнинг асарларига суянган ҳолда комил инсонни тарбиялаш, ўқитишнинг қоида ва умумий қонуниятларига асосланади.

Педагогиканинг миллий асослари: Педагогиканинг миллий асоси таълим масалаларини ҳар бир миллатнинг миллий мероси билан умумбашарий, умуминсоний қадриятларни боғлаган ҳолда аниқлашди. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос мерос ва қадриятларига суянган ҳолда тарбияшунослик масалаларининг миллий асосда ёш авлодга етказиш мазмуни, шакли, метод ва тамойилларини миллийлаштиришди.

2). Ёш авлодни келгуси ҳаёти уни комил инсон қилиб шакллантирувчи руҳий ва маънавий жараёнларга боғлиқ. Педагогика фанининг мақсади бўлажак тарбиячи-ўқитувчиларнинг онгли фаолиятида ўз олдига мақсад қилиб, унинг ўз устида ишлаши, интилиши, изланиши, танланган восита ва методларни қўллаш каби тарбиячилик санъатини ўргатишга қаратилади.

Педагогика фанининг мақсади:

-Республикамизда комил инсонни вояга етказишнинг мавжуд муаммоларини ҳал қилиш.

-Таълим-тарбия самарадорлигини тинмай оширишга дунё талаблари даражасига олиб чиқиш масалаларига ижодий ёндошиш.

-Умуминсоний қадрият ва миллий маданият асосларини эътиборга олиб, миллий мафқурани шакллантириб бориш имкониятини яратиш.

-Педагогика-тарбияшунослик қоидаларини, қонунларини илғор тажрибалари асосида бойитиб бориш ва янги методларни излашга тадбирлар белгилаш.

-Бўлажак ўқитувчи-тарбиячиларни шакллантириш масалалари.

-Узлуксиз таълим тизимини янада ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш.

-«Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» ни амалга ошириш.

Педагогика фанининг вазифалари:

-Шарқ ва ғарбда халқ яратган халқ ижодиёти, педагогикаси, мутафаккир, маърифатпарвар педагог ва олимларнинг тарбияшуносликка доир илғор қояларини ўрганиб, таҳлил қилиб, комил инсонни шакллантиришнинг қонуният, қоида ва зарурий сифатларини аниқлаш, ҳамда тарбияланувчининг тарбияланганлик даражаси мезонларини ишлаб чиқиш.

-Педагогика-тарбияшуносликдаги таълим-тарбия назариясини ҳозирги давр хусусий методикаси билан узвийлик жиҳатларини ишлаб чиқиш ва чнги педагогик технология элементларига амал қилиш.

-Таълим-тарбия назариясидаги қоида, қонун, тамойил, метод ва усулларни мактаб амалий ҳаёти билан боғлаб, бўлажак ўқитувчиларга ўргатиш.

-Халқ таълимини бошқариш ва унга раҳбарлик масаларини чуқур ўрганиб, бўлажак ўқитувчиларни қандай тайёрлаш муаммоларини ҳал қилиш.

3). Педагогиканинг фан сифатида шаклланиб бориши ижтимоий-иқтисодий зарурат махсули сифатида турли фанлар билан қадим-қадим замонлардан боғлиқлигидир. Оллоҳ еру осмонни яратиб инсонни ер юзига халифа этиб яратди. Ўзининг мавжудлиги ҳар бир ишга қодирлигини, илмда тенгсизлигини, меҳру-мурувватда беқиёслигини билдирди. Исломда илм беришда бир-бирига боғлиқ бўлган дин ва дунё ҳақида тушунча мавжуд, улар алоҳида тушунча эмаслиги исботлаган. Дунёвий деб аталадиган илмларнинг барчаси +уръони Карим таълимоти билан боғлиқдир. Шунини таъкидламоқ керакки, педагогика фанининг метадологик асоси диний ва дунёвий фанлар таркибида ривожланган. +уръонда «Илм» сўзи турли хилларда 765 марта такрорланади. /арб файласуф олимлари ҳам ислом фалсафасига суянган ҳолда ижод этганлар.

Ислом илми ҳамма фанларнинг асосий негизидир. Фрнцуз файласуфи Жак Кондерсе «Тафаккур тараққиётининг тарихий манзараси чизгилари» номли асарида «Ўрта асрлар мусулмон оламида тўпланган илмий билимлар ғарбда уйғониш даврини тайёрлашга хизмат қилмаганида инсоният бесамар йўқолиб кетар эди».-деб ёзади.

+адимги Юнонистон Сукрот, Аристотель, Платонлар ғояга асосланган ўзларининг инсон камолати ва тарбия масалаларининг фалсафий негизини яратган. Аристотель «Искандарга қилган насихати» да инсонни энг юксак фазилати тақводорлик, имонли, илмли бўлишлигини алоҳида таъкидлаган эди:

«Тақводорлик имон воситасида камол топади. Имон эса фикру андиша соясида ҳосил бўлади».-деган эди. Аристотель Искандарга қилган насихатида.

Фаробий шахслар ёзиш орқали, Шарқ фалсафасини яратди. Оврупада Ибн Синонинг «Тиб қонуни» асари қанот ёйган, унда ҳам инсон камолатининг қонун-қоидалари, фалсафаси берилади. Педагогика илмининг асосини яратишда Хадис, +уръони Карим, яъни Ислом таълимоти катта роль ўйнайди.

Халқ оғзаки ва ёзма ижодиёти, халқ ёдгорлик обидалари, насихатнома, панднома ва васиятномадарда комил инсонни тарбиялаш қонун, қоида ва методлари акс этган.

Педагогика фани методологиясининг яратилишида қомусий мутафаккир ва педагогларнинг ўрни диққатга сазовардир. Ал-Хоразмий, Ибн-Сино, Абу Райҳон Беруний, Рудакий, Фирдавсий, А.Навоий, Воиз Кошифий, чех олими Ян Амос Коменский, швейцариялик педагог Иоганн Генрих Песталоцции, немис педагоги Адольф Дистерверг, рус педагоги

К.Д.Ушинский кабилар ўз ижодиётларида педагогиканинг методологик асосини яратдилар. Ҳозирда баркамол инсон тарбиясидаги ғоя ва таълимотларни ўрганиб унга суянган ҳолда миллий мафкурасини мустаҳкамлаш бугунги куннинг асосий талабидир. Педагогика фанининг мазмуни, мақсади, вазифалари, тамойил, услуб ва воситалари, умуман ҳар бир инсон учун зарур бўлган тарбиявий таъсирлар янгича асосга эга бўлиши керак.

Президентимиз И.А.Каримов бу борада шундай деган эди:
«Ўзбекистон янгиланиш ва ривожланиш йўли тўртта асосий негизга асосланади:»

-Умумий қадриятларга содиқлик:

-Хлақимиз маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш:

-Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш:

«Ватанпарварлик» И.А.Каримов Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент «Ўзбекистон». 1992 й... 65-бет.

Ўзбекистон мустақилликни сақлаб қолиш ва уни мустаҳкамлашда педагогика фани ва унинг методологик асосларига бевосита боғланган ҳолда ҳар бир педагог масалага ижодий, ривожлантиручи нуқтаи назаридан ёндашиши зарурдир.

4). Педагогика фанида бир-бири билан узвий боғланган қуйидаги тушунчалар мавжуд: Тарбия, таълим, маълумот. Тарбия ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ходисалардир. «Тарбия ҳаёт ёки момот» деган эди Абдулла Авлоний. Тарбия юксак маънавий, жисмоний баркамоллик, яхшининг ёмондан фарқини англаш, юксак инсоний фазилатларини шакллантириш қудратига эгадир. Тарбия кишилик жамиятининг ҳамма босқичларида ривожланиб, ўсиб, аводдан-авлодга ворислик вазифасини бажаради. Лекин ҳар бир жамиятда тарбиянинг мақсади, вазифаси, мазмуни ўзига хослиги билан фарқ қилади.

Халқ иқтисодий, сиёсий ва маънавий заруратдан келиб чиқиб, ёш авлодни тарбиялаш муаммолари дастлаб халқ оғзаки ижодиёти, педагогикаси, ёзма ёдгорлик, пандномаларда, мутафаккир ва маърифатпарварларнинг асарларида бош мавзу бўлиб комил инсон учун зарурий ходиса сифатида талқин эилган. Халқ оғзаки ижодиётида тарбия бош масала сифатида тавсифланилган. Тарбия, одоб, ватанга чексиз муҳаббат, адолат, инсоф, ботирлик, меҳнатсеварлик, билимдонлик ғоялар тарбия воситаси ҳамдир. Ватан қадрини билмаган ўз қадрини билмас, Ватанга келган имонга келар. Бола туққанники эмас, тарбиялаганники. Ота ғайратли бўлса, бола ибратли бўлар. Хадис илмида тарбиянинг инсон камолати учун чексиз, илмий туйғу каби сифатларнинг изохи ҳам

берилади. Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга ахлоқ-одобини ҳам яхшилангиз. Отага итоат қилиш-Танрига итоат қилишдир.

Халқ оғзаки ижодиёти ва педагогикасида тарбия муаммоси инсон учун зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий, жисмоний, маънавий, ахлоқий сифатларини қамраб олган бўлиб, тарбия орқали амалга ошириш назарда тутилган. Тарбия куч-қудратини А.Навоий «Махбубул қулуб» асарида:

+обилга тарбият эрур ул навъқин гухар,
Тушса, нажосат ичра ювгай кимса ани пок.
Гар ит узумига киши май бирла берса сув,
Бу тарбият билан қила олгайму ани пок.

А.Навоий бу шеърида тарбия жараёнини тўғри ташкил қилишга унинг қонун-қоидаларига амал қилишга чорлайди. Педагогика фанида тарбия-инсон муаммолари, адабиёт, аجدодларимиз ғояларига суяниб, қуйидаги қонунларга асосланиш зарур деб ҳисобланади:

-Тарбия инсон фаолияти жараёнида тартибли таъсир этувчи омил бўлиб, натижасини инсоннинг яшаб турган ижтимоий шароити белгилайди.

-Инсон камолатини ҳарактлантирувчи кучи қарама-қаршиликларни мавжудлиги унинг шахсий ҳаётида номоён бўлади.

-Инсон фаолияти жараёнида атрофдаги нарса ва ходисаларга қизиқиш уйғотиш ва уни эътиқодга айлантириш.

-Тарбия жараёни ёшларнинг катталар билан катталарнинг ёшлар билан қонуний муносабати натижасида амалга оширилди.

-Тарбия жараёнининг қонун, қоида, тамойил ва методларини педагогиканинг тарбия назарияси қисми чуқур, атрофлича ўрганати.

Таълим бериш ўқувчиларга билимни тартибли баён қилиш жараёнидир. Таълим ва тарбия узвий боғланган жараён бўлганлиги сабабли тарбияланган комил инсон ақлий камолатига тартибли таъсир кўрсатиш орқали илмни, баркамол инсон бўлиб етади. Таълим жараёни инсонларга нималарни бериши ҳақида Юсуф Хос Хожиб ўзининг «+утадғу билиг» асарида шундай ёзган эди:

Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлса,
Билим кимда бўлса, буюклик олур.
Ўқувли тирикдир, ўқувсиз-ўлик,
Келу, эй ўқувсиз, ўқув ол ўлиг.

Таълим инсон ақлий камолатини юзага чиқарувчи педагогика-тарбияшуносликнинг бир қисмидир. Педагогиканинг дидактика бўлими

уни атрофлича ўрганади. Педагогик маълумот ўрта ва олий даражада бўлиб, ўрта маълумот махсус академик лицей, педагогик коллежларда босқичли шаклда берилади. Натижада ўрта маълумот ҳақидаги гувоҳнома берилади. Олий педагогик маълумотли мутахассислар университетларда, педагогик институтларда, бакалавриат ва магистратура босқичларида тайёрланади.

5). Педагогика фани комил инсонда жаҳон тажрибаларида синалган тизим бўлган бозор муносабатларини шакллантириш, миллий мерос, анъаналар, миллий ва умуминсоний кадриятларнинг бой манбалари бўлган маънавий-маърифий тушунчалар ҳақида билим, малака ҳосил қилишда педагогиканинг кўп фанлар билан алоқадорлиги билан улуғдир. Педагогика фанлари тизимида этнопедагогика, мактабгача таълим педагогикаси, касбий таълим педагогикаси, олий мактаб педагогикаси, ахлоқтузатиш ва меҳнат педагогикаси, жисмоний камолат педагогикаси, харбий педагогика, махсус педагогика: кар соқовлар, сурдо педагогикаси, кўрлар, тифло педагогикаси, аклий жихатдан орқада қолган, олигофрено педагогика, логопедагогика, педагогик маҳорат киради.

Педагогика фанининг бошқа фанлар билан алоқаси. Педагогика фани инсон тарбияси билан шуғулланганлиги сабабли унга ҳамма фанлар кўмаклашиши табиийдир. Инсон тарбиясининг қайси соҳасини олиб кўрсангиз, у қайсидир фан билан алоқадорликда амалга оширилади, ўша фаннинг қону-қоидаларига суянади. Педагогиканинг методологик асоси, билиш назарияси ва тарбиядаги қонун-қоидалар бевосита фалсафа фанининг таъсирида амалга оширилади. Абу Наср ал-Фаробий «Талхису Навомиси Афлотун» қонунларининг моҳияти асарида инсон камолатини фалсафа фанининг таъсирида ривожланишини шундай кўрсатган эди: «Яхши фазилатга эга бўлган шахар аҳолиси энг бахтиёр одам бўлиши, қонунларга ихтиёрий бўйсинишини таъминлаш учун қонунларни такомиллаштириш, улардаги қоидаларни мустаҳкамлаш зарурдир». Педагогика, психология, мантиқ, ҳуқуқ ва тиббиёт фанларидаги қонун-қоидаларга бевосита боғланади. Педагогика фанида болаларни даврларга бўлиш тизимини асослашда анатомия, физиология, мактаб гигиенаси каби фанларнинг ҳам ўрни каттадир. Педагогика илмий тадқиқот методларни такомиллаштиришда математика, физика, ЭҲМ каби фанлар билан боғланади.

Мустақил Ўзбекистонда педагогика фани бевосита иқтисод фани билан боғланиб, бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларини, иқтисодий тарбия масалаларини узвийлик билан амалга оширади.

6). Педагогика фанининг таълим-тарбия соҳасида тарихий тараққиёт қонуниятларини ўргатиш ва миллий истиқлол мафкура ғояларини шакллантириш каби ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолари бор. Ушбу педагогик муаммоларни ҳал қилишда турли-туман тадқиқот методларидан фойдаланилади. Метод лотинча «митодос»-«йўл» сўзидан олинган. Илмий тадқиқот фаолияти эса шу методлар орқали назарий, мафкуравий, илмий, миллий ва ижтимоий ҳаёт ходисаларини, уларнинг қонуниятларини билишга хизмат қилади. Илмий-тадқиқот методлари олимлар томонидан турлича асослаб берилган.

Академик С.Ражабов тахрири остидаги «педагогика курсида» кузатиш, суҳбат, мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш, экспериментлар методи, статистика маълумотларини таҳлил ва синтез қилиш, анкеталар, ҳисоблаш математикаси ва кибернетика методлари асослаб берилган. И. Ф. Харламовнинг «педагогика» ўқув қўлланмасида педагогик кузатиш, суҳбат, тажриба эксперимент, мактаб ҳужжатларини ўрганиш, илғор тажрибаларни умумлаштириш, математик ҳисоблаш методлари асослаб берилган.

С. П. Баранов ва бошқалар яратган «педагогика» қўлланмасида эса кузатиш, савол-жавоб, мактаб ҳужжатларини ўрганиш, эксперимент тажриба, моделлаштириш методлари берилган. А. К. Мунавваров тахрири остидаги «педагогика» ўқув қўлланмасида кузатиш, суҳбат, болалар ижодини ўрганиш, тест-сўровномалар, мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш, математика ва кибернетика методлари берилган. Мавжуд педагогик дарсликларнинг деярли ҳаммасида методларни тавсифлаб чиқишнинг бир хиллик ҳолати мавжуд. Илмий-тадқиқот фаолиятингизда булардан фойдаланиш сиздан ижодий ёндошишни талаб қилади. Илмий-педагогик тадқиқот методларида бирор педагогик муаммони ҳал қилиш мақсадида талаба, ўқитувчи-тарбиячи, аспирант-тадқиқотчи ва илмий ходимлардан фойдаланадилар. Илмий изланишларнинг дастлабки дебчаси адабиётларни ўрганиб, таҳлил қилишдан бошланади.

Адабиётларни ўрганиш методи. Педагогик адабиётларни ўрганиш жараёнида миллий ва умуминсоний кадриятларни акс эттирувчи, мактафакир ва маърифатпарвар педагог олимларнинг асарлари, мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодиётига, мафкурасига ва маънавиятига доир адабиётлар, Ўзбекистон юртбошиси И.А.Каримов асарлари, тадқиқот мавзусига доир дарсликлар, монографиялар, рисоалар ва мақолалар, тадқиқот мавзусига доир педагогик, психологик тадқиқотлар, диссертациялар ўрганилади.

Кузатиш методи. Кузатиш адабиётларни ўрганишдан кейин бошланади. Кузатишни тадқиқотчи бирор мақсадни кўзда тутиб ташкил этади. Кузатиш режалаштирилади, унинг дастури тузилади. Бунда кузатиш

тезлиги, сони, манзили, вақти, вазиятни кузатиш, материалларини қайд қилиш муддати белгиланади. Кузатиш муддатига кўра икки турга бўлинади: қисқа ва узок муддатли кузатиш, қисқа кузатиш объектнинг кундалик фаолиятидаги ўзгаришларидан маълум хулосага келиш. Узок муддатли кузатиш қўйилган мақсад, режа дастур асосида олиб борилиб, маълум илмий, якуний хулосага келинади. Кузатишни якуний қайд қилишда киносьёмка, видео ёзуви, телевидения ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш мумкин. Кузатиш методидан тўғри фойдаланиш ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширади. Янги ижодий фаолиятга бошлайди.

Сухбат методи. Тадқиқот мавзусининг бирор томони ёки ходисалари ҳақида билиб олиш мақсадида маъсул шахслар билан оғзаки саволлар берилиб, улардан ахборот олиш жараёнидир. Суроқлар мавзу доирасида мантиқан мазмунли, тартибли, аниқ ифодага эга бўлиши лозим ва уни тўғри ёки нотўғрилигига қараб жадвал тузиб натижаси аниқланади. Сухбат методи жараёнида интервью олиш ҳам мумкин. Ўринли, мантиқан юксак жавоблар ёки ноаниқ жавоблар магнит ленталарига ёзиб борилади ва таҳлил этилади.

Педагогик эксперимент методи. Ҳар қандай педагогик тадқиқотнинг асосидир. Педагогик эксперимент ёрдамида илмий фаразларнинг ишончлилиги текширилади, педагогик жараёнларнинг айрим элементарли ўртасидаги боғлиқлик ва муносабатлари аниқланади. Педагогик эксперимент икки турга бўлинади: қайд қилувчи ва шакллантирувчи. +айд қилувчи эксперимент орқали таълим ёки тарбия жараёнидаги мавжуд муаммолар аниқланади. Шакллантирувчи экспериментда эса зарурий маълумотлар ўқувчиларда шакллантирилади. Педагогик жараённи аниқроқ ўрнагиш мақсадида экспериментатор ўзи ташкил этган жараённи кузатади. У педагогик жараёнга аралашади, тарбияланувчилар билан тарбиячи фаолиятининг муайян шароитларини яратади. Педагогик эксперимент дастлабки маълумотларни, аниқ шароитларни ва ўқитиш усулларини ёки тадқиқ қилинадиган материалларни аниқ белгилашни, шунингдек, эксперимент натижаларини ҳар томонлама ҳисобга олишни талаб этади. +уйидагилар педагогик экспериментнинг босқичлари ҳисобланади: эксперимент ўтказиш ва натижаларни шарҳлаш. Режалаштириш, эксперимент мақсади ва вазифасини белгилаш, эксперимент натижасига таъсир этувчи омиллар ва улар даражасининг миқдорини аниқлаш, керакли кузатишлар сони, эксперимент ўтказиш тартиби, олинган натижаларни текшириш методларини ўз ичига олади. Экспериментни ташкил этиш ва ўтказиш белгиланган режага қатъий амал қилган ҳолда олиб борилиши керак. Шарҳлаш босқичида маълумотлар йиғилади ва қайта ишланади.

Эксперимент ўтказиш ишончлилик тамойилига жавоб бериш учун шартларга риоя қилиши керак, яъни:

1. Текширувчилар сони ва тажрибалар миқдорининг аниқ бўлиши.
2. Тадқиқот методларини ишончлилиги.
3. Фарқларнинг статистик жиҳатдан аҳамиятлилигини ҳисобга олиш.

Турли методларнинг ўзаро кўшиб олиб борилиши педагогик-тадқиқотларнинг самарадорлиги ва сифатини оширишга имкон беради. Бунга математик методларнинг ҳамда ҳисоблаб-ечиш қурилмалари ёрдамидаги эксперимент натижаларининг педагогикасига кириб келиши ҳам ёрдамлашади. Одатда ўртача арифметик миқдор, модда, меридиана, дисперция, танлаб олинган тўплам мажмуининг ўртача квадратик четга чиқиши, ўртача олинган қиймат хатоси, белгиларни тузатиш коэффицентлари ҳисоблаб чиқилади. Илмий-тадқиқот натижалари амалда қўлланилади. Туагланган тадқиқотда энг муҳим нарса унинг натижаларини амалда қўллашдир. Мустақил Ўзбекистон шароитида янги илмий билимлар жуда тўпланиб бормоқда. Бироқ уларни амалий ишга жорий этиш йўлида қийинчиликлар ҳам борлиги кўзга ташланмоқда.

Бу қийинчиликлар ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш ҳақидаги билимларининг ортиб бориши билан улардан фойдаланишнинг фаол имкониятлари ўртасидаги номувофиқликдан иборатдир. Шундай бўлсада, бу уларни жорий этиш юзасидан мақсадга мувофиқ ишлар олиб боришни истисно этмайди. Жорий этиш жараёни педагогик тажрибани такомиллаштиришга қаратилган фаолият деб қаралади. Шу сабабли жорий қилиниши лозим бўлган тавсияларга юқори талаблар қўйилади. Талабаларнинг илмий асосланганлик даражаси, улар мазмунининг аниқлиги педагоглар билан ўқувчиларнинг мўлжаллаган куч-ғайрати мезонини тўғри баҳолашни назарда тутати. Жорий этиш бутун бир тадбирлар комплекси бўлиб, у олинган хулосалар ҳақида педагогик жамоатчиликнинг хабардор қилишни, янги ўқув ва методик қўлланмалар яратишни, методик йўл-йўриқ ва методик тавсиялар ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш методи. Педагогик ҳодисалар ва фактларни текширишда мактаб ҳужжатларини мукамал ва чуқур ўрганмоқ лозим. Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилишда таълим қонунига амал қилмоғи лозим. Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилишда ўқувчиларнинг ижодий фаоллигига ва мустақиллигини унинг иқтидорини ҳамда илғор педагог тажрибаларининг умумлаштирилиши ва жорий этилиши кўрсатган тақдирдагини тўлиқ қийматга эга бўлади.

Болалар ижодини ўрганиш методи. Мактаб ўқувчилари ижодини ҳамда уларнинг турли-туман ишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш педагогик тадқиқотнинг самарали методларидан биридир. Иқтидорли ўқувчилар ақлий қобилиятлари, олийжаноб ахлоқий қиёфалари, эстетик дидлари, синчковликлари ва қизиқувчанликлари билан ажралиб туради. Педагогика фани болалар ижодининг манбалари ва омилларини чуқур билишга ҳамда уларни янада тараққий эттириш ва такомиллаштиришнинг тўғри йўллари кўрсатиб беришга қаратилган.

Статистик маълумотларни анализ ва синтез қилиш методи. Педагогик тадқиқот керакли статистика маълумотларни маълум бир мақсад билан тизимли ўрганиш, мустақил Ўзбекистонда фан маданият, таълим-тарбияни тараққий этишга салмоқли хисса қўшади.

Анкеталар методи. Ўқувчилардан сўраш усули бўлиб, у ўқувчилар жамоасининг билимларини тўғрисидаги керакли маълумотларни олиш учун, уларнинг фикрлари ва қарашларини аниқлаш учун ҳамда касбга йўллашни белгилаш учун махсус шаклда ишланган бўлмоғи лозим. Анкетада кўзланган мақсадга мувофиқ саволлар бўлиб, уларнинг жавобларидан педагогик натижалари келиб чиқиши лозим.

Ёзма жавобларни оммавий равишда йиғиб олиш методи анкета методи деб аталади. Анкеталар ишлаб чиқариш мураккаб илмий жараён. Тадқиқот натижаларининг ишончли анкеталар тўғрилигига берилган саволлар мазмунига, тўлдирилган анкеталар сонига боғлиқ бўлади. Одатда анкеталар анкета маълумотларини ЭХМ да қўллаб математик-статистик методлари билан ишлашга имкон берадиган қилиб тузилади. Хужжатларнинг етарли даражада аниқлик билан шундай тахили қилиниши педагогик жамоларининг реал фаолиятидаги сабабли боғланишлари ва боғлиқларини аниқлашга ёрдам беради.

Ҳисоблаш математикаси ва кибернетика методадари. Ҳозирги замон ишлаб чиқариши, фани ва техникасининг талаб ҳамда манфаатлари турмушда синалган техника воситаларини, ҳисоблаш математикаси ва кибернетика усулларини мактаб ишида ва педагогикада қўлланилишини талаб қилади. Педагогик кибернетика билим бериш жараёнини бошқаришнинг алоҳида шакли сифатида ўзига хос хусусиятга эга. Шунинг учун педагогик жараён билан ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ўртасида катта фарқ бор. Педагогик тадқиқотларда кино, овоз техникаси, фото, телвения сингари техника воситаларидан кенг фойдаланилади. Улар ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради. Болалар учун қўшимча рағбатлантириш омилларини ҳосил қилади. Булар ўқитувчилар меҳнатини маълум мақсадда енгиллаштиради. Кўрсатилган воситаларнинг ҳар бири болаларнинг

ёшини ҳисобга олган ҳолда, ўқув фани ва педагогик жараёни мукамаллаштиради.

Миллий дастурнинг мақсади, вазифалари ва уни рўёбга чиқариш босқичларида, янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимни талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини устиворлигини таъминловчи норматив, моддий техника ва ахборот базасини яратиш педагогик тадқиқотни асосини ташкил этади.

Саволлар.

1. Педагогика фанининг яратилишида зарурат, сабаблар нималар?
2. Педагогика фанининг мақсад ва вазифаларини шарҳлаб беринг?
3. Педагогик тушунчалар, уларнинг моҳияти нимада?
4. Педагогик тадқиқотнинг асосий методларини айтиб беринг?
5. Педагогикага оид адабиётлар рўйхатини тузинг?

Тестлар.

1. Педагогика фани нимани ўргатади?

А. Таълим-тарбия мақсадини жамият талабига ва ўқувчилар ёш хусусиятларига қараб мазмунан ўзгариб боришини.
Б. Бўлғуси педагогларнинг касбий жиҳатдан шаклланиши.
В. Касбий шаклланиш жараёни.
Г. Ёшларнинг ахлоқий сифатларини ўрганади.
Д. Жавобларнинг барчаси тўғри.

2. Педагогика фанининг объектини аниқланг?

А. Жамият
Б. Ишлаб чиқариш.
В. Халқ
Г. Ўқувчилар
Д. Жамоатчилик

3. Педагогика фанининг предметини кўрсатинг?

А. Ўқувчилар
Б. Мактаб
В. Таълим-тарбия назарияси.
Г. Ўқитиш-ўрганиш амалиёти.
Д. Тўғри жавоб йўқ.

4. Педагогика фанининг методологик асоси бўлиб қайси фан хизмат қилади?

- А. Тарих.
- Б. Жамиятшунослик.
- В. Фалсафа.
- Г. Этика.
- Д. Эстетика.

5. +айси фанлар педагогиканинг тарбия назарияси бўлими бўйича маълумот беради?

- А. Фалсафа.
- Б. Тарих.
- В. Иқтисод.
- Г. Психология.
- Д. Этика-эстетика.

6. +айси жавобда илмий педагогик тадқиқот методлари тўғри кўрсатилган?

- А. Кузатиш, тест, лойихалаш.
- Б. Кузатиш, суҳбат, интервью олиш, анкета, илмий тажриба, ўқувчиларнинг ижодий ишларини таҳлил қилиш.
- В. Маъруза, дарслик билан ишлаш.
- Г. Лабаротория, эксперимент.
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

7. Таълимнинг амалий методларини кўрсатинг?

- А. Хариталар, расмлар, жадвал.
- Б. Тушунтириш, ҳиноя, суҳбат.
- В. Маъруза, семинар, экскурсия.
- Г. Машқ қилиш, лабаротория ишлари, амалий ишлар.
- Д. Ҳамма жавоблар тўғри.

8. Ўқитувчининг суҳбати таълимнинг қайси методига киради?

- А. Амалий.
- Б. Оғзаки.
- В. Кўрсатмали.
- Г. Машқ қилиш.
- Д. Кўрғазмали.

2.Мавзу: Кадрлар тайёрлаш миллий модели асосида Ўзбекистон Республикасида таълим тизими мақсад ва вазифалари.

Мақсад: Талабаларга таълим соҳасидаги давлат сиёсати мазмуни ва принциплари, Ўзбекистон Республикасидаги таълим тизими ва турлари ҳақида маълумот беринг.

Жихоз: Таълим тизими тузилишидаги қоидалар; Ўзбекистон Республикасида таълимнинг ягона тизими; таълим турлари каби жадваллар.

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасида халқ таълими тизими ва унинг қоидалари.
2. Ўзбекистон Республикасида таълимнинг ягона тизими. (Таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий)
3. Узлуксиз таълим тизими ва турлари.

Таянч тушунчалар; Халқ таълими, таълим тизими қоидалари, ягона тизим, узлуксиз таълим, таълим турлари.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов «Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» Т., «Шарқ», 1997 й.
2. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» 1997 й. 29 август.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни «маърифат» газетаси 1997 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълимнинг давлат стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори «Маърифат» газетаси 1999й. 16/VIII.
5. Р.Мавлонова, О.Тўраева «Педагогика» Т., «Ўқитувчи» 2002 й.
6. педагогика назарияси. Маъруза матнлари. Ҳ.Т.Сарибаев. Т., 2004 й.

Халқ таълими тизими деганда аниқ мақсадни кўзлаб мамлакат ёшларига таълим тарбия бериладиган муассасалар тушинилади.

Халқ таълими тизими деб муайян мамлактлар ички ва ташқи тараққиётига тавсиф берувчи ҳамда маълум бир қоидалар асосида ташкил этилган барча таълим тарбия муассасаларининг тузилишига айтилади.

Халқ таълими тизими Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонунга мувофиқ ташкил этилади ва назорат қилинади. Республикамиз Конституциясида, яъни 18-41-моддаларида кўрсатилганидек, барча фуқаролар жинси, ирқи ва миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар билим олиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, фуқароларнинг бепул умумий таълим олиши давлат томонидан кафолатланади.

Ўзбекистон ҳудудида азал-азалдан таълим-тарбия соҳасига катта эътибор берилган.

Шарқ педагоглари болаларни ўқишга қизиқтириш учун китобдаги воқеаларни қуш ва хайвонлар тилидан ҳимоя қилар эдилар. Масалан, «+обуснома», «Ахлоқи Муҳиний», «Камила ва Димна» каби асарларидаги нақл-ривоятларга одоб-ахлоқ қоидалари сингдириб юборилган. 1991 йилнинг 31 августида Республикамиз ҳаётида тарихий воқеа юз берди: Истиқлол эълон қилинди. Шу муносабат билан жаҳон тажрибаларидан келиб чиқиб, энг биринчи навбатда, мустақил республикамизнинг халқ таълими соҳасида ислоҳат ўтказиш масаласи кўтарилди. Ниҳоят Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги +онуни таълим тизимининг янгиланишига сабаб бўлди. Олдинги қабул қилинган қонунлардан фарқли ўлароқ, халқ таълими тизими тузилишида бир қанча янги қоидалар жорий этилди ва бажарилиши мажбурий деб қайд қилинди. Бу қоидалар қуйдагилар:

1. Таълим тарбиянинг инсонпарварлиги ҳамда демократиклиги.

Бунинг моҳияти шундаки, биздаги барча халқ таълими тизимига кирувчи муассасаларда берилаётган таълим ва тарбия инсонларнинг моддий ва маънавий камолатини, ақл-заковатининг ўсишини, ўзлигини билиш ҳақ-ҳуқуқлари учун курашадиган ватанпарвар бўлиб кетишларини мақсад қилиб кўяди.

2. Таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллиги.

Мустақил Ўзбекистонимизда Халқ таълими муассасаларида берилаётган таълим ва тарбия узлуксиз ўзаро боғлиқдир. Таълим жараёни ўқув режаси ва дастури асосида тизимни, изчил олиб борилади.

3. Давлат таълими тизимининг илмийлиги ва дунёвийлиги Республикамиздаги барча таълим муассасаларида дунёвий билимлар берилди. У илмий асосларга эга бўлиб, фан техника тараққиётининг энг янги мувафакиятлари ва инсон ақл-заковати туфайли такомиллашиб боради.
4. Таълимда умуминсоний ва миллий маънавий қадриятларнинг устиворлиги.
Барча таълим тарбия масканларида берилётган билим аждодларимизнинг минг йиллар мобайнида шаклланган анъаналарига таянади.
5. ДТС лари қоидасида ҳамманинг таълим олиши учун имконият яратилганлиги.
+онуннинг 4-моддасида таъкидланганидек Ўзбекистон Республикасида ижтимоий келиб чиқиши, жинси, тили, ёши, ирқи, миллати, турар жойи, республика ҳудудида қачондан бери яшаётганлигидан қатъий назар, барчанинг таълим олиш учун тенг ҳуқуқлари кафолатланади.
6. таянч таълимнинг мажбурийлиги.
Мамлакатимизда 1930 йилда бошланғич, 1949 йилда етти йиллик, 1958 йилда саккиз йиллик, 1970 йилда умумий ўрта мажбурий таълимга асос солинди. 1984 йилдан бошлаб 11 йиллик мажбурий таълимга ўтилди.
7. Таълим маънавий ва жисмоний дастурларини ягона ва табақалаштирилган ўқув режа ва дастурларни тасдиқлайди. Уларни бажарилишини назорат қилади. Ёш авлодни маънавий бой, рухан тетик, жисмонан бақувват, ахлоқан пок ва меҳнатсевар бўлиб вояга етиш учун барча моддий ва маънавий шароитларни ҳозирлайди.
8. Билимдонлик ва истеъдодли рағбатлантириш таълим-тарбия муассасаларида таълим олаётган билимдон ва истеъдодли ўқувчиларни рағбатлантириш стипендия, турли кўринишдагимақтов ёрликлари шаклида ташкил этилади.
9. Таълим муассасаларида чет тилларни ўрганиш дин тарихи ва жаҳон маданияти соҳасида билим олиш учун шароитлар яратиш.
10. Таълим муассасаларининг сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг таъсиридан холи бўлиши.

1. Тарбияланувчилар ва таълим олувчиларни хурматлаш.
2. Педагог шахсини, унинг ижтимоий мавқеини хурматлаш.
Олдинги қабул қилинган қоидалардан фарқли ўлароқ, янги қонунда педагог шахсини унинг ижтимоий мавқеини хурматлаш лозимлиги белгилаб қўйилган.
13. Амалдаги қонунлар доиларида мулкчиликнинг тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг мустақиллиги таъминланиб, таълим муассасаси мустақил юридик шахс сифатида, қонунларга белгиланган тартибда барпо этилади.
14. Таълим муассасалари ўзаро битим тузишга, ўқув партия комплекслари ва ўқув илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмалари таркибига киришга ҳақлидир.

Таълимнинг ягона тизими.

Ўзбекистон республикасида таълимнинг ягона тизимига амал қилинади. Ягона таълим тизими қуйдагиларни ўз ичига олади.

1. Мактабгача тарбия.
2. Умумий таълим.
3. Ҳунар-техника таълими.
4. Ўрта махсус таълим.
5. Олий таълим.
6. Илмий ва илмий педагог ходим. тайёрлаш.
7. Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш.
8. Оиладаги таълим.
9. Мустақил таълим.

1. Мактабгача таълим.

Мактабгача таълим тармоғига 1-3 ёшдан, 6-7 ёшгача бўлган болаларга таълим-тарбия берувчи ясли ва боғча муассасалари, шунингдек оиладаги таълим-тарбия қиради. Бундан кўзланган мақсад бола камолоти асосларини шакллантиришдан, унинг билимга қизиқишини таъминлашдан, маданий ахлоқий меҳнат кўникмаларини, илмга муҳаббатини тартиб топтиришдан иборат.

2. Умумий таълим

Узлуксиз давлат таълими тизимида асосий бўғин бўлиб, таълим олувчиларнинг илмий билим, меҳнат ва бошланғич касбқор кўникма ва

малакаларини, ишбилармонлик асосларини, эгаллашларини шунингдек, ўз ижодий қобилиятлари, фазилатларини ривожлантиришларини таъминлайди.

3. Мактабдан ташқари таълим.

Болалар ва ўсмирларни талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, уларнинг дам олишини ташкил этиш мақсадида мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналар, жамоа бирлашмалари ва маданий, илмий, техника, спорт ва бошқа йўналишдаги мактабдан ташқари таълим муассасалари барпо этилади.

4. Хунар-техника таълими.

Ҳ.Т.Т, меҳнат ва касб-кор маҳорати ҳамда ишчи ва кадрлар тайёрлашни, уларни қайта тайёрлаш ва малакаларни оширишни мақсад қилади. Ҳ.Т.Т таянч таълим асосида бир вақтнинг ўзида умумий ўрта махсус ўқув юртларида, таянч ўрта ва касб-хунар таълими негизида амалга оширилади.

6. Олий таълим

Олий таълим танланган фаолият соҳасида чуқур умуммиллий ва махсус билимни зарур касб-кор кўникмаси билан уйғунлаштирадиган юқори малакали мутахасисларини шунингдек илимий ва илмий педагог ходимлар тайёрлаш мақсадини кўзлайди. ОЎЮда таълим икки босқичда бакалавр ва магистр даражасини бериш орқали амалга оширилади: ОЎЮ қонунда белгиланган тартибда вақти-вақти билан аттестация акиредациядан ўтказиб турилади.

7. Илмий ва илмий педагог ходимлар тайёрлаш

Илмий ва илмий педагог ходимлар тайёрлаш узлуксиз таълим тизимида олий босқич ҳисобланиб. Шахс ва жамият эҳтиёжларини шунингдек, жамиятнинг бундай кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжини қондиришни таъминлайди. Илмий илмий педагог ходимларни тайёрлаш илмий даражалар (фан номзоди, фан доктори) ва илмий унвонлар (доцент, катта илмий ходим, профессор ва ҳ.) бериш тартиби қонунлар билан белгиланади.

8. Оиладаги таълим

Ота-оналар ва уларни ўрнини босувчи шахслар боланинг жисмоний, маънавий камолотига ва ақл-заковатини ўстиришига маълумотли бўлишига жавобгардирлар. Оиладаги таълим ўқув юртларнинг дастурлари бўйича амалга оширилади. Кейинчалик экстернат тартибда аттестациядан

ўтказилади. Аттестациядан ўтган таълимнинг исталган босқичидан бошлаб ўқув муассасаларида ўқишни давом эттиришлари мумкин.

9. Мустақил равишда таълим олиш.

Давлат фуқароларининг мустақил равишда ўз маълумотлар, маданий, касб-кор савияларини оширишга бўлган интилишлари, қизиқишларини қўллаб - қувватлайди, уларга шарт-шароит яратади.

Билим ва малака даражасини мустақил равишда оширишган шахсларга экстернат тартибида имниҳон топшириш имконияти берилади.

Таълим Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий тараққиётида устивор деб эълон қилинади. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари куйдагилардан иборат:

- т.-т. нинг инсонпарвар демократик хар-рда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги.
- ДТС асосида таълим олишнинг ҳамма учун баробарлиги.
- таълим дастурларини танлашда ягона ва табақалаштирилган ёндашиш, билим олишга интилиш истеъдодни рағбатлантириш.
- Таълим тизимида давлат бошқарувини уйғунлаштириш.

Жиниси, тили, ёши, ирқи, миллий мансублиги, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, турар жойи, Ўзбекистон Республикасида қанчй вақт яшаётганлигидан қатъий назар, ҳар кимга билим олишга тенг ҳуқуқ яратилади.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир.

Узлуксиз таълим тизими ва турлари.

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши ДТС асосида, турли даражадаги таълим дастурининг изчиллиги асосида таъминланади ва қуйдаги таълим турларини ўз ичига олади:

- мактабгача таълим
- умумий ўрта таълим
- ўрта махсус касб-хунар таълими.
- Олий таълим
- Олий ўқув юртидан кейинги таълим
- Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш
- Мактабдан ташқари таълим

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хос хусусияти мустақил равишдаги 9 йиллик умумий ўрта ҳамда 3 йиллик ўрта махсус касб-хунур

таълими жорий этишдан иборатдир. Бу эса умумий таълим дастуридан ўрта махсус касб-хунур таълимига изчил ўтишини таъминлайди.

Умумий таълим дастурлари: мактабгача таълим, бошланғич таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб хунур таълимини қамраб олади.

Касб-хунур таълими дастурлари ўрта махсус таълими, олий таълим ва ОЎЮ дан кейинги таълимни, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни қамраб олади.

Мактабгача таълим.

Мактабгача таълим боланинг соғлом ҳар томонлама камол топиб шакеланишини таъминлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади, мунтазам таълим олишга тайёрлайди.

Мактабгача тарбияни ривожлантириш учун қуйдагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- малакали тарбиячи ва педагог кадрларни устивор равишда тайёрлаш;
- мактабгача таълимнинг самарали психологик педагогик услубларини излаш ва жорий этиш;
- болаларни оилада тарбиялаш ташкилий психологик, педагогик ва услубий жиҳатдан таъминлаш;
- замонавий ўқув-услубий қўлланмалар, техник воситалар ўйинчоқлар ва ўйинлар яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқиш;
- мактабгача ёшдаги боалаларни халқнинг бой маданий тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида маънавий ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш;
- Мактабгача тарбия муассасаларининг ҳар хил турлари учун турли вариантдаги дастурларни танлаб олиш, мактабгача тарбиянинг барча масалалари бўйича малакали консультация хизмати кўрсатиш имкониятини яратиш;
- Мактабгача тарбия ва соғломлаштириш муассасалари тармоғини қўллаб-қўвватлаш ва ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиш.

Умумий ўрта таълим.

9 йиллик ўқишдан иборат умумий ўрта таълим мажбурийдир. Умумий ўрта таълим тугаллангандан кейин ўқув фанлари ва улар бўйича олинган баҳолар кўрсатилган ҳолда давлат томонидан тасдиқланган намунадаги аттестат берилади.

Умумий ўрта таълимнинг янгича тизими ва мазмунини шакллантириш учун қуйдагилар зарур:

- таълим олишни таъминловчи ДТС ларини ишлаб чиқариш, бунда АЛ ва КХК ларидан кейин олинadиган таълим дастурлари билан мантиқий боғлиқлик ҳисобига олиниши лозим;
- юқори малакали педагог кадрларни тайёрлаш;
- худудларни жўғрофий ва демографик хусусиятларига, шахс, жамият ва давлатнинг эҳтиёжларига мувофиқ равишда таълим муассасалари тармоқларини ривожлантириш;
- ўқувчиларни қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувни жорий этиш;
- таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув услубий мажмуалари яратиш ва ўқув тарбия жараёнларини дидактик жиҳатдан таъминлаш;
- ўқувчиларни касб-хунарга йўллайдиган ва психологик педагогик жиҳатдан маслаҳатлар берадиган марказлар тармоқларни ташкил этиш;

Ўрта махсус ва касб-хунар таълими.

Умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати 3 йил бўлган мажбурий ўрта махсус, КХ таълими узлуксиз таълим тизимидаги мустақил турдир. Ўрта махсус, КХ таълими йўналиши АЛ ёки КХК ўқувчилари томонидан ихтиёрий танланади. АЛ, ДТС ларига мувофиқ ўрта махсус таълим беради. Алларда ўқувчилар ўзлари танлаган таълим йўналиши бўйича билим савияларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-хунар кўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Бу кўникмаларни ўқишни муайян олий таълим муассасаларида давом эттириш ёки меҳнати жараёнида рўёбга чиқаришлари мумкин.

КХК тегишли ДТСлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаган касби бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконинин беради. КХК лари жиҳозланганлиги даражаси педагогик таркибнинг танланганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан чнги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади.

Олий таълим.

Олий таълим ўрта махсус касб-хунар таълими негизига асосланади ҳамда 2 босқичга эга.

Бакалаврият- мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган таълим муддати ҳамда 4 йил давом этадиган таянч олий таълимдир. Битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига биноан «бакалвр» дипломи берилади.

Магистратура- аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негиздатаълим муддати номида 2 йил давом этадиган олий таълимдир. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-хунар фаолияти билан шуғулланиши ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга шахснинг ижодий таълим касб-хунар манфаатлари қаноатлаштиришга қаратилган ОўЮ дан кейинги таълимнинг ОўЮларида ва илмий тадқиқот муассасаларида олиш мумкин. ОўЮдан кейинги таълим босқичлари диссертация ҳимояси билан якунланади. ЯДАттестацияси натижаларига кўра тегишли равишда фан номзоди ва фан доктори илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар топширилади.

Кадрлар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларидаги ўқиш натижаларига кўра давлат томонидан тасдиқланган намунадаги гувоҳнома ёки сертификат топширилади.

Мактабдан ташқари таълим.




Болалар ва ўсмирларнинг таълимга бўлган яқка тартибдаги, ортиб берувчи талаб ва эҳтиёжларини қондириш уларни бўш фактларини дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари жамоат ташкилотлари бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий техникавий спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этадилар.


Савол ва топшириқлар.

1. узлуксиз таълим тизимини изоҳлаб беринг.
2. «Таълим тўғрисида»ги қонун асосида таълим қонунидаги қоидаларни очиб беринг.
3. ўрта махсус касб хунар таълимини сиз қандай тушунаси? Изоҳлаб беринг.

1.







3.Мавзу: «Замонавий педагог ва унга қўйилган талаблар».

Мақсад: Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан келиб чиққан ҳолда, педагог олдига қўйилган талабларни ёритиб бериш ва талабалар онгига етказиш.

Жиҳоз: Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «таълим тўғрисида»ги қонун, жадваллар.

Режа:

1. Ҳозирги замон педагогика фани олдида турган муҳим муаммо.
2. Ўқитувчи шахсига қўйилган касбий талаблар.

3. Ўқитувчининг касбий шаклланиш жараёни.
4. Замонавий ўқитувчи қиёфасидаги фазилатлар.

Таянч тушунчалар. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, педагогика фани олдидаги муҳим муаммо, касбий талаблар, касбий шаклланиш жараёни, ўқитувчи фазилатлари.

Адабиётлар.

1. И.А.Каримов «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққийетининг пойдевори». Т. Шарқ. 1997 йил.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т. 1997 йил.
3. «Таълим тўғрисида»ги қонун. 1997 йил.
4. А.Мунавваров. Педагогика дарслиги. Т. Ўқитувчи. 1996 йил.
5. Ҳ.Сарибоев. Педагогика назарияси (маърузалар матни). Т. 2004 йил.

Ҳозирги замон педагогика фани олдида турган муҳим муаммолардан бири ўқитувчи ва педагогик меҳнат шароитини муаммоси ҳисобланади. Чунки, ўқитувчида барча педагогик ғоялар мужассамланган бўлиб, унинг фаолияти орқали бу ғоялар амалга оширилади ва ҳаётга тадбиқ этилади.

Ўқитувчининг кўп қиррали ва мураккаб фаолияти замирида ёш авлодни одобли, ахлоқли қилиб тарбиялаш, уларни билимлар билан қуроллантириш каби муҳим вазифалар ётади. Буларни амалга ошириш эса ўқитувчининг хилма-хил фаолиятига боғлиқ. Болаларни ўқитиш, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил этиш ва ўтказиш, ота-оналар ўртасида педагогик тарғибот ишларини олиб бориш ва ҳақозо. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчидан чуқур билимга эга бўлишни, ўз соҳасини, болаларни севишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим концепциясида ўқитувчи мутахассис олдида турган вазифалар қуйидагича белгиланади: «Мутахассис малакаси чуқур умумий билим, кенг дунёқараш ва касб тайёргарлиги, компьютер саводхонлиги, ўз билимини тезлик билан

янгилаш ва тўлдирга олиш қобилияти сингари омиллардан ташкил топади. Шулар қаторида унинг интизоми, маъсулияти, зиёлилик, ўз ишига, мамлакати мустақиллигига, Ватан ва жаҳон тараққиёти йлида эзгулик ва адолатга садоқат туйғуларини ҳам тарбиялаш зарур».

Бу вазифа ва талаблар бошланғич синф ўқитувчисидан айниқса тўла мужассамлашган бўлиши лозим. Зеро, мактабга илк бор қадам қўйган бола дунёнинг, ҳаётнинг қонун-қоидаларини, сир-асрорларини ўқитувчидан ўрганади. Ўқитувчи эса болага ўз билганини ўргатади. Шундай экан, ўқитувчи қандаё фазилатларга эга бўлиши керак, деган савол туғилади. Бу саволга жавоб беришдан аввал ўқитувчининг ҳозирги кунда жамиятимизда тутган ўрни ҳақида фикр юритсак.

Маълумки Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига биноан, 1 октябр халқ таълими ходимлари куни деб эълон қилинди. Бу воқеа давлатимизда ўқитувчиларнинг жамиятда тутган ўрни нақадар юксак эканлигидан далолат беради. Илғор ўқитувчиларимизга юксак унвонлар, давлат мукофатлари берилмоқда, уларга маъсул вазифалар ҳам юклатилаяпти.

Кейинги йилларда педагог ходимларнинг маиший шароитларини яхшилаш борасида қатор ҳужжатлар қабул қилинди, имтиёзлар берилди, иш ҳақи оширилди, барча таълим-тарбия муассасалари ходимлари билан меҳнат шартномаси тузиш тизимига ўтилди. Ўзбекистон Республикаси олий таълим концепциясида мутахассис вазифалари қуйидагича белгиланган: «Мутахассис ўз фаолияти, соҳасидан қатъий назар, ижодий жамоларда ишлай олиш қобилиятига, менежмент ва маркетинг соҳаларида тайёргарликка эга бўлиши, янги технологияларни жорий этишнинг хўжалик, ижтимоий ва маданий жиҳатларини аниқ тасаввур қила олиши керак». Ушбу фикрла ўқитувчиларга ҳаи бевосита тааллуқлидир. Чунки жамиятимизда содир бўлаётган туб ўзгаришлар, бозор муносабатларига кириб боришимиз ўқитувчидан нафақат касбий билимларни, балки, иқтисодий, юридик, техникавий билимлардан ҳам хабардор бўлишни тақазо қилмоқда. Бу ўринда ўқитувчи шахсига қўйилган касбий талаблар хусусида алоҳида тўхталмоқ зарур.

Ҳозирги замон ўқитувчисининг асосий фазилатларидан бири ўз касбига садоқатлилиги, ғоявий эътиқодлилиги, ўз касбини севиши, ўқитувчини бошқа касб эгаларидан ажралиб туриши. Чунки мактабда таълим-тарбия ишининг юқори савияда олиб борилиши фақат ўқитувчига, унинг касбий тайёргарлигига боғлиқ.

Ўқитувчи шахсига қўйиладиган муҳим талаблардан бири шуки, у ўзи ўтаётган фанини чуқур билиши, унинг методикасини ўзлаштириб олган бўлиши зарур. Предметни (фан) ва унинг назариясини чуқур билиши,

уни қизиқарли қилиб ўқувчиларга етказа олиши шу фанга бўлган қизиқишини оширади, ўқитувчининг обрўсини оширади.

Ўқитувчининг юксак маданияти, унинг терк билим доираси таълим-тарбия ишларининг муваффақиятли кечишига ёрдам беради. Ҳозирги замон ўқитувчиси ва айниқса бошланғич синф ўқитувчиси миллий қадриятларимизни билибгина қолмай, кенг ота-оналар жамоатчилиги ичида, синфда унинг оташин тарғиботчиси ҳам бўлиши -----акат қила олиши керак.

Ўқитувчи анатомия, физиология, мактаб гигиенаси фанларидан хабардор бўлмоғи, ўқувчилар фаолиятини шу фанлар тавсияси асосида ташкил этиши лозим. Ўқитувчи ўз нутқини идора қилиши, адабий нутқ меъёрларига риоя қилиши, овознинг паст-баландлигига аҳамият бериши (ортиқча баланд ёки паст гапириш) болани толиқтириб қўяди. Нутқнинг жонли, ифодали бўлишига эътибор бериши лозим. Ниҳоят у ўз устида тинмай ишламоғи зарур. Айниқса қадриятларимизни ўрганишга, ўзлимизни англашимизга, қадимий маданиятимизни билишга эҳтиёж катта бўлмоқда, зеро буларни билмай туриб мутахассислигимизни мустаҳкамлаб, буюк давлат куриб бўлмайди. Шундай экан болалар шарқона тарбия таъсирича олинмоғи, миллий қадриятни билмоғи лозим. Бу ўқитувчидан шу соҳада чуқур билимга эга бўлишни талаб этади.

Ўқитувчининг касбий шаклланиши коллежда таълим олиш жараёнидан бошланади. Коллежнинг ўқув режа ва фанлар бўйича дастурларида бўлажак ўқувчиларга шу касбнинг сиру асрорларини ўргатиш, назарий билимлар бериш ва кўникмалар ҳосил қилиш назарда тутилади.

Кўпинча талабалар 1-курсдан бошлаб, педагогика ва психология фани бўйича илмий-тадқиқот ишларига жалб этилади. Илмий жамият аъзолари бўлишади, шу жамият орқали семинар ва анжуманларда қатнашадилар. Талабалар билан олиб бориладиган бундай ишларнинг муҳим аҳамияти шундан иборатки, бу тадбирлар топширилган ишга жиддий ёндашиш ҳиссини тарбиялайди.

Ўқитувчининг касбий шаклланиш жараёнида мактаб раҳбарияти ва жамоатчилиги катта роль ўйнайди. Ёш ўқитувчиларга тажрибали ўқитувчиларни бириктириб қўйиш, уларнинг дарсларини кузатиш, услубий бирлашма ишларига жалб этиш мактаб раҳбариятининг вазифасидир. Мактабда ўқитувчининг ўз устида ишлашига, илмий назарий ва методик билимларини тинмай ошириб боришига катта аҳамият берилади. Ўқитувчи секин-аста ўз касбини ўзлаштириб бориш билан бирга, ота-оналар ўртасида педагогик билимларни тарғиб этади.

Ўқитувчилик касбига кириш ва педагогик маҳоратни эгаллаш жараёни, уни мактаб ўқитувчилар жамоасига киритиб, унда ўз ўрнини топиб кета олишига боғлиқ. Жамоанинг ёрдамидан юз ўгирмаслик, қийинчиликларга дуч келганда руҳан тушмай, ўз хатоларини кўра билиш ва уни йўқотимш учун ҳаракат қилиш унинг ўқитувчи бўлиб шаклланишидан дарак беради.

Шу билан бирга, ўз-ўзини тарбиялаб боришга, ўз устида тинмай ишлашга ҳаракат қилиш касбий фазилатларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси давлат таълим муассасалари педагог кадрларнинг аттестацияси тўғрисида Низом ишлаб чиқилди ва бу низом 1999 йил 12 августда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланди. Аттестация ўқитувчилар ва бошқа педагог кадрларга меҳнатларининг пировард натижасига кўра иш ҳақи олиш имконини, агар педагог таълим-тарбия жараёнида яхши ишласа, унинг меҳнати эътибордан четда қолмаслигига кафолат беради.

Ўқитувчи қиёфасидаги фазилатлар:

1. Ўқитувчи жамият ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий ислоҳатлар моҳиятини чуқур англаб етиш ҳамда бу борда ўқувчиларга тўғри, асосли маълумотларни бериб бориш лозим.
2. Замонавий ўқитувчи, фан, техника ва технология, янгиликлари ва ютуқларидан хабардор бўлиши лозим.
3. Ўқитувчи ўз мутахасислиги бўйича чуқур, пухта билимга эга бўлиши, ўз устида тинмай ишлаши ва изланиши лозим.
4. Ўқитувчи педагогика ва психология фанлар асосларини пухта билиши, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда фаолият ташкил этиши керак.
5. Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида энг самарали шакл, метод ва воситалардан унумли фойдалана олиши имкониятига эга бўлмоғи лозим.
6. Ўқитувчи ижодкор, ташаббускор ва ташкилотчилик қобилиятларига эга бўлиши керак.
7. Ўқитувчи юксак даражадаги педагогик маҳоратга, чунончи, коммуникативлик лаёқатига эга бўлиш, педагогик техника (нутқ, қўл-оёқ, юз ва гавда ҳаракатлари), (мимика, пантомимика) қонуниятларини чуқур ўзлаштириб олишга эришиш лозим.
8. Ўқитувчи нутқ маданиятига эга бўлиши унинг нутқи қуйидаги хусусиятларни ўзида акс эттира олиши керак.
 - Нутқнинг тўғрилиги.
 - Нутқнинг аниқлиги.

- Нутқнинг ифодавийлиги.
 - Нутқнинг софлиги. Нутқ содда,. Равон ва тушунарли бўлиши керак.
 - Нутқнинг равонлиги.
 - Нутқнинг бойлиги.
9. Ўқитувчининг кийиниш маданияти.
10. Ўқитувчининг ҳаётда пок, атрофдагиларга ўрнак бўла олиши.

Саволлар.

1. Педагогика касбига сизнинг муносабатингиз?
2. Ўқитувчининг шахсий сифатларини айтинг?
3. Ҳозирги давр педагогларига қўйилган талаблар нималардан иборат?

4.Мавзу: Дидактика ҳақида тушунча. Билиш таълим жараёнининг методологик асосидир.

Мақсад: Талабаларга дидактика-ўқитиш ва таълим назарияси яъни таълим жараёнининг умумий қонуниятларини ўргатувчи қисм эканлиги ҳақида маълумот бериш, ҳамда илмий билимлар, кўникма ва малакаларни шакллантириш.

Методик таъминот: «Таълим жараёнининг уч томонлама хусусияти» плакат.

Режа:

1. Дидактика ҳақида тушунча.
2. Билиш-таълим жараёнининг методологик асосидир.
3. Таълим жараёни ва унинг уч томонлама хусусияти.
4. таълим жараёнида билиш фаолиятининг босқичлари.
5. Хулоса.

Таянч тушунчалар. Таълим, дидактика, методика, мотивация, билим, кўникма, малака.

Адабиётлар.

1. И.А.Каримов. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. 1997 йил.
2. «Таълим тўғрисида»ги қонун. Т. 1997 йил 29 август.
3. Мунавваров ва б. Педагогика. Т. 1996 йил.
4. Э.Тўрақулов. С. Рахимов. Абу Райхон Беруний руҳият ва таъхлим-тарбия ҳақида. Т. 1992 йил.
5. Халқ таълими. №3. 2000 йил.
6. Халқ таълими. №5. 2000 йил.
7. /айбуллаев Р. Ёдгоров Р ва б. Педагогика. Т. 2000 йил.
8. Б.Зиёмухаммедов. Ш.Абдуллаева. Педагогика. Т. 2000 йил.

«Ўз мустақил фикрига эга бўлган, ўз кучига, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига ишонган инсон доимо келажакка ишонч билан қарайди. У жамиятдаги фикрлар хилма-хиллигидан чўчимайди, балки замонавий билим ва фалсафай қарашларга, ҳаёт ҳақиқатига суянган ҳолда ҳар қандай ғаразли ният, таҳдид ва интилишларни фош қилишга қодир бўлади».

И. А. Каримов

Дидактика-таълим жараёнининг умумий қонуниятларини ўргатувчи қисмидир, яъни таълим жараёнининг илмий, назарий, услубий ва амалий асосларини, яъни таълим, билим бериш, ўқитиш назарияси билан педагогиканинг мустақил бўлими дидактика шуғулланади.

Дидактика грекча сўз бўлиб, «дидайко»-ўқитиш, «дидаскол»-ўргатувчи деган сўзлардан келиб чиққан.

Дидактиканинг сўзма-сўз таржимаси таълим назариясини англатади. Таълим назарияси таълим жараёнининг тушунчаси ва моҳияти, таълим қоидаларини, услублари ҳамда ташкилий формаларини ўз ичига олади.

Дидактика ўз олдига ўқитишнинг ўқувчиларни ҳар томонлама тарбиялаш мақсадларига жавоб берувчи умумий қонуниятларини билиб олиш вазифасини қўяди. Таълимнинг асосий вазифаси ёш авлодни илмий билимлар, кўникма ва малакалар тизими билан қуроллантиришдан иборат.

Демак, дидактика ёш авлодни «нимани ўқитиш», «нимага ўқитиш», «қандай ўқитиш» каби саволларга жавоб беради. Дидактика, ўз навбатида, айрим ўқув фанларига оид усул ва услублар билан узвий боғлиқдир. У ўқитишнинг умумий қонуниятларини аниқлаб бериши билан бирга, ҳар бир ўқув фанини ўқитиш усуллари учун асос бўлиб хизмат қилади.

Энди дидактика илмининг тадқиқот объекти, предмети, мақсад ва вазифалари устида тўхталиб ўтамиз.

Умуман педагогиканинг тадқиқот объекти узлуксиз таълим-тарбия жараёни ҳисобланади. Дидактика педагогиканинг назарий қисми бўлиб, унинг тадқиқот объекти ҳам умумий педагогика объекти ичидадир. Шундай қилиб, дидактиканинг тадқиқот объекти педагогика назариясидир. Педагогиканинг назарий бир бутунликни ташкил қилиб, қуйидаги қисмлардан иборат:

Биринчи қисм. Ўқитувчи, унинг ўз фанини пухта эгалланганлиги, педагогик маҳорати, ўзига жалб –ила олиш хусусияти ва ҳақоза ҳислатларини ўз ичига олади.

Иккинчи қисм. Ўқувчи, унинг табиатан берилган билим қобилияти, шу фанга интилиш қуввати ва бошқа бир қатор ижтимоий шароитлардир.

Учинчи қисм. Ўргатиши лозим бўлган билимлар мажмуи.

Тўртинчи қисм. Дидактик материаллар деб номланган методик қўлланмалар, кўргазмалар қуроллар, техник воситалар ва бошқалар.

Дидактиканинг тадқиқот предмети таълим-тарбия жараёнини ташкил қилувчи шу беш қисм орасидаги функционал боғлиқликдир.

Дидактиканинг тадқиқот олиб боришидан мақсад: ўқитувчи ва тингловчи, ўқитилаётган фан, дидактик материаллар, дидактик тамойиллар орасидаги муносабатларнинг қонуниятларини аниқлашдир.

Бу дунёда не-не даҳолар яшаб ўтмаган. Сабоқларга бой ўтмишимизда Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк аллома бобокалонларимиз тиббиёт, мантиқ, мусиқа, адабиёт, география каби илмларни ўқитиш воситасида авлодларни тарбиялаш ғоясини олға сурдилар. Қайковуснинг «+обуснома», Носир Хисравнинг «Саодатнома», Юсуф Ҳос Ҳожибнинг «+утадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Хибат ул-хақойиқ», Алишер Навийнинг «Махбуб ул-кулуб» (Кўнгишлар севгиси) асарларида илғор педагогик қарашлар ҳам ифодаланган. Улар дунёвий таълимни кенг ривожлантиришга катта ҳисса қўшишди.

Ўзбек шеърятининг буюк дахоси Алишер Навоийнинг дидактик мероси унинг бебаҳо «Хамса» асарида, хикматларида, лирик дурдоналарида ўз ифодасини топган. Масалан, «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳод илмли, хунарли, ижодкор шахс. Фарҳод илм-хунарни ҳаёт билан боғлайди.

Шарқу ғарб маънавий мероси асосида педагогик жараёндан марказий ўрин олган дидактика доимо ривожланиб борди, дидактика ривожига буюк чех педагоги Ян Омос Коменский ҳам катта хисса қўшди. Унинг «Буюк дидактика» асари ўқитишни ривожлантиришга ғоят катта таъсир кўрсатди ва муаллимларнинг доимий фойдаланадиган китоби бўлиб қолди.

Ўзбекистонда дидактик таълимнинг ташкил топиши ва ривожланиши Абдулла Авлоний, Хамза Хақимзода Ниёзий, Муҳаммадрасул Расулий, +ори Ниёзий каби педагог ва олимларнинг номлари билан боғлиқ.

Билиш жараёни каби таълим жараёнида ҳам ўқувчи билмасликдан билишга, нотўғри ва ноаниқ билишдан тобора тўлиқроқ ва аниқроқ, чуқурроқ билишгача бўлган йўлни босиб ўтади. Бу жараёнда хиссий идрок этиш ҳам, тафаккур ҳам, амалда синаб куриш ҳам бўлади.

Муайян фан ва ходисалар объектив дунёни билиш жараёнидан ўрганилади ва уларнинг ташқи, ички моҳиятини ўзлаштириш жараёни омиллари аниқланади. Мушоҳада, тасаввурва тафаккурга асосланиб фактлар умумлаштирилади ва илмий хулосалар чиқариш натижасида назариялар, қонунлар ва категориялар яратилади.

Билиш икки паллага-назарий ва амалиётга бўлинади. Назария янги билимни, янгича билишни ифодаловчи тизимли фикрдир. Назария ҳар хил шаклларда ифодаланади: аксиома, теорема, қонун, формула, график рақам ва бошқалар. Назарияда ғоя шаклланади.

Назария деб, тафаккурнинг барча босқичларидан ўтган ва амалиётда синалиб қурилиб, маромига етган билимлар мажмуига айтилади.

Амалиёт билимларнинг ҳақиқийлигини кўрсатувчи мезондир. Кузатиш, тажриба, ўзгартириш, яратиш булар амалиёт шаклларига киради.

Амалиёт ижтимоий ҳаёт ва табиятнинг мураккб жараёнларини билиб олишда инсон учун асосий қурол бўлиб хизмат қилади. Масалан: ойни кузатиш жараёнини олайлик. Жонли мушоҳада ва мавҳум тафаккур ёрдамида биз ойга аппаратларни юборамиз. Илмий аппаратлар ёрдамида олинган материалларни лабораторияларда текшириш амалиётга киради.

Илмий билишнинг вазифаси ходисаларнинг моҳиятини, уларнинг ривожланиш қонунларини очишдангина эмас, балки бирон-бир қонуннинг қай тариха намаён бўлиш сабабларини ҳам кўрсатиб беришдан иборат.

Илмий омил илмий билишнинг элементи бўлиб, тажриба асосида қўлга киритилади, омилга асосланмаган билимнинг илмий қиймати, амалий фаолият учун аҳамияти ҳам бўлмайди. Шунинг учун илмий билимнинг, фаннинг асосий мақсади омиллар асосида ётган умумий боғланишларни, қонуниятларни топиш, уларнинг моҳиятини билишдадир.

Ўрта осийнинг буюк мутафаккирлари билишда омилларни ўрганишга катта эътибор берганлар. Масалан: Абу Носир Фаробий (873-950) билимнинг элементи бўлган омилларни ўрганишга катта аҳамият беради. Унинг фикрича, билимнинг асосини мавжуд нарса ва ходисаларни инкор эттирадиган омиллар ташкил этади. Ибн Сино (980-1037) касалликни вужудга келтирувчи объектив омилларни ўрганиш асосида касалликларни турларга ажратди ва даволаш усулини ишлаб чиқди.

Билиш сезишдан бошланади. Сезиш теварак-атрофдаги воқелик, нарса ва ходисаларнинг сезги органларимизга таъсир этувчи айрим сифатларнинг онгимизда акс этишидир. Бунда ҳао бир орган, ҳар бир анализатор, П.П.Павлов таъкидлаб айтганидек, нарсаларнинг айрим сифатларини идрок қилади. Биз совуқ, илликлик, шўр, оқ, қора, аччиқ, чучук ва ҳакозоларни, кўриш, эшитиш, хид билиш, таъм-маза билиш, тери, мускул-харакат ва органик сезги органларининг фаолияти орқали билиб оламиз.

Сезгилар-одам ҳақидаги барча билимларимизнинг манбаидир. Аммо илмий асосда билишда, масалан, олимнинг ылими билан ўқувчининг билиш фаолияти ўртасида умумийлик бўлса ҳам лекин, улар бир-биридан фарқ қилади. Олимлар оламни билиб олиб, илгари фанга маълум бўлмаган янги ҳақиқатларни кашф этадилар. Янги қонуниятларни аниқлайдилар ва шу тариқа фаннинг илгарилаб кетишига имкон яратадилар. Ўқувчилар эса таълим жараёнида оламни била бориб, ўзлари учун илгари номаълум бўлган, бирон фан кашф этган ва одамларнинг ижтимоий-тарихий амалиётида текшириб қурилган янги бир нарсани билиб оладилар. Ўқитувчи ўқувчиларни олимлар томонидан яратилган бу қонунни билишга тўғри, енгиллаштирилган, вақт жиҳатидан қисқа йўлдан олиб боради.

Ўқитиш натижалари билим сифатида, ўқувчининг ривожланиш даражасида ўз аксини топади.

Таълим жараёни қуйидаги уч таркибий қисмдан иборат бўлади.

1. Мотивация қисми.
2. Бошқариш фаолияти.
3. Билиш фаолияти.

Мотивация қисмининг асосий мақсади ўқувчиларда билим олишга қизиқиш, истак, хоҳиш, заруратни уйғотиш. Агар ўқувчиларда у ёки бу фан бўйича қизиқиш, истак, хоҳиш ва зарурат бўлмаса, у фанни ўзлаштира

олмайди. Таълим жараёнининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бу ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам ички мотивация бўлиши керак.

Бошқариш фаолияти қисми асосан ўқитувчига тегишли бўлиб, бу ўқувчиларнинг мустақилликка, мустақил ўрганишга, мустақил фикрлашга ва охир оқибат таълим муассасасини ўқититрувчи шахс мустақил фуқаро бўлиб шаклланишга олиб келсин.

Билиш фаолияти қисми асосан ўқувчига тегишли бўлиб, у бир нарсани яъни ўз билимини фақат ўзигина амалга оширишга қодир эканлигини тушуниб етиш ва шу асосда мустақил ҳаракат қилиши керак.

Ўқитувчи мактаб ўқувчиларини янги билимларни фаол идрок қилишга, ўзи ҳаётда қўллай олишга тайёрлайди. Ўқувчиларнинг ўқитувчи сабоғини ўзлаштириш жараёни билимларни идрок қилиш, тушуниш, мустаҳкамлаш ҳамда уларни амалда қўллаш босқичларидан иборат бўлади.

Билимларни ўзлаштириш воқеликдаги нарса ва ходисаларни сезиш ва идрок қилишдан бошланади. Билимларни ўзлаштиришда бу босқичларнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Идрок-борлиқни одам онгида акс этишидир. Биз дарахтни, одамни, ҳайвон ва бошқаларни идрок қиламиз.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятидаги иккинчи босқич-билимларни тушуниш ва умумлаштиришдир. Тушунчаларнинг ҳосил бўлиш жараёнида индукция ва дедукция каби фикрлаш масалалари катта ўрин тутди.

Индукция-хусуси ҳолларда умумий қоидага борадиган:

Дедукция-умумийдан хусусийга борадиган фикр юритиш йўлидир.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятидаги учинчи босқич-билимларни мустаҳкамлаш ва қўллашдир.

Мустаҳкамлашнинг моҳияти янги материални идрок қилиш вақтида ҳосил бўлган муваққат боғланишларни пухталашдир. Мазкур жараёнда бўш ва беқарор боғланишлар мустаҳкамланиб боради.

Билим, кўникма ва малакаларни муваффақиятли эгаллаб олиш воситаларидан бири-аввал ўзлаштириб олинган билимларни амалда қўллашдир. Амалиёт жараёнида билимлар тўлдириб борилади, уларни амалда қўлланиш кўникмаси ҳосил қилинади. Амалий вазифаларни ҳал қилиш вақтида билимга эҳтиёж пайдо бўлади, бу эса янги билимларни эгаллаш учун туртки беради.

Хулоса қилиб шуни айтамикки, таълим жараёнининг мазмунини билим, кўникма ва малакалар ташкил қилади. Таълим жараёнини ўқитувчи билан ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятида намоён бўлади. Демак, ўқувчилар орқали билим билан қуролланадилар. Бунинг учун ўқитувчи кўникма ва малака ҳосил қилиш учун бошқариш керак.

Кўникма машқ қилиш натижасида бериладиган ҳаракатларнинг йиғиндисидир. Кўникма машқ қилиш ва такрорлаш орқали малакага айланади.

Таълимнинг асосий мақсади, вазифаси ёш авлодни илмий билимлар, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришдан иборат.

Таълим жараёнида фаннинг энг зарурий, энг муҳимлари асоси ўрганилади. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчига билим берар экан, уни соддадан мураккабгача, умумийдан хусусига етаклайди, хулосалар чиқаришга, ҳаётда, ишлаб чиқаришда қўллаб боришга ўргатади.

Ўқитувчи билимларини ўргатар экан, ўша жараёнида болаларнинг имкониятларини ўрганади, қийинчиликларини қуради, уларни бартараф этиш чоралари излайди.

Саволлар.

1. Дидактика сўзининг маъноси нима?
2. Таълим жараёнининг уч томонлама хусусиятларини изохлаб беринг? Билиш фаолиятининг босқичлари ҳақида тушунтиринг?

5.ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ ВА ТУРЛАРИ.

Мақсад: Талабаларнинг дарс машғулотини шакли ва турлари билан таништириш.

Машғулот жихози: Мавзуга оид жадваллар.

Режа:

1. Дарс шакллари.
2. Дарс турлари ва уларнинг тузилиши.
3. Ноанъанавий дарслар.

Таянч тушунчалар:

Таълим шакли, таълим жараёнини ташкил этиш шакллари, синф дарс, таълим мет одлари, адабиётлар, таълим воситалари.

Адабиётлар:

1.И.А.Каримов Баркамол авлод Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. Т. Шарк 1997 й.

2. **Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тугрисидаги қонуни», Маърифат, 1997 й. 30 сентябр.**


3. **«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. Шарк 1997 й.**

Педагогика А.М. Мунавваров таҳрири остида Т.Уқит. 1996 й.

Таълим муассасалари олдида турган вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши маш¹/₂улот (таълим жараёни) мазмуни, таълим шакли методлари ҳамда воситалари ўқувчиларни маънавий жихатдан тарбиялаш, уларда чуқур билим ва дунёқарашни ҳосил қилиш ишига хизмат қилади.

Таълим шакли ўқитувчи ва ўқувчининг белгиланган тартибда, муайян мақсадга мувофиқ маълум режимда ташкил этиладиган фаолиятларнинг ташқи ифодасидир.

Ёшларнинг замоналардан оқ жамиятнинг етук кишилари ўқитиш ишини ташкил қилишнинг ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларига жавоб берадиган шакллари топишга уринганлар. Ўзгирги вақтда Республика таълим муассасаларида ўқитишнинг қуйидаги шаклларидан фойдаланилмоқда:



Анъанавий таълим ўзида XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида яшаб ижод этган буюк чех педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670 й) томонидан асосланган синф-дарс тизими моҳиятини акс эттиради. Мазкур тизим моҳияти қуйидагилардан иборат:

а) ўқувчилар ёшлари ва тайёргарлик даражаларига кўра синфлар тарзида гурухланадилар ва умумий ишини бажарадилар:

б) ўқув предметининг мазмуни бир қатор барабар ва изчил жойлаштирилган қисмларга ажратилиб, улар бирин-кетин маълум жадвал бўйича келадилар.

Синф-дарс тизими асосини ташкил этувчи синф ёши ва билими жихатидан бир хил бўлган муайян ўқувчилар гуруҳини, дарс эса бевосита ўқитувчининг раҳбарлиги ҳамда назорати остида муайян ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим жараёнини англатувчи тушунчалардир.

Дарс ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли ҳисобланади. Синф-дарс тизими қуйидаги мазмунга эгадир:

1. Ҳар қайси синф ёши ва билим даражасига кўра бир хил бўлган ўқувчиларнинг доимий гуруҳига эга бўлади;
2. Дарс жараёни асосан 45 дақиқа давом этиб, қатъий жадвал асосида олиб борилади;
3. Дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолият бирлигида асосланган бўлиб, бевосита ўқитувчи раҳбарлигида жамоа, гуруҳи ва яқка тартибда олиб борилади;
4. Дарс маш¹/₂улоти ўтилаётган ва ўзлаштирилаётган материалнинг мазмунига қараб турли хил методлар ёрдамида олиб борилади ҳамда умумий таълим тизимининг бир қисми сифатида, албатта, тугалланган билим беради ва навбатдаги билимларни ўзлаштириш учун замин яратишга хизмат қилади.

Дарсда ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро муносабат жараёни-шахсий алоқага асосланади. Ўқитувчи дарсда барча ўқувчилар фаолиятини назорат қилади, шунингдек, ўқувчиларнинг ўзаро алоқалари ва назоратини қўллаб-қувватлаб туради. Ўқитувчининг дарс жараёнидаги фаолияти ўқувчилар томонидан фан асосларининг ўзлаштирилиши уларда зарур кўникма ва малакаларни ҳосил бўлиши учун замин яратади.

Бугунги кунда дарсларни ташкил этишга нисбатан қуйидаги дидактик талаблар қўйилмоқда:

1. Дарснинг мақсади ва вазифаларининг аниқлиги ҳамда педагогик жихатдан тў¹/₂рилиги;
2. Дарснинг таълимий, тарбиявий ва шахсни ривожлантирувчанлик вазифаларининг бирлиги ва узвийлиги;
3. Ўқитишнинг яхлит дарс ва унинг маълум қисмлари вазифалари ҳамда мазмунига мувофиқ келадиган, ўқувчиларнинг билиш фаолликлари ва мустақил фаолиятларини таъминлашга хизмат қилувчи мақбул методларни танлаш;
4. Маш¹/₂улотларнинг турли шакллари: жамоа, гуруҳли ва яқка тартибдаги шакллари мақбул равишда қўшиб олиб бориш;

5. Ўқтиувчининг рахбарлик вазифаси билан ўқувчилар фаол билиш фаолиятини бирга олиб бориш;
6. Дарсларнинг ўзаро узвий ва диалектик хусусиятга эга бўлишига эришиш;
7. Ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш;
8. Дарсда ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш учун қулай шарт-шароит яратиш;
9. Дарсларни демократик тамойиллар асосида ташкил этиш;
10. Дарсда ўқувчилар эркинлигини таъминлашга эришиш.

Бир соатлик дарсга мўлжалланган дастур ўқув материали мазмунини баён қилиш, дидактик мақсад ва талабларга мувофиқ ташкил этилган машъулот тури дарс тури деб юритилади. Бошқача қилиб айтганда, ўқувчиларни билим, кўникма ва малака билан қуроллан-тиришда машъулотнинг асосий қисмини ишъул қилган таълим шакли у ёки бу дарс турини ташкил этади.

ДАРС ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ ТУЗИЛИШИ.

Дарсда билимларнинг ўзлаштирилиши, малака ва кўникмаларнинг хосил қилиниши мураккаб, қарама-қарши жараёндир. Ўқув материални ўрганишнинг турли вазифалари, йўллари, усул ва формалари вужудга келади, бунинг натижасида дарснинг жуда кўп турлари, унинг ҳар хил вариантлари пайдо бўлади.

Айни вақтда таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган дарс турлари қуйидагилардир:

1. Янги билимларни баён қилиш дарси.
2. Ўтилган материални мустаҳкамлаш дарси.
3. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш дарси.
4. Такрорий-умумлаштирувчи дарс.
5. Аралаш дарс.

Муайян дарс тури асосида олиб бориладиган машъулотларда иккинчи, учинчи бир дарс турининг қисмлари бўлиш мумкин. Мисол учун, таълим муассасаларида энг кўп қўлланиладиган дарс турларидан бири-янги билимларни баён қилиш дарсида қуйидаги ҳолатлар амалга оширилиши мумкин:

- а) янги билимларни баён қилиш;
- б) янги билимларни мустаҳкамлаш;
- в) янги билимлар устида машқ ўтказиш;
- г) янги билимларга боълик ҳолда уй вазифаларини топшириш ва хоказо.

Демак, дарс умумий жараён давомида бир дарс тури асосида ташкил этилмайди. Шунга қарамай дарснинг мақсади ўқувчиларга янги билим


беришга қаратилган бўлса, бутун дидактик усуллар ана шунга бўйсундирилади. Шунинг учун ҳам бундай дарс янги билим бериш дарси деб аталади.

Муайян дарс тури билан иш кўрилатганда бошқа бир дарс тури унсурларининг асосий дарс тури тузилишини ташкил қилиши мумкин. Дарснинг таркибий тузилиши у ёки бу дарс турининг умумий ҳолати, унинг қисмлари моҳиятини аниқлатади.

Дарс жараёнида қўлланилатган ҳар қандай дидактик усул дарс тузилишини ифодалашга хизмат қилавермайди. Дидактик усуллар таълим методи билан баҳолангандагина дарс тузилишининг ўзгаришига олиб келади. Таълим методларининг ўзгариши дарс тузилишининг ўзгаришига олиб келади. Дарс жараёнининг муайян қисмида дарс шакли ҳамда методларининг ўзгариши-дарснинг янги босқичини бошлаганлигини аниқлатади.

Демак, дарс тузилишининг бирдан иккинчисига ўтиши ва шу орқали дарснинг шакл ва методларининг ўзгариши дарс босқичи деб юритилади.

Мисол учун, аралаш дарс тури қуйидаги тузилишга эга бўлади.



Такрорий умумлаштирувчи дарс одатда ўқув дастурининг маълум бир қисми, боб, бўлим, ёки айрим мавзу ўтиб бўлганидан кейин ўтказилади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синфларида баъзи ўқув материалларининг маълум қисми ёки йирик мавзунини бошлашдан аввал кириш дарслари ҳам олиб борилади. Бундай дарслар одатда гуманитар предметлар бўйича ўтказилади. Кириш дарсларининг ўтказишда ўқувчиларнинг мустақил иш олиб боришлари назарда тутилади.

Бугунги кунда таълимни ташкил этиш тизимида яқка тартибда таълим олиш ўзига хос ўринга эга бўлиб бормоқда. Яқка тартибдаги таълим ўқувчининг қизиқиши, эҳтиёжи, хохишига кўра муайян фан, предмет юзасидан чуқур билим олиш, маълум фан ёки предмет бўйича юзага келган ўзлаштирмовчилик ҳолатини бартараф этиш, шунингдек, узоқ вақт со¹/₂ликни сақлаш муассасаларида даволанган ёки тиббиёт ходимлари назоратида бўлган ўқувчиларнинг ўқув дастури талабларини бажаришларига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилади. Яқка тартибда таълим олишнинг асосий кўринишларидан бири сифатида репититорлик таълими кенг тараққий этиб бормоқда.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда янги турдаги ўқув муассасалари фаолиятида ўқитишнинг ноанъанавий шакллари асосийси сифатида маърузадан фойдаланиш борасида ҳаракат олиб борилади. Яқка тартибдаги таълим ўқувчининг қизиқиши, эҳтиёжи, хохишига кўра муайян фан, предмет юзасидан чуқур билим олиш, маълум фан ёки предмет бўйича юзага келган ўзлаштирмовчилик ҳолатини бартараф этиш, шунингдек, узоқ вақт со¹/₂ликни сақлаш муассасаларида даволанган ёки тиббиёт ходимлари назоратида бўлган ўқувчиларнинг ўқув дастурлари талабларини бажаришларига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилади. Яқка тартибда таълим олишнинг асосий кўринишларидан бири сифатида репититорлик таълими кенг тараққий этиб бормоқда.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда янги турдаги ўқув муассасалари фаолиятида ўқитишнинг ноанъанавий шакллари асосийси сифатида маърузадан фойдаланиш борасида ҳаракат олиб борилади. Маъруза асосан ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида қўлланмоқда. Маъруза дарсларининг ташкил этиш анча мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишдир. Маъруза дарси тажрибали, юксак даражада педагогик маҳорат асосида ташкил этилади. Маърузадан фақат фан, ўқув предмети асослари борасидаги маълумотлар бериб қолмасдан, балки ўқувчиларни ижтимоий-¹/₂оявий жихатдан тарбиялаб бориш талаб этилади. Маъруза жараёнида асосий эътибор ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, билим ва фаолият малакасини оширишга қаратилади.

Мактаб амалиётида маърузанинг қуйидаги турларидан кенг фойдаланилмоқда: маъруза-хикоя, маъруза-сухбат, маъруза- мунозара ҳамда оммавий маъруза. Маърузалар ёзма шаклда ифода этилади. Шу боис маърузачи-ўқитувчида маъруза мавзуси юзасидан режа ҳамда конспект бўлиши лозим.

Маърузада баён қилинган материалнинг ўқувчилар томонидан тушуниш ва қабул қилиб олишнинг муайян мезонлар асосидаги тартиби мавжуддир. Чунончи бир дақиқада – I - синфда 20-25 сўз, 2–синфда –25-30 та сўз, 3 – синфда 30-35 сўз, IV - синфларда 35-50 та сўз, янги турдаги ўқув муассасаларида эса 40-45 та сўз тушуниб олинади ва қабул қилинади.

Маъруза умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда янги турдаги ўқув муассасаларида 45 дақиқалик бир академик соатдан иборат бўлади. Умумий қоидага мувофиқ маъруза бир дарс давомида охирига етказилмай қолган бўлса, у янги маш¹/₂улотда давом эттирилади. Ҳар бир мавзу бўйича маъруза материаллари тушунтириб бўлингач, ўқувчилар билан савол-жавоб ўтказилади. Ҳар бир мавзу юзасидан фойдаланиш лозим бўлган адабиётлар рўйхати тақдим этилади.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқув режасига VII-синфдан бошлаб факультатив маш¹/₂улотлар киритилади. Факультативлар-ўқувчиларнинг қизиқиш ва хохишларига кўра муайян фан, предмет юзасидан бериладиган илмий-назарий билимларни чуқурлаштириш, уларда амалий кўникмаларни хосил қилиш мақсадида ташкил этиладиган таълим шаклидир.

Мактаб маъмурияти ҳамда педагогик жамоа олдидаги ҳар бир ўқувчининг факультативлардан бирини танлаш имкониятига эга бўлишини таъминлаш вазифаси қуйилади, бу кейинчалик унинг учун мажбурий бўлиб қолади. Факультатив маш¹/₂улотлар ўқувчиларнинг мутсақиллиги ҳамда фаолиятини оширишга, уларнинг ақлий қоби-лятларини ривожлантиришга хизмат қиладиган махсус дастур асосида ўтказилади.

Факультатив маш¹/₂улотларда қўйиладиган маърузалар амалий маш¹/₂улотлар билан уй¹/₂унлашиб кетади. Бунда ўқувчилр адабиётлар билан ишлаш малакасини, мустақил фаолият юритиш кўникмасини эгаллайдилар, мураккаб бўлмаган тажрибалар ва тадқиқотлар ўт-казиш методикасини ўзлаштирадилар, тажриба қурилмалари ва тех-никани ишлатиш малакасини хосил қиладилар. Факультатив маш¹/₂улотлар мажбурий фанлар юзасидан бўлган маш¹/₂улотлар билан мустаҳкам алоқадорликда ташкил этилиши керак.

Кейинги йилларда умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синфларида хусусан, ижтимоий-гуманитар предметлар юзасидан семинар маш¹/₂улотларини ташкил этиш кенг қўланмоқда. Семинарларни ташкил этишдан кўзланган мақсад ўқувчиларнинг мустақил ишларини янада ривожлантириш, айрим мавзулар юзасидан кенг ва чуқур маълумот бера

оладиган манбалар устида ишлай олишлари хамда шу асосда келажак фаолиятларида зарур адабиётлардан фойдалана олиш кўникма ва малакаларига эга қилишдан иборатдир.

Семинар маш¹/₂улоти ўқувчилар томонидан у ёки бу мавзу бўйича маърузалар тайёрлаш хамда уни синф ўқувчилари билан муҳокама қилиш йўли билан олиб борилади.

Семинарларга 2-3 хафта тайёргарлик кўрилади. Ўқувчилар адабиётларни ўрганадилар, материал йи¹/₂адилар, турли кузатишлар ўтказиладилар, ўз ахборотлари юзасидан тезислар тузадилар.

Семинар маш¹/₂улоти ўқитувчи раҳбарлигида ўтказилади. У ўқувчилар ишини йўналтириб туради, мавзуга оид саволлари юзасидан ташкил этилган муҳокамани яқунлайди. Зарур қўшимча мулохазалар билдиради, материални муайян тизимга солади. Маъруза қилган, муҳокамада қатнашган ўқувчилар фаолияти баҳоланиб борилади.

Семинар маш¹/₂улоти ўқувчилар эътиборини дарсга жалб этиш, уларнинг қизиқишини орттириш, уларни мустақил ишлашга, фикрлашга ўргатиш, дарсни фаоллаштириш хамда ўқувчилар ақлий қобилиятларини ўстиришда муҳим ўрин тутди.



Юқорида билдирилган фикр-мулохазаларга таяниб, қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1. Таълимнинг шакли муайян мақсадга мувофиқ маълум режимда ташкил этиладиган фаолиятнинг ташки ифодаси бўлиб, таълим жараёнида етакчи ўрин тутди.
2. Таълим жараёни самарасини таъминлаш унда таълим методларидан ўринли ва унумли фойдаланишга бо¹/₂лик. Таълим методи таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг аниқ мақсадга эришишга қаратилган биргаликдаги фаолиятларининг усуллари ҳисобланади. Таълим воситалари таълим методларининг таълимий таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади.

. ЎСИТИШНИНГ НОАНЪАНАВИЙ ШАКЛИ.


Ўқитишнинг ноанъанавий шакллари доирасида амалий-тажриба (лаборатория) маш¹/₂улотлари алоҳида ўрин тутди. Амалий тажриба маш¹/₂улотлари одатда махсус жихозланган хонада ёки алоҳида ажратилган тажриба майдонида олиб борилади.

Бундай таълим маш¹/₂улотларини ташкил қилиш икки хил йўл билан олиб борилади:

- а) амалий тажриба маш¹/₂улотлари;
- б) экскурсиялар.

Умумий ўрта таълим мактабларининг V-IX синфларида олиб бориладиган амалий-тажриба маш¹/₂улотлари асосан мактаб устахонаси, махсус жихозланган хоналар ва ўқув тажриба ер майдонида олиб борилади.

Амалий-тажриба маш¹/₂улотлари ўз хусусиятларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:




келтириш.


Ноанъанавий дарс шаклларида бири хисобланган экскурсиялар синф-дарс тизими, шунингдек, амалий маш¹/₂улотлардан тубдан фарқ қилади. Ушбу фарқ қуйидагилардан иборатдир:

- а) ўқитувчи ўтказиладиган барча экскурсияларга раҳбарлик қилса ҳам, у экскурсия объектларининг барча деталларини яхши билмаслиги мумкин, бундай ҳоларда махсус тайёргарликка эга экскурсовод иш олиб боради:
- б) экскурсия муддати турлича бўлиб, доимий ўқув жадвали талабларига амал қилиш талабига бўйсунуши шарт хисобланмайди.
- в) ўқитувчи ёки экскурсоводнинг раҳбарлик усули ва ўқувчиларнинг фаолияти турлича бўлиши мумкин.

Экскурсиялар қуйидаги тўрт йўналишда уюштирилади:



Экскурсия жараёни қуйидаги таркибий тузилишига эга:



экскурсия давоми хамда унинг охирида зарур материалларни тўплаш.

Экскурсия давомида бир ўриндан иккинчи ўринга кўчиб юрилади. Шу боис ўқувчилардан интизомга қатъий риоя қилиш талаб этилади. Ўқувчилар объектни кузатиш жараёнида вақти-вақти билан саволлар берадилар, зарур маълумотларни ёзиб борадилар. Экскурсия яқинида ўқитувчи бугунги кузатганларни аввал ўзлаштирилган материалларга боʻлаб суҳбат ўтказади. Экскурсия материаллари асосида баён ёки иншо ёздириш мумкин.

Таълимнинг ноанъанавий шакли сифатида ташкил этиладиган бахс-мунозара, давра суҳбати, матбуот конференцияси муайян предметнинг муҳим мавзулари юзасидан ташкил этилиб, ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ўз фикрини илгари суриш, уни асослаш хамда химоя қилиш қобилитини шакллантириш учун хизмат қилади. Бу каби дарсларнинг ташкил этилишида мақсаднинг аниқлиги, шунингдек ўқувчиларнинг фаол иштироки муҳим аҳамиятга эга.

Викторина ва мўъжизалар майдони шаклида ўтказилаётган дарслар беллашув хусусиятига эга бўлиб, ўқувчиларни фаоликка ундайди.

Назорат саволлари:

1. Таълимни ташкил этиш шакллари турларини айтинг.
3. Ноанъанавий дарс турлари хақида сузланг.
4. Дарс турлари неча турга бўлинади?.

6 –Мавзу: .Таълим усуллари ва уларнинг дидактик жараёндаги роли.

Мақсад: Талабаларга дидактик жараёнларда таълим методларининг моъияти ва методлар таснифи билан таништириш.

Машгулот жихози: Мавзуга оид жадваллар., методлар классификацияси.

Режа:

1. Таълим жараёнида методларнинг педагогик мохияти.
2. Методлар таснифи.

3. Таълим воситалари.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов Баркамол авлод Узбекистон тараккиётининг пойдевори. Т. Шарк 1997 й.
 2. Узбекистон Республикасининг «Таълим тугрисидаги қонуни», Маърифат, 1997 й. 30 сентябр.
 3. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Баркамол авлод Узбекистон тараккиётининг пойдевори. Т. Шарк 1997 й.
- Педагогика А.М. Мунавваров тахрири остида Т.Укит. 1996 й.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МЕТОДЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК МОХИЯТИ.

Таълим жараёнининг муваффақияти унинг шаклигагина эмас, балки қўлланилаётган методлар самарадорлигига ҳам боʻлиқдир. Таълим назариясида ўқитиш (таълим) методлари марказий ўрин эгаллайди.

«Метод» юнонча *metodos* сўз бўлиб, «йўл», тақиб қилиш каби маъноларни англатади. Таълим методи таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг аниқ мақсадга эришишига қаратилган биргаликдаги фаолиятларидир.

Таълим методлари ўқитишнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш усуллари хамда ўқув материални назарий ва амалий йўналтириш йўллари англатади.

Ўқитиш методлари таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг қандай бўлиши, ўқитиш жараёни қандай ташкил этиш ва олиб бориш кераклигини хамда шу жараёнда ўқувчилар қандай иш ҳаракатларини бажаришлари кераклигини белгилаб беради.

Таълим методи-ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ўқиш вазифаларини бажаришга қаратилган назарий ва амалий билиш фаолияти йўлидир.

Ўқитувчи инсоният тажрибасида тўпланган билимлар билан хали бу билимларга эга бўлмаган боланинг онги ўртасида воситачилик ролини ўйнайди.

Бола ижтимоий-тарихий тажрибадаги барча билим бойликларини таълим олмасдан, ўқитувчисиз, мустақил ҳолда ўзи тизимли тарзда ўзлаштира олмайди. Ўқитувчининг энг катта хизмати ўқув материални ўзлаштиришнинг муайян йўл, усул ва прёмларини белгилашда намоён бўлади.

Таълим методи-ўқув материални баён қилишга ва уни болалар яхши билиб олишга қаратилган фаолиятнинг йўли, усулидир. Таълим жараёни ва натижалари ўқитувчининг ўқувчилар билиш фаолияти харакатини белгиловчи иш усулларига бо¹/₂ликдир. Шу сабабли доимо педагогикада таълим, методларига ўқитувчининг иш усуллари ва ўқувчиларнинг билиш фаолияти усуллари деб қараладики, бу усулларнинг хар иккаласи хам ўқув вазифаларини бажаришга қаратилгандир.

Таълим методлари ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг хусусиятини белгилайди, таълимнинг мақсади ва мазмунига бо¹/₂лик бўлади.

Таълим методлари теварак-атрофдаги дунёни билишнинг умумий қонуниятларини тушинишга бо¹/₂ликдир, яъни улар фалсафий методологик асосга эгадир ва таълим жараёнидаги карама-қаршиликларни, таълим жараёнининг мохияти ва тамойиллари тў¹/₂ри англаш натижасидир.

Таълим методлари ўқув материали мазмунида ифодаланган илмий фикр манти¹/₂ига бо¹/₂ликдир. Ўқув материалининг мазмуни тобора чуқурлашиб, мураккаблашиб ва илмий тус олиб бормоқда, шунинг учун таълим методлари илмий билишнинг мантиқи ва методларига тобора кўпроқ бо¹/₂глик бўлиб қолмоқда.

Таълим методи психологик асосга эга. Боланинг ўқув материални ўзлаштиришдаги ёш имкониятлари ва унинг етуклик даражаси ўқитиш ва ўқиш усулларига жуда катта таъсир кўрсатади. Ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини ва шахсан хусусиятларини яхши билиш ўқитишнинг самаралироқ усулларини топиш имконини беради

Таълим методлари ўсаётган организмнинг анатомик-физиологик, биологик хусусиятларига хам бо¹/₂ликдир. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил қилишда уларнинг ёшига хос биологик ўсишни хисобга олиш керакки, таълимнинг кўпгина жихатлари: иш қобилияти, чарчаш, ижодий кайфият, жисмоний со¹/₂лик, мактабдаги гигиена шароитлари ана шу ўсишга бо¹/₂ликдир.

Таълим методлари назарий жихатдан яхши асосланган бўлиши, педагогик назариядан келиб чиқиши керак. аммо таълим методлари амалда қўлланилмаса, фойдасиз бир нарсага айланади.

Амалий йўллаганлиги таълим методларининг энг мухим томонларидан биридир. Бу методларда педагогик назария амалиёт билан бевосита бо¹/₂ланган. Назария қанча чуқур ва илмий бўлса, таълим методлари ўшанча самарали бўлади. педагогик қарашларда назария қанча кам ифодаланган бўлса, таълим методлари бу назарияга шунча кам бо¹/₂лик бўлади.

Педагогика фани мактаблар ва ўқитувчиларнинг ил¹/₂ор иш тажрибаларини умумлаштиради, анъанавий таълимнинг илмий асосларини

кўрсатиб беради, ўқитишнинг замонавий, самарали методларини ижодий равишда излаб топишга ёрдам беради.

Таълим методлари олдида қуйидаги асосий талаблари қўйилади:

1. Ўқув материални ўрганиш йўли фикр юритишнинг дидактик материалистик усулларини, миллий истиқлол ½оясига асосланган миллий кадриятларга асосланган ахлоқ, хулқ-атворнинг иродавий сифатларини шакллантиришга олиб келиши керак.
Шу талаб нуқтаи назаридан қараганда, таълим методи тарбияловчи характерда бўлиши, яъни билмларни ўзлаштиришгагина эмас, балки таълимнинг тарбияловчилик имкониятларини ишга солишга ҳам ёрдам бериши керак.
2. Таълим методи илмий далиллар билан равшан ва аниқ асосланган бўлиши лозим. Ана шунда ўқитувчи, бу метод билан ишлашда қандай вазифаларни қўйиб, хал қилиш мумкинлигини ва қандай вазифаларни амалга ошириб бўлмаслигини кўра олади. Методнинг илмийлиги ўқувчиларнинг равшан ва аниқ фикр юритишини: материалларни ўзлаштириш жараёнидаги далил-исбот ва муҳокамаларнинг мақсади, воситалари, усуллари, асосий ва иккинчи даражали натижаларни ҳам билдиради.
3. Таълим методларининг тизимлилиги уларнинг самарадорлик даражасини белгилайди. Ўқув материални ўрганишнинг хар қандай алохида олинган усули, гарчи шу дарсда қўлланиш учун жуда қулай бўлса ҳам, ўқитишнинг бошқа методлари билан бирга қўлланилмаганда ўқувчилар ақлининг ўсишига унча таъсир кўрсатмаслиги мумкин.
4. Таълим методлари олдида муқаррар суратда қўйиладиган яна бир талаб уларнинг тушинарли бўлишидир. Ўқитиш йўли ўқувчига тушинарли ва мақбул бўлиши, ўқув материални ўрганиш усуллари эса унинг билимларни ўзлаштиришдаги ёш имкониятларига мувофиқ келиши лозим.
5. Болани сизги органлари орқали билишга ўргатиш ва ўқув жараёнида кўрсатмаларни қуроллардан иложи борича кўпроқ фойдаланиш зарурлиги таълим методлари олдида қўйиладиган муҳим талабдир. Таълим методларини таълимни онгли ва фаол шаклда олиб бориш тамойили нуқтаи назаридан асослаш зарурлиги ҳам муҳим талаблардан биридир. Боланинг ўқув машъулотларига онгли муносабатда бўлиши, ўқув материали мазмунининг онгли равишда тушиниши, ундаги билиш фаоллиги ва қизиқишининг даражаси ўқитувчининг


тушинтириш методларига ва болаларнинг билимларни ўзлаштириш усулларига бо¹/₂ликдир.

6. Таълим методлари олдида қўйиладиган талаблардан яна бири билимларнинг асосли ва пухта бўлишидир. Таълим методлари яхши натижа берадиган бўлиши лозим. Ўқитувчининг тушинтириш ва ўқувчиларнинг ўзлаштириш усули режалаштирилган ёки мўлжалланган натижани бериши керак.

. МЕТОДЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ.

Методлар бир қанча асосий гуруҳлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида кичик гуруҳлар ва уларга кирувчи алоҳида методларга бўлинади. Ўқув билиш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш жараёнини ўзи узатиш, қабул қилиш, англаш, ўқув ахборотларини эсда сақлашни ҳамда олинадиган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллай олишни назарда тутишни ҳисобга олсак, биринчи гуруҳ методларига сўз орқали узатиш ва ахборотни (информацияни) эшитиш орқали қабул қилиш методлари о¹/₂заки методлар, ҳикоя, маъруза, суҳбат ва бошқалар: ўқув ахборотини кўргазмали узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш методлари кўргазмали методлар: тасвирий, намоийиш қилиш ва бошқалар: ўқув ахборотини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш (амалий методлар: машқлар, лаборатория тажрибалари, меҳнат ҳаракатлари ва бошқалар; киради.


Юқорида баён қилинган фикрлардан келиб чиққан ҳолда амалиётда кенг қўлланаётган методларни асосан қўйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:



Ўқув материални о¹/₂заки баён қилиш методи мактаб таълим мазмунда энг кўп қўлланиладиган методлардан бири бўлиб, мазкур методга барча ўқув предметлари бўйича барча синфларда мурожаат қилиш мумкин.

Ушбу метод баён қилинаётган маълумотларнинг тў¹/₂ридан-тў¹/₂ри ўқитувчининг жонли нутқи орқали идрок қилиниши билан тавсифланади ва ана шу хусусиятига кўра таълимнинг бошқа методларидан фарқ қилади.

Ўқув материални о¹/₂заки баён қилиш методи қуйидаги 5 турда қўлланилади:



Иқоя қилиш-ўқитувчи томонидан янги ўтилаётган мавзуга оид нарсa, ходиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён қилинишидир (Баён қилиш I-IV синфларда 10-12 дақиқа, V-VII синфларда 15-20 дақиқа, VIII-IX синфларда 30-40 дақиқа бўлиши мумкин). Иқоя қилиш ижтимоий гуманитар предметларни ўқитишда кенг қўлланилади.

Иқоя қилиш давомида ўқувчилар пассив тингловчи бўлиб, қолмасликларига, аксинча, улар фаолликни ошириш, диққатни мавзуга сафарбар қилиш, ходиса ва воқеалар устида фикр юритиш, фикр алмашиш мақсадида саволлар бериб бориш, кўргазмали қуроллардан фойдаланишга эътибор бериш лозим.

Мактаб маърузаси-ўтилаётган мавзунинг ҳақиқий моҳиятини очиб бериш, улардан илмий хулосалар чиқариш ва умумлаштириш йўли билан, бир соатлик маш¹/₂улот давомида билимларни изчиллик билан тўлиқ баён этадилар.

Мактаб маърузаси асосан юқори синфларда қўлланилади. Унда мавзу сидир¹/₂асига баён қилинса ҳам, бошқа ўқув материалнинг унсурлари билан бир қаторда о¹/₂заки баён қилиш методининг турлари-хикоя қилиш, тушунтиришлардан ҳам фойдаланиш ҳам мумкин.

Мактаб маърузаси қуйидаги талаблар асосида ташкил этилади:

1. Материалнинг таълим тизими олдида турган умумий талабларни амалга оширишга хизмат қилишга эришиш.
2. Материалнинг тарбиявий аҳамиятини тў¹/₂ри белгилаш, тарбиявий таъсир воситаларини аниқлаш.

3. Маъруза жараёнида ўқувчиларни мавзуга оид фан янгиликлари, кашфиётлар билан таништириб бориш.
4. Баён қилишда ўқитувчи нутқи ягона билим манбаи хисоб-ланади, шу боис у раво, тушунарли, ифодавий бўлиши лозим.
5. Маъруза жараёнида ўқувчи учун нотаниш бўлган сўз ва ибораларга изоҳ бериш, қоида ва қонунларнинг таърифи содда, ихчам ва тушунарли бўлиши керак.
6. Ўқувчилар ўқитувчи томонидан берилган таърифларни ёзиб боришлари керак.


Ўқув материални тушунтириш ўрганилаётган ходиса, қонун, қоида ёки ҳаракатнинг моҳиятини очиқ беришга қаратилган.

Ўқитувчи муайян бир предметнинг у ёки бу мавзуга оид қонун-қоидалар қанчалик асосли эканлигини далиллар, мисоллар келтириш йўли билан исботлаб беради.

Сухбат методи кўпинча савол-жавоб методи деб ҳам юритилади. Чунки бу методда дарс ўтилса, у асосан савол-жавоб йўсинида олиб борилади.

Ўқитиш жараёнида ўрганилаётган мавзу юзасидан кириш, асосий ва яқунловчи сухбатлар ҳам қўлланилади, шунингдек, ўқувчилар томонидан янги ўтилган мавзу қанчалик тушунганларини текшириш мақсадида ҳам сухбат ўтказилади. Сухбат методи билан иш кўрганда, маш¹/₂улотларни ташкил қилиш ва уни олиб боришда ўқитувчи қуйидагиларга амал қилиши керак:

1. Ўқитувчининг сухбат учун тайёрлаб келган саволлари синф ўқувчиларининг ҳаммасига таалуқли бўлиб, сўроқ ўртага ташланиши керак.
2. Ўқувчилардан бири жавоб бериш учун чақирилади.
3. Синфнинг барча ўқувчилари жавоб бераётган ўқувчини қунт билан тинглаши, унинг жавобини тўлдириши, тузатиши, ойдинлаштиришга ёрдам беришини таъминлаш лозим.



воқеаларнинг тасвирини
ифодаловчи материал-лар:
расм, сурат (фото-сурат),
диафильм ва бошқалар


ходисаларни бирор шартли
белги орқали ифодаланган
рамзий ва схематик тасвирий
материаллар, карталар
чизмалар, диаграммалар ва
х.к.

Мавзунинг мазмунига бо¹/₂лик бўлган нарса-ходиса ва воқеаларни хамма вақт синф шароитида намойиш қилиш мумкин бўлавермайди. Шу боис ўтилатган мавзунинг хусусиятига кўра экскурсия методидан хам фойдаланилади.

Экскурсия методи ўрганилатган воқеа ва ходисаларни табиий шароитда ёки махсус кузатилади.

Намойиш этиш, тасвирлаш ва экскурсия методи билан иш кўришда ўқувчиларни турли мавзуларда тасвирий материаллар билан ишлашга жалб этиш муҳим дидактик аҳамиятга эгадир.

Амалий маш¹/₂лотлар методи қуйидагилардан иборатдир:



Машқ қилдириш методи асосан ўзлаштирилган илмий билимларни мустахкамлаш ва уни амалда қўллай олиш, тегишли кўникма ва малакаларга эга бўлишни таъминлашга хизмат қилади.

Одатда машқ қилдириш деганда илмий билим ва маълум бир иш ҳаракатни ўзлаштириш ёки такомиллаштириш мақсадида режали равишда ташкил этилган такрорлаш тушунилади.


Машқ қилдириш методи ўқув предметларининг мазмуни ва тавсифига қараб турлича олиб борилиши мумкин. Ўқувчиларнинг ўзлаштирган кўникма ва малакаларини мустахкамлаш ва уларнинг ижодий қобиятларини ривожлантиришда машқ қилдириш қуйи-даги талабларига амал қилиниши лозим.

1. Топшириқнинг мақсади ўқувчиларга аниқ ва равшан тушунтирилган бўлиши топшириқнинг мазмуни ва уни ишлаш йўллари пухта уқтирилган бўлиши лозим.
2. Ўқувчилар диққати тақдим этилаётган машққа жалб қилиниши, жамоанинг ва ҳар бир ўқувчининг интилиш ва қизиқишлари ҳисобга олиниши лозим.
3. Топшириқ қатъий тизим ва изчилликка эга бўлиши лозим.
4. Маълум қоида юзасидан ўзлаштирилган кўникма ва малакалар шу қоидага оид бошқа мазмундаги топшириқларни бажаришда ҳам осонлик билан қўлланилиши лозим.
5. Топшириқ ўқувчиларнинг фаол фаолиятини таъминлайдиган бўлиши ва машқни албатта белгиланган вақт ичида бажариш талаб қилиниши керак.

Машқ қилдириш методида ўқувчиларнинг ёзма ижодий машқлари алоҳида ўрин эгаллайди. Шунингдек, маълум мавзуларда маъруза тайёрлаш, график ишлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Лаборатория методи таълим жараёнида ўқувчиларга атрофни ўраб олган объектив борлиқдаги нарса ва ходисалар, уларнинг шакли, ҳажми, таркиби, тузилиши, ўзгариши ва ривожланиши қонуниятлари ҳақида янги-янги билимлар бериш, ўзлаштираётган илмий билимларни мустаҳкамлаш ҳамда тегишли кўникма ва малакалар билан қуроллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Лаборатория методи асосан физика, кимё, биология ва физик-география каби предметларни ўрганишда қўлланилади ва у махсус жиҳозланган лаборатория, хонасида тегишли асбоблар ёрдамида олиб борилади. Лаборатория маш¹/₂улоту хусусиятига кўра уч хил бўлади:



Лаборатория методи асосида ўтиладиган маш¹/₂улот хусусиятига қараб қуйидаги шаклда ташкил қилинади:

1. Ўқувчилар билан оммавий маш¹/₂улотлар.
2. Ўқувчилар билан гуруҳли маш¹/₂улотлар.

3. Iap бир ўқувчи билан якка тартибда маш¹/₂улотлар.

Амалий маш¹/₂улотлар методи ўқувчиларга умумий техника-ижодий таълим бериш ва меҳнат малакаси билан қуроллантиришда асосий метод бўлиб хизмат қилади.

3. Таълим жараёнида қўлланиладиган воситалар таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Восита муайян ўқитиш методи ёки методик усуллари муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материаллардир. Таълим воситалари асбоб-ускуналар, лаборатория жихозлари, ахборот ва техник воситалар (қурилмалар), кўрсатмали қуроллар, рамзий белгилар, дарслик ўқув қўлланмалари, радио, телевидение ва компьютер ва ҳақозолардан иборат бўлади.

Таълим жараёнида ўқитиш воситаларидан фойдаланиш табиий ёки тасвирий кўргазма материаллар (предмет: схема, диаграмма, сурат ва бошқалар), лаборатория ёки демонстрация маш¹/₂улотларида қўлланиладиган асбоб-ускуналари, ўқув қуроллари, микроскоп ва бошқа аппаратлар, шунингдек, мавзуга оид далиллар (цитаталар, таъриф, қоида, формула ва бошқалар) нинг ишлатишни англатади.

Таълим жараёнида таълим шакли, метод ва воситалари муҳим ўрин тутуди, мазкур ҳолатда тасвирда қуйидагича намоён бўлади.


Таълимда кўрсатмалилик методининг қуйидаги турларидан фойдаланилади:




Намойиш этиш, экскурсия ўқувчиларининг ўқув материалларини аниқ образлар орқали бевосита идрок қилишларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Намойиш этиш методи ўқитувчи томонидан баён қилинаётган илмий-назарий билимларни ўқувчилар пухта ўзлаштиришлари учун уларнинг сезги органлари эшитиш, кўриш, хид ва таъм билиш, тери сезгиларининг бир объектга алохида-алохида ёки бир неча сезги аъзоларини бир йўла сафарбар этиш йўли билан олиб борилади.

Намойиш этиш методи мавзунинг хусусиятига кўра икки йўналишда олиб борилади.



Дарслик ва китоб билан ишлаш-материални о¹/₂заки баён қилиш методининг асосий тури бўлиб, мактаб амалиётида муҳим ўрин тутди. Ўқув адабиётлари билан ишлаш мураккаб психологик жараёни ўз ичига олади. У таълим жараёнида ўқитувчи томонидан баён қилинган билимларни, ўқув материалларни китоб матнидан кўриб, онгли идрок қилиш фаолиятини ривожлантиришни ҳам назарда тутди. Дарслик ва китоб билан ишлаш икки йўналишда олиб борилади.



Умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синф ўқувчиларини дарслик ва бошқа ўқув материаллари билан бирга хилма-хил қўшимча адабиёт, илмий ва илмий-оммабоп мақолалар, шунингдек, газета-журнал материалларидан фойдаланишга ўргатиб бориш лозим.

МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ВА УНИНГ МАЌСАДИ.

Таълимдаги о¹/₂заки, кўрсатмалли ёки амалий методларнинг ҳар бири бола онгида муаммоли вазият яратиш билан бо¹/₂ланиши мумкин. Шу муносабат билан педагогикада муаммоли таълим ҳақида сўзланади.

Таълимда муаммоли ёндашиш ўқув дастурларида ҳам, ўқувчиларнинг мустақил иши ва бошқаларда ҳам ўзининг иродасини топшириши лозим.

М.Н.Скатин муаммоли таълимнинг қуйидаги учта асосий журини алоҳида ифодалаган:

1. Билимларни муаммоли баён қилиш;

2. Баённинг айрим босқичларида ўқувчиларни изланишга жалб этиш;

3. Таълимнинг тадқиқий методи.

Муаммоли таълимнинг учта турини бирлаштирадиган умумийлик-муаммони ҳал қилиш воситасида ўқитиш бўлиб, уларнинг фарқи ўқитувчилар мустақил изланиш фаолиятининг даражасидир.

Муаммоли таълим деганда ўқув материални ўқувчилар онгига илмий изланишга ўхшаш билиш вазифалари ва муаммоларини вужудга келтирадиган йўсинда ўрганиш тушинилади.

Ўқувчи (талаба)нинг фикрлаш фаолиятида муаммоли вазиятлар вужудга келади ва улар талаба (ўқувчи)ни объектив равишда изланишга ва мантиқан тўғрисида илмий хулосалар чиқаришни ўрганишга даъват этади.

Ўқувчи-ёшларнинг фикрлаш фаолиятида муоммаларни вазиятларнинг шаклланиши уларнинг шахсида қизиқувчанлик, ўткир зехинлик мустақиллик, ўқишга қизиқиш ва ижодга интилиш каби фазилатларни тарбиялайди.

Ўқитишнинг ҳар қандай методи боланинг онгига муаммоли вазиятларни шакллантириш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шундай ҳоллардагина педагогика ва муаммоли таълим ҳақида гап боради.

Аслида ҳар қандай таълим ўқитувчи учун ҳам ўқувчи учун ҳам ва жамият учун ҳам муаммолидир.

Муаммоли-илмий билишни ривожлантириш зарурлигини ифодалашнинг субъектив шаклидир.

У муаммоли вақтнинг, яъни жамият ривожланиши жараёнида билиш ва билмаслик ўртасида объектив равишда вужудга келадиган вазият.

Муаммоли вазият-ўқувчининг маълум рухий (психик) ҳолатидир. Бундай ҳолат маълум топшириқни бажариш (масала ечиш, саволга жавоб топиш) жараёнида зиддиятни англаш туфайли вужудга келади. Ана шу зиддиятни англаш ўқувчиларда предмет тўғрисидаги, ишни бажаришнинг усули ёки шартлари тўғрисидаги янги билимларни излаш эҳтиёжини уйғотади.

Ўқувчиларда билишга ҳавас, излаш-қидиришга ундайдиган, масалани ҳал қилиш жараёни билан боғлиқ интеллектуал ҳислар ва рухий кечинмалар ҳосил қиладиган муаммоли вазият яратиш мумкин. Шунда у ўқув материални ўқиш, яхши баҳолар олиш ва ўқитувчиларнинг талабларини бажариш зарур бўлгани учунгина эмас, балки излаш-қидиришга ва қўйилган муаммони ҳал қилишга шахсан қизиққани ва интилгани учун ҳам ўзлаштирилади.

Илмий кашфиётлар тарихини ва улар муносабати билан олимлар ҳаётида содир бўлган ходисаларни қизиқарли баён қилиш ҳар нарсани

билишга кучли хавас уй¹/₂отиш учун катта ахамиятга ва муаммоли вазиятларни яратиш учун негиз бўла олади.

Лекин ўқитувчи шуни эсда тутиши керакки, ўқувчиларнинг ўқув материални ўзлаштиришлари учун фақат муаммоли вазиятларнинг ўзи кифоя қилмайди. Муаммо ва вазифалар қўйиш билан олишда фаолликни ва қизиқишни оширади, аммо муаммони хал қила билиш зарур. Фақат муаммони хал қилиш билан ўқувчилар ўзларининг илмий қоида ва назарияларни ўрганиш усулларини ярата олмайдилар, балки инсоният босиб ўтган ва фанда аниқ белгилаб қўйилган йўл билан бора оладилар, халос. Шунинг учун муаммоли таълим ўқув материални ўрганишнинг анъанавий, тушинтириш-намойиш этиш усулларига асосланган.

Муаммоли вазиятлар яратиш-ўқувчиларнинг фикрий фаолиятини ташкил этиш йўлларида бири бўлиб, бошқа ўқитиш методлари билан биргаликда ўқув материални анча муваффақиятли ва мақсадга мувофиқ холда ўрганишга ёрдам беради.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Таълимнинг ташкилий шакллари санаб беринг.
2. Синф-дарс системасини изоҳланг.
3. Дарс турларини тавсифланг.
4. Амалий методларни ёритиб беринг.

7-Мавзу: ТАЪЛИМ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ.

Мақсад: Талабаларни таълим назарияси ва унинг муаммолари, асосий категориялари билан таништириш.

Машгулот жихози: Узб.Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастури, таълим тугрисида қонун.

Режа:

1. Таълим назарияси ва унинг асосий муаммолари.
2. Таълим жараёни босқичлари.
3. Таълим қонуниятлари.
4. Таълим принциплари.

Таянч тушунчалар: Дидактика, билиш, сезиш, идрок, тасаввур тафаккур, таълим қонуниятлари ва принциплари.

Адабиётлар:

1.И.А.Каримов Баркамол авлод Узбекистон тараккиётининг пойдевори. Т. Шарк 1997 й.

2. Узбекистон Республикасининг «Таълим тугрисидаги қонуни»,Маърифат,1997 й.30 сентябр.

3.«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»,Баркамол авлод Узбекистон тараккиётининг пойдевори. Т. Шарк 1997 й.

1. Педагогика А.М. Мунавваров тахрири остида Т.Укит.1996 й.

Таълимнинг қуйидаги қонуниятлари мавжуд: тарбияловчи тарбия қонуни; ҳар қандай таълим фақат ўқитаётган, ўқиётган ва ўрганаётган объектнинг маълум бир мақсадга йўналтирилган ўзаро таъсири ёрдамида амалга оширилади; таълим фақатгина ўқитувчининг фаолиятига ва ўй-фикрларига мувофиқ равишда ўқувчиларнинг фаол фаолиятлари давомида юз беради; ўқув жараёни ўқитувчи ҳамда ўқувчининг мақсадлари мувофиқ келган ҳолда юз беради; алоҳида бир шахсни у ёки бу фаолиятни ўрганишга йўллаш уни ушбу фаолиятга жалб этиш орқали эришилади; таълимнинг мақсади, билим олишнинг мазмуни ва таълим методлари орасида доимий бо¹/₂ликлик мавжуд бўлади; таълимнинг мақсади таълим мазмуни ва методини белгилаб беради.

Таълим жараёни билан ижтимоий тизимлар ва шарт-шароитлар орасидаги қонуний алоқаларни ўрганиш имконини берадиган тизимли-таркибий тузилиши биз таълим қонуниятларини ўрганиш учун етакчи методологик манба, асос деб ҳисоблаймиз. Кейин эса таълим таркибига қирадиган ўқитиш ва ўрганиш жараёнлари орасидаги алоқалари, энг охирида эса ўқув жараёнининг вазифалари, мазмуни. Методлари, шакллари каби айрим таркибий қисмлар орасидаги алоқаларни қараб чиқиш лозим.

Таълим қонуниятлари таркибий қисм сифатида таълим жараёнига қирадиган, унинг қонуниятларидан келиб чиқадиган яхлит педагогик жараён билан кенг ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ўзаро алоқаларини таҳлил этишдан келиб чиқади.

Таълим жараёнининг таркибий қисмлари: мақсадлилик, ра¹/₂батлантирувчи-изохий, мазмуний, операцион фаолиятлари (таълимнинг методлари, шакллари) назорат тў¹/₂ирлов баҳо, натижавий баҳолардан иборатдир. Таълим жараёнининг ушбу таркибий қисмлари педагоглар ва ўқитилаётганларнинг ўз олдига мақсад танлаш, мақсад қўйишдан тартиб, уларнинг амалга оширилиб ҳаққоний натижалар келтирилишига қадар бўлган ҳамжихатликларнинг ривожланишини акс эттиради. Шу билан бирга, таълим жараёнининг ушбу таркибий қисмлари педагоглар ва ўқитилаётганларнинг маълум даражада белгиланган даврий ҳамжихатликларини назарда тутиш лозим.

Таълим тамойиллари - ўқитувчининг фаолиятини ва ўқув-чининг билиш фаолияти хусусиятини белгиловчи асосий бош-ланмалардир. Таълим тамойиллари ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг муҳим ички томонларини акс эттиради ҳамда турли формада, турли мазмунда ва ҳар хил йўсинда ташкил этиладиган таълимнинг самарадорлигини белгилайди. Шунинг учун таълим тамойиллари таълим беришнинг маълум объектив қонуниятларини ўзида акс эттиради.

Олимларнинг таълим тамойилларининг сони ва номи тўғрисидаги фикрлари бир-биридан фарқ қилса ҳам, аммо уларнинг мазмуни ва ўқитиш қонуниятларини тушиниш аъъанаси асосан бир хилдир. Бинобарин, қуйидаги таълим тамойиллари тизимини таклиф қилиш мумкин: таълимнинг устиворлиги, таълимнинг демократлашуви, таълимнинг инсонпарварлашуви, таълимнинг ижтимоийлашуви, таълимнинг миллий йўналганлиги, таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, иқтидорли ёшларни аниқлаш, юқори даражада билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш кабилар. Жамият талаб қилаётган узлуксиз таълимга тегишли бу қонун-қоидалар, ўқитиш, билим бериш, яъни таълим жараёнига самарали таъсир кўрсатади. Педагогика таълимнинг илмий-назарий, услубий асослари алоҳида ўрганилади.

Таълим тамойиллари ўқув юртлари олдида турган улкан вазифалар асосида белгиланади. Улар ўзаро бир-бири билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда бир тизимни ташкил этади, ҳар бир дарсда дидактик тамойилларнинг бир нечаси иштирок этиши мумкин. Улар таълим олдида турган асосий мақсадларни ҳал этишга ўз хиссасини қўшади. Таълим тизими ислох қилинаётган ҳозирги жараёнда ўқувчи-талабаларга мустаҳкам билим бериш, уларни эркин, мустақил фикрлай оладиган инсонлар қилиб тарбиялашда, таълим тамойилларининг моҳиятини чуқур англаш ва ҳаётга татбиқ этиш муҳим муаммолардан биридир.

Ўқув юртида бериладиган билим илмий характерга эга бўлиши фан-техниканинг сўнги ютуқ ва кашфиётларини ўзида ифода этиши лозим. Шундай экан ўқитувчи илм-фандаги янгиликлардан хабардор бўлиши лозим, чунки ўқув фанлари ҳам илм-фан асосида яратилади. Ўқитишнинг илмий тамойиллари таълим жараёнида ўқувчи-талабаларни ҳозирги замон фан-техника тараққиёти даражасидаги олий билимлар билан қуроллантириш, айниқса талаба ёшларни илмий-тадқиқот усуллари билан таништириб боришга қаратилган.

Илмийлик таълимнинг мазмунига ҳам, усулларига ҳам алоқадордир. Шундай экан, билим, илм-фан билан ўқув предмети ўртасида

хамкорлик ўзаро бо¹/₂ликлик бўлишишига эришиш лозим. Таълимнинг ҳамма босқичларида илмий изохлардан фойдаланмоқ лозим.

Назарий билимларни амалиёт билан, турмуш тажрибалари билан бо¹/₂лаб олиб бориш таълимнинг етакчи қоидаларидан ҳисобланади. Таълим-тарбия соҳасидаги ютуқлар, энг аввало назария билан амалиётнинг ўзаро бо¹/₂ликлигига асосланади.

Шундагина ўқувчи-талаба ўрганаётган ўқув материалларнинг туб моҳиятини тушиниб етади ва амалиётда улардан фойдалана олади. Бунинг учун ўқитувчи таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаол иштирок этишларига эришмоқ лозим. Фаол иштирок эса билимларни онгли, тушиниб ўзлаштиришга олиб келади.

Таълимдаги онглилик ва фаоллик, ўқувчилардаги кўтаринки кайфият, кўпроқ билишга интилиш, мустақил фикрлаш ва ҳулосалар чиқаришга ундайди. Билимларни онгли ва фаол ўзлаштириш ўқитиш жараёнининг психологик томонларида ўз ифодасини топади.

Ўқитишда назарий билимлар қанчалик қатъий баён этилса, ўқувчи талабанинг фикр юритиши ҳам шунчалик аниқ ва равшан бўлади ва ўқув материалларни онгли ўзлаштириш даражаси ҳам ошади. Таълим тизими ислох қилинаётган ҳозирги жараёнда ёшларнинг мустақил фикр юритиши, мустақил суратда билим олишга интилиши талаб қилинади. Бунинг натижасида билимларни ўзлаштириш жараёни ижодий тус олади. Бундай шароитда ўқитувчи ўқувчининг маш¹/₂улотларга муносабати ва бу жараёнда ўзини қандай тутишга эътибор бўлмо¹/₂и лозим. Ёшларни ўқиш истаги таълим жараёнининг зарурий ва мантиқий қисмидир. Шундай экан, таълимнинг самарадорлиги ўқитувчининг ўқувчиларни ўқишга изчил ва мунтазам қизиқтириб боришига бо¹/₂ликдир. Бунинг учун ўқитувчи, уларни ўқишга ижодий муносабатда бўлишга, мустақилликка, ишчанликка одатлантириши лозим.

Таълим жараёни, унинг мазмуни унда кўтарилган ҳаётий масалалар ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Шу сабабли таълим, шахс шаклланишининг асосий манбаидир.

Умуман, билимлар воқеаликнинг ҳақиқат инъикосидир. Аммо воқеликнинг ҳар қандай тарзда тў¹/₂ри акс эттирилиши илмий билим бўла олмайди. Масалан мактаб ёшига етмаган бола теварак-атрофидаги дунёни тў¹/₂ри билади, лекин ундаги инъикос етарлича чуқурмас, шунинг учун унинг билимларини илмий билим деб бўлмайди.

Теварак-атрофни ўраб олган дунёнинг қонуниятларини, нарса ва ҳодисаларнинг ички муҳим хоссаларини ва ўзаро алоқаларини акс эттирувчи билимларгина илмий ҳисобланади. Бу билимлар ақлий жихатдан ўсишга ҳал қилиувчи ижобий таъсир кўрсатади, чунки улар ҳозирги замон

фани, техникасини ишлаб чиқаришни, маданият ва санъатни ўзлаштириш имкониятини беради.

Таълимнинг илмийлиги тамойили ўқувчининг ўқув материалидаги қонуниятларни ақс эттириши, тушиниши ва ўзлаштириши учун тў¹/₂ри шароит яратиш мақсадида зарурдир.

Ўқитиб, тарбия бериш деганда бизда таълим ва тарбиянинг бир-биридан ажралмаслигини тушинамиз. Шундай экан, мактаб обрўси, ўқитувчи обрўси, аввало дарсда шаклланади. Тил ва адабиёт дарсими, математика дарсими ҳар доим уларнинг тарбиявий имкониятларини кўра билиш, тарбия усулларидан фойдаланиш лозим.

Ўқувчи-талаба илмий билимларни ўзлаштирар экан, унинг дунёқараши ҳам, иродаси ва ахлоқий сифатлари, иймон-эътиқоди ва қобилияти ҳам ўсиб ривожланиб боради.

Таълимнинг тарбиявий имкониятларидан фойдаланишда ўқитувчи аввало таълимни услубий жихатдан тў¹/₂ри ташкил этишга, ўқув материалларининг мазмуни билан бо¹/₂лик тарбиявий мақсадларни аниқ белгилашга ва билим олишга қизиқтира олишга бо¹/₂ликдир. Шу билан бирга, ўқитувчининг ўқувчилар олдидаги обрў-эътибори ҳам муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Ўқитиш жараёнини кўргазмали ташкил қилиш зарур. Ҳам эшитиш, ҳам кўрсатиш орқали ўқув материалларини идрок қилиш, уларни онгли ва пухта ўзлаштириш, билимларни турмушдаги заруриятини англаб етишларига асос солади, диққатни барқарорлаш-тиради. Шунинг учун кўргазмали материаллар ўрганилаётган мавзунинг мазмунига мос келиши, ўқувчи-талабанинг ёши ва билим даражасига мувофиқлашган бўлиши, ҳамда улардан фойдаланишнинг самарали йўл ва воситаларни қўллаш ишлаб чиқилган бўлиши лозим.

Билимлар турли йўл воситалари орқали пухта ўзлаштирган-дагина, у мустаҳкам эса қолади, бу эса ўқув материалларини онгли ўзлаштиришга, назария билан амалиётни бо¹/₂лашга, кўрсатмаликка амал қилишга ва билимларни такрорлаш орқали мустаҳкамлашга бо¹/₂ликдир. Таълимнинг бош мақсади эса билимларни тизимли ва пухта ўзлаштиришдир.

Назорат саволлари:

1. Таълим қонуниятларини таърифлаб беринг.
2. Таълим принциплари турларини айтинг.
3. Қонуният ва принципларнинг вазифалари нималардан иборат?

№ 8. ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ ВА УНГА КЎЙИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ТАЛАБЛАР.

Мақсад: Талабаларга таълим мазмуни ва унинг таркибий қисмлари билан таништириш.

Машгулот жихози: Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизими.
ДТС 1998.13 май.

Режа:

1. Таълим мазмуни ва унинг моҳияти.
2. Таълим мазмуни таркиби:
 - А. Давлат таълим стандарти.
 - Б. Уқув режаси ва дастури.
 - В. Замонавий дарслик ва унга қўйилган талаблар.

Адабиётлар:

1. И.А. Каримов Баркамол авлод Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. Т. Шарк 1997 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тугрисидаги қонуни», Маърифат, 1997 й. 30 сентябр.
3. «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури», Баркамол авлод Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. Т. Шарк 1997 й.
4. Педагогика А.М. Мунавваров таҳрири остида Т.Уқит. 1996 й.

1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Бу қонунда таъкидлашча, таълимнинг мазмуни: ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлодни ҳаётий ва дунёвий демократик жамият бахт-саодати йўлидаги юқори унимли меҳнатига баркамол авлод қилиб тайёрлаш билан белгиланган.

Ушбу қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш ва ҳар қимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

Таълимнинг асосий мазмунини унинг вазифаларида ойдинлаштирилади. Асосий вазифаларга ақлий тарбия билан боʻлиқ бўлган вазифалар киради. Бу вазифалар ичида илмий ва техникавий билимлар, ҳамда улар билан боʻлиқ бўлган малака ва қўникмалар билан қуроллантириш, аждодларимиз қолдирган тарихий ва маданий қадриятларга ҳаётнинг маъноси, жамиятда инсоннинг тутган ўрни, таълим-

тарбияси, одоб-ахлоқи хақида хикматли фикрлар борки, улар бугунги халқ таълими тараққиёти, учун ва миллий мактаб яратиш борасида ёшларимизда инсонпарварлик, поклик, иймон-эътиқод, мурувват, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, миллатлараро дўстлик муносабатлари, қахрамонлик, мардлик сингари туй¹/₂уларни тарбиялайди.

Шу билан бирга таълим-тарбия муассасалари учун алоҳида вазифалар қўйилган бўлиб уларнинг мазмуни ҳам "Таълим тў¹/₂рисиди"ги Конун билан муштаракдир.

Таълим муассасаларида бериладиган маълумот мазмуни тарихий хусусиятга эга. Кишилиқ жамият тараққиётининг барча босқичларида ёш авлодга бериладиган маълумот мазмуни, унинг хажми, муайян ижтимоий тузумнинг иқтисодий талаби ва эҳтиёжи, фан, техника тараққиёти даражаси, маданияти ҳолати билан белгиланиб келинган. Фан техника ва технология тараққиёти юқори даражада бўлган бугунги кунда таълим муассасаларида бериладиган маълумот мазмуни ўқувчиларга илмий билимлар бериш, уларнинг фаол ижтимоий фаолияти ташкил этишлари йўлида кўникма ва малакаларини шакллантиришни ифодалайди. Мустақил Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим (маълумот) нинг мазмуни, аввало комил инсон ва малакавий мутахассисни тайёрлаш жараёни мазмуни билан белгиланади.

Ушбу мақсадни ўзида акс эттирган маълумот мазмуни қуйидаги давлат таълим стандарти, ўқув дастурлари, ўқув режаси ва дарсликлар мазмунида намоён бўлади.

Давлат таълим стандарти умумий ўрта таълим, касб-хунар таълими, ҳамда олий таълим учун алоҳида-алоҳида ишлаб чиқарилади.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўқувчилар умумтаълим тайёргарлигига савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб беради. Ўз навбатида касб-хунар таълим давлат таълим стандарти ўқувчилар касб-хунар тайёргарлигига савиясига қўядиган (олий таълим ДТС талаблар мутахассислик тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган) мажбурий минимал даражани белгилайди.

ДТС (давлат таълим стандарти) таълим мазмуни шакллари воситалари, усуллари ва уларнинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди. Таълим мазмунининг ўзаги ҳисобланган стандарт воситасида, мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган турли таълим муассасаларида (давлат ва нодавлат) таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилади. ДТС ўз моҳиятига кўра ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар, низомлар ўқув режаси ва бошқа меъёрий ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Умумий ўрта (касб-хунар ва олий) таълимнинг ДТС ўзининг тузилиши ва мазмунига кўра давлат, ҳудуд таълим муассасалари

манфаатлари ва воситалари мувозанатини акс эттиради, ҳамда энг мухими ўқувчи шахси, унинг интилишлари қобилияти ва қизиқишлари устиворлигидан келиб чиқади.

ДТСни, унинг талабларини бажариш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган мулкчилик шакли ва идоравий бўйсуннишдан қатъий назар барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Умумий ўрта (касб-хунар ва олий) таълимнинг ДТС қуйидаги тамойилларига таянган ҳолда ишлаб чиқилади:

- ДТС ни давлат ва жамият талаблари ва шахс эҳтиёжига мослиги;
- Ўқув дастурлари мазмунининг жамият ижтимоий- иқтисодий тараққиёти ҳамда фан техника ривожланиши билан бо¹/₂лиқлиги;
- Умумий ўрта (касб-хунар ва олий) таълимнинг бошқа таълим турлари ва босқичлари билан узлуксизлиги ва таълим мазмунининг узвийлиги;
- Умумий ўрта (касб-хунар ва олий) таълим мазмунининг инсонпарварлиги;
- Таълим мазмунининг республикадаги барча ҳудудлардаги бирлиги ва яхлитлиги;
- Умумий ўрта (касб-хунар ва олий) таълимнинг мазмуни, шакли, воситалари ва усуллари танлашда инновация (ил¹/₂ор) технология ютуқларига таяниш;
- Педагогик тафаккурда қарор топган анъанавий қарашлар билан «Таълим тў¹/₂рисида» ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мазмунида ифодаланган замонавий талабларнинг узвийлиги;
- Ил¹/₂ор демократик хорижий мамлакатларнинг таълим соҳасида меъёрларни белгилаш тажрибаларида миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш.

ДТС нинг таркибий қисми сифатида умумий ўрта (касб-хунар ва олий) таълим муассасалари учун таянч ўқув режаси ишлаб чиқилади. Таянч ўқув режа таълим соҳаларини меъёрлаш ҳамда таълим муассасаларини молиявий таъминотини белгилашга асос бўлувчи давлат ҳужжати саналади. Таянч ўқув режаси ўқув предметлари бўйича бериладиган таълим мазмунини ўқувчига етказиш учун ажратилган ўқув соатларининг минимум ҳажмидаги миқдорини белгилайди. Мазкур ҳужжат муайян синфда маълум ўқув предмети бўйича давлат таълим стандартларига мувофиқ бериладиган таълим мазмунини аниқлашга асос бўлади.

Бир синф (1, 2, 3 ва ҳақозо) якунида ўқувчилар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар таълим (ўқув)

предметлари бўйича ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурларида ўз ифодасини топади.

Ўқув режаси—барча таълим муассасаларида сўзсиз амал қилиниши лозим бўлган давлат хужжатидир. Унда синфлар бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўқув предметлари, мазкур предметлар учун ажратилган хафталик соатлар хажми кўрсатилади.

Таълим муассасалари учун мўлжалланган ўқув режаси ишлаб чиқилади ва тегишли вазирлик томонидан тасдиқланади (Республика халқ таълими ёки олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан). Ўқув режаси таълим муассасаси маъмуриятига юборилади ҳамда мазкур режа асосида ўқув жадвали тузилади. Ўқув жадвалида хафта давомида ўқитиладиган ўқув предметларининг номи ва уларга ажратилган соатлар миқдори кўрсатилиб, ўқув юрти директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Алохида аниқ бир фаннинг ўқув режаси шу фанни ўқитиш учун ажратилган соатлар ва ўқув йилининг тузилишини белгилаб берувчи давлат хужжатидир.

Ўқув режасини тузишда қуйидаги омилларга асосланади:

1. Ўқув тарбия ишининг мақсади, ўқувчиларга аниқ илмий билим бериш, олган билимларини кўникмага айлантириб, уни ҳаётга қўллай олишга ўргатиш.
2. Мактаб ўқувчиларига билим бериш ёшга қараб тизимга солинади ва қоидаларга асосланади:

а) Бошлан¹/₂ич таълим- I-IV синфлар.

б) Умумий ўрта таълим V-IX синфлар.

в) Ўрта махсус касб-хунар таълими, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари.

Ўқув дастури ҳам худди ўқув режаси каби муҳим давлат хужжати бўлиб, унда муайян ўқув предмети. Масалан: «Инсон ва жамият» фанининг мазмуни очиқ берилади ва ўқув йили давомида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар хажми кўрсатилади.

Ўқув дастурлари тегишли таълим (умумий ўрта, касб-хунар ёки олий таълим) туридаги барча таълим муассасалари учун ягона, унинг талаблари тўла равишда бажарилиши мажбурийдир.

Дастур тушунтириш хати, бўлим ва мавзулар бўйича ажратилган соатлар хажми, дастур материали мазмуни ҳамда тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлади.

Тушунтириш хатида ўқув предметининг ахамияти, унинг фанлар тизимида тутган ўрни, улар ўртасидаги алоқадорлик, материални ўрганиш жараёнида хал этилиши лозим бўлган вазифалар оид берилади, айрим бўлим ва мавзуларни ўрганиш хусусиятлари кўрсатилади. Ўқитиш (таълим) методлари ва воситаларини қўллашга доир тавсиялар берилади.

Соатлар ҳисобини асосли ўринларда ўзгартирилишига йўл қўйилади.

Дастур материали бўлимлар ва мавзулар бўйича тақсимланган бўлиб, ҳар бир мавзунини ўрганиш учун ўзлаштириши мажбурий бўлган тушунчалар тизимини, шунингдек, кўникма ва малакаларнинг аниқ кўрсаткичи берилади, ниҳоят, ўқувчиларга қўйиладиган якуний талаблар баён этилади.

Дастурдаги материал таълим ва тарбия мақсадлари, дидактик тамойиллар узвийлик ва изчилликка мувофиқ равишда танланади ва тақсимланади.

Ўқув дастурлари қуйидаги тамойиллар асосида тузилади:

1. Дастур мазмунининг илмий хусусиятига эгаллиги;
2. Дастур мазмунининг ижтимоий-ўзғарувчан хусусиятига эгаллиги;
3. Назарий ўзгаришларнинг амалиёт билан бирлиги;
4. Дастур мазмунининг ижобий-тарихий хусусиятга эгаллиги ва аниқ бир ўзгаришга асосланганлиги;
5. Дастур мазмунининг муайян тизимга эга бўлиши;
6. Ўқув предметлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, бошқарушни таъминловчи мавжудлиги;
7. Дастурни тайёрлашда ўқувчиларнинг психологик ва рухий хусусиятларини инобатга олиш;

Назорат саволлари:

1. Дидактиканинг мазмунини айтиш.
2. Замонавий таълим мазмуни нималардан иборат?
3. ДТС нима ва унинг ахамиятини кўрсатишга ҳаракат қилиш.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш ва мустақамлаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, унинг қонуний заминлари, ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш фуқароларининг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигига, онглилик, билимдонлик даражасига узвий алоқадорликдадир.

Бунинг учун Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси, энг аввало, ҳаётимизнинг Асосий Қонуни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, унинг ҳар бир моддасини пухта ўрганиши лозим.

Конституцияда инсон ҳуқуқларининг давлат ҳуқуқидан устиворлиги тамойили қонун йўли билан белгилаб қўйилган бўлиб, Президентимиз томонидан таъкидланганидек, фуқаролар манфа-атининг устунлиги қонуний равишда мустахкамланган ва қафолатланган. Унда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас бўлиб, давлат ҳимоясида дейилган.

Юқорида келтирилган талаб ва вазифаларни амалда жорий қилиш асосан таълим-тарбия муассасаларидан бошланади. Ушбу маънода ўқувчиларда фуқаролик тарбиясини шакллантириш учун уларни ўтмиш меросимиз ва халқимизнинг минг йиллик қадриятлари асосида маълумотлар бериш мақсадга мувофиқдир.

Фуқаролик тарбиясининг асосларидан бири миллат, халқ уларнинг ҳаёт мазмунини ўрганиш орқали миллий ўзликни англашни қарор топтириш иши саналади.

Шахс жамият ўтмишини ўрганиш орқали унинг ҳар босқичини таҳлил қилиш асосида келгуси ҳаёт режасини ишлаб чиқади. «Ўтмишсиз келажак бўлмайди» - мазкур шиор эркин, мустақил равишда тараққиёт йўлидан бораётган республика ҳаётининг бош шиорига айланиши керак.

Ўтмиш мутафаккирларнинг қарашлари, бой маънавий мерослари, ½оаялари бугунги авлод учун дастурул амал бўлиши лозим.

Алломалар, халқ қаҳрамонлари ҳаётини ўрганиш миллат ва шахсга инсон сифатида ким эканлигини англаб етишга ёрдам беради.

Миллий қадриятлар ½оаяларини ўрганиш асрлар давомида ардоқланиб келган анъана, урф-одат, маросимлар нима учун миллатни бу қадар жипслаштириб қўйганлиги сиридан воқиф этади. Фуқаролик тарбияси негизида халқ ўтмиши, тарихини ўрганиш, миллий қадриятлар моҳиятини англашга йўналтирилган фаолиятга ўқувчиларни жалб этиш педагогика фани, тарбияда кўзланган мақсадга элитувчи йўл саналади.

Ўқувчиларни ҳақиқий фуқаро этиб тарбиялаш, уларда фуқаролик туй½усини қарор топтириш, фидойи фуқаро сифатида шакллантириш билан яқунланади.

Ўқувчиларда фуқаролик ҳисси ва эътиқодини тарбияламай туриб, уларда ахлоқий, ҳулқий одатларни, малакаларни ҳосил қилиб бўлмайди.

Фуқаролик туй½усини қарор топтириш мураккаб жараён. Бунда дастлаб болаларга фуқаролик моҳияти ва қоидалари мазмунига оид билимлар берилади. Аввало ўқувчига фуқаролик одоби ва маданияти ҳақида тушунча берилади, бу хилдаги ҳулқ, хатти-ҳаракатларга оид намуналар келтирилади, сўнгра фаолият уюштирилади. Ана шу асосида фуқаролик тушунчалари бадий ва илмий адабиётлар, матбуот янгиликлари, кинофильм, спектакл ½оаялари, турли ҳолатлар мазмунини тушунтириш, тар½иб этиб бориш орқали сингдирилади. Фуқаролик

туй¹/₂усини болаларда мактабгача тарбия ёшидан бошлаш шакиллантириб бориш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун «Республика байро¹/₂ида нималар акс этирилган?», «Республика гербидаги Лумо куши ниманинг рамзи?», «Мен давлат мадхиясини биламанми?» каби мавзуларда сухбатлашиш ¹/₂оят мухимдир.

Ўқувчига фуқаро сифатида ўз хулқ-атвори мазмунини тахлил этиш имконини бериш лозим. Яъни, «Бугун халқ фаровонлиги ватан тараққиёти учун нима қила олдим?», «Зиммамдаги бурчни қандай адо этдим» тарзидаги саволларга жавоб топишга ўргатиш керак.

Ўқувчиларга ўқиш, аъло бахоларга ўзлаштириш, ўз тафаккури ва дунёқарашини шакллантириш болада фуқаролик бурчини адо этиш зарурятини тушунтриб бориш зарур. Фидоийлик, интилувчанлик, ташаббускорлик, қатъият, матонат, уюшқоқлик каби хислатлар фуқаролик тарбиясини олиб бориш жараёнида юзага келади.

Фуқаролик тарбиясини ташкил этиш учун маълум шарт-шароитлар тақозо этилади. Булар:

1. Мактабдаги таълим-тарбия жараёни юксак даражада уюштирилиши керак;
2. Фуқаролик тарбияси жараёнининг муваффақияти ўқувчилар ва ўқитувчилар жамоасининг савиясига бо¹/₂лик;
3. Тарбиявий ишнинг режали, узлуксиз, тизимли бўлишига эришиш катта ахамият касб этади;
4. Оила, мактаб ва махаллаларда ўзаро хамкорлик ва хамжихатликнинг юзага келиши фуқаролик тарбияси муваффақиятини таъминлайди;
5. Ўқувчиларнинг ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга хамда умумий тартибга риоя қилишга ўргатиш ва бошқалардир.

Фуқаролик тарбиясини ташкил этишда сухбат, мунозара, маъруза, бахслардан фойдаланиш, машқ, тест, анкета саволларига жавоб олиш кабилар юксак даражага олиб келади.

Фуқаролик тарбиясида унинг натижасини ҳисобга олиши мухим ахамиятга эга. Бунда боланинг тарбияланганлик даражаси асос қилиб олинади. Ушбу мақсадга диагностика (ташхис қўйиш), статистик, қиёсий тахлилни ўтказиш лозим.

Фуқаролик тарбиясининг ташкил этилиши натижасида камол топган фуқаро ўзида қуйидаги сифатларни намоён эта олиши лозим:

- фуқаролик бурчини бажара олиши (ўз ватани, халқи, ота-онаси олдидаги қарзни хис эта олиши) қобилиятига эгалик;
- миллий ¹/₂урур ва маърифатпарварлик туй¹/₂усига эга бўлиш;
- давлат Конституцияси, давлат ҳокимияти органлари, мамла-

кат Президенти ҳамда давлат рамзлари (герб, байроқ ва мадхия) га нисбатан хурматда бўлиш;

- мамлакат тақдири ва истиқболи учун жавобгарлик, масъуллик;

- ижтимоий-ҳуқуқий ҳамда ахлоқий меъёрларга нисбатан хурмат ва итоатда бўлиш;

- мамлакат миллий бойликларига хурмат билан қараш ва асраш;

- миллий давлат тили, маданияти ва анъаналарига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уларни асраш;

- ижтимоий фаоллик;

- демократик тамойилларга амал қилиш;

- табиатга нисбатан эҳтиёткорона ва масъулиятли муносабатда бўлиш;

- фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини хурмат қилиш;

- ҳуқуқий онг ва фуқаролик маданиятига эга бўлиш;

- тў¹/₂рисўз, адолатли, мурувватли, меҳрибон бўлиш;

- ўз фаолияти ва хатти-ҳаракатига нисбатан масъулиятли бўлиш;

- байналминаллик, ўзга мамлакатлар халқларга нисбатан хурматда бўлиш ва бошқалар.

МАВЗУ №9: ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ МОИЯТИ ВА МУАММОЛАРИ.

МАҚСАД: Педагог а) *Таълим жараёнига педагогик технологиянинг назарий асосини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш*

б) *педагогик технология таърифини келтириб уни аввалдек ишлатилиб келинаётган педагогик тушунчалар билан солиштириб унинг таълим тизимидаги ўрнини асослаб бериш .*

Талаба: 1. *"Ўзбек модели", унинг таркибий қисмлари ва бугунги кун ижтимоий зарурати билан танишиб чиқиш; 2. Бугунги кун мустақил фикрловчи эркин шахс тарбияси ва унинг концепциясини эгаллаш;*

3. *Педагогик технология тушунчаси ва унинг ижтимоий моқиятини англаш;*

4. *Замонавий педагог ва унинг касбий сифатлари билан танишиш;*

МАШҒУЛОТ ЖИОЗЛАРИ: Президент И.Каримов асарлари, таълим тарбия соҳасида қабул қилинган давлат меъёрий хужжатлари

Р Е Ж А :

1. Янги технологияларнинг ўқув тарбиявий жараёнига кириб келиши, унинг Давлат хужжатларида эътироф этилиб бажариладиган вазифаларни белгиланиши.
2. Педагогик технология концепциясининг ривожланиши тарихи.
3. Педагогик технология тушунчаси ва асосий тамойиллари.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР: миллий модель, педагогик технологияни жорий этиш зарурати, портлаш эффекти, шахс сифатларининг шаклланиши, технология, технологик жараён, мақсадга эришиш, тизимли ёндашиш, лойихалаш, педагогик тизим, ахборот технологияси технологиялаштириш, «портлаш эффекти» «ахборотли ўқитиш», «педагогик техника» концепция, таълимни ислох қилиш, назарий дидактик жиҳатлар.

Мустақил ижодий топшириқ:

- а) «Баркамол авлод орзуси» Т.2000 йил ўқув қўлланмасини ўрганиб, «Президент орзусидаги шахс» фаслини тайил қилинг.
- б) Янги педагогик технологияга оид асарлар, илмий мақолалар, услубий тавсияномалар библиографиясини тузинг.
- в) «Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Умумий ўрта таълим ДТС ни» ўрганиб чиқинг.

Кириш.

Давлат меъёрий хужжатлари, матбуот, радио, ойнаи-жаҳон эшиттиришларидан іаммамизга маълумки, Ўзбекистонда таълимни тубдан ислоі қилиш жараёнига оид педагогик технологияларни жорий қилиш ижтимоий зарурат іисобланади. Бу кўрсатма ва маълумотларни амалда қўлаш ва хал қилиш бугунги кунда таълим муаммолари билан шујулланувчи барча муассаса ўқитувчилари учун нійоятда муіим ва долзарб вазифалардир. Маърузамизнинг асосий мазмуни - таълим жараёнида Янги педагогик технологиялар, уларни

танлаш ва амалиётда қўллаш тўғрисида муѳим маълумотлар іамда муаммолардан иборатдир. Бу муаммоларни муѳокама қилишдан аввал қўйидаги маълумотлар, тушунча ва атамаларнинг устида тўхтаб ўтишимиз шарт деб ўйлаймиз, булар:

1. Таълим соҳасидаги туб ислохотларнинг асосий ўнашлишлари.

2. Таълимнинг Янги модели ва уни амалга ошириш ўллари.

3. Таълим жараенида педагогик инновация.

Келинг, энди ушбу саволларга жавоб излайлик.

Педагогик технология нима? Нега бу сўз бирикмаси «янги» сўзини қўшимча қилиб, «Янги педагогик технология» деб атаймиз? У нима учун бугунги таълим жараёнида заруратга айланди? Нега энди шунча йиллардан бери яраб келган таълим жараёнини эскича ташкил этишдан воз кечишимиз керак ва ўқув жараёнини лойиғалашга янгича ёндашиш зарур?

Бу каби саволларга жавоб бериш учун, энг аввало мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида таълим соҳасидаги ислохот ўнашлишларини англаб олмақ лозим. Бу ўнашлишлар:

- таълим мазмунини ва тизимини ислох қилиш;

- таълим бошқарувини ислох қилиш;

таълимнинг бозор иктисодиётига асосланган механизмни яратиш;

-ота-она, ўқитувчи-ўқувчининг таълим жараёнига бўлган янгича қарашларни шакллантириш;

- ва ниҳоят, бу ислохотларнинг бош харақатлантирувчи кучи Янги педагогик технологияни амалиётга татбиқ этишдан иборат.

- Жамиятимизнинг хар бир фуқароси XXI аср бўсағасида турар экан, ортда қолган йиллар қадрини баіолашга келажак хаётини турли жабіаларини белгилаб олишга уриниши табиийдир. Жумладан, халқ таълими соіасида фаолият кўрсатаётганлар бундан мустасно эмас

Педагогика фанидан ўқитиш жараёнининг икки томонлама ўқувчи томонидан бажариладиган ўқув фаолияти ва ўқитувчиларнинг ўргатувчилик фаолияти йиғиндисидан иборат эканлиги эътироф этилади. Бу қонидани инкор этиб бўлмагани каби замонавий таълим мазмуни умуминсоний ва тажрибалардан ташкил топишдан іам кўз юмиш мушуқул. Республикамиз Президенти Ислом Каримов таълим тушунчасига миллий дидактик нуқтаи назардан ёндашиб қўйидагича таърифлайди:

„Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчанлик фаолиятини бахш этади. Ўсиб келаятган авлодни барча энг яхши имкониятлари унда

намоён бўлади касб-кори, маиорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг донна тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади ” . Такидланган мақсадни амалга ошириши учун таълимнинг янги модели яратилди ва унинг келажакдаги „портлаш эффекти ” юртбошимиз томонидан асослаб берилди. Моделни ҳаётга тадбиқ этиши ўқув жараёнини технологиялаштириши билан узвий боғлиқдир. Дарвоқе, илмий-техникавий тараққиёт ишлаб чиқаришининг кўп сонли тармоқлари саноат, қишлоқ хўжалиги ,тиббиёт ва бошқа билан бир қаторда маданият соҳасида, ижтимоий-гуманитар бўлимлар доирасига янги технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда. Шу боисдан Кадрлар тайерлаш Миллий дастурида, «ўқув-тарбиявий жараёни илжор педагогик технологиялар билан таъминлаш» эътироф этилади ва унинг иккинчи–учинчи босқичларидаги жиддий вазифалардан бири сифатида белгиланади.

Нима учун бугунги кунда педагогик технологияларни назарий асосини яратиши ва амалиётга тадбиқ этиши зарурати тузилди. Анъанавий ўқитиши тизими, айтиши мумкинки, ёзма ва оўзаки сўзларга таяниб иш кўриши туфайли, «ахборотли ўқитиши» сифатида тавсифланади. Чунки ўқитувчи фаолияти биргина ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаига айланиб бораётганини таъкидлаган йолда баёланмақда. Бу бир томондан Иккинчидан, илмий техникавий тараққиётнинг ривожланаётган босқичда ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва улардан ўқитиши жараёнида фойдаланиши учун вақт чегараланганлиги, шунингдек ёшларни иаётга мукамал тайерлаш талаблари таълим тизимига янги технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимиз таълим фазосида рўй бераётган туб бурилишлар иар бир таълим муассасида дидактик соҳасини жонлантиришни талаб этади, янгиликни жорий этиши йўли эса иар доим мураккаб ва узоқ. Комил ишонч билан айтиши мумкинки, педагогик технологиялар яқин йиллар ичида дидактик янгиликка киришининг асосий манбаи бўлиб қолади.

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислох қилишининг асосий омиларидан бири «шахс манфаати ва таълим устуворлиги»дир . Бу омил давлатимизнинг ижтимоий сиёсатини белгилаб берганлиги туфайли таълим янги модели яратилди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан бу моделни амалга ошириши билан иаётимиз жабхаларида рўй берадиган «портлаш эффекти» натижалари руи рост кўрсатиб берилди, яъни: ижтимоий сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради:

- инсоннинг иаётдан ўз ўрнини топиши жараёни тезлашади

- жамиятда Мустақил фикрловчи эркин Шахнинг шаклланишига олиб келади:
- жамиятимизнинг потенциал кучларини руёбга чиқаришга жуда катта аҳамият касб этади
- фуқаролик жамияти қуришни таъминлайди, модел воситасида дунёдан муносиб ўрин олишга, узбек номини янада кенг ёйиб тараннум этишга эришилади. «Портлаш эффекти» сари шижоат билан қадам ташлаш, йулларда учрайдиган қийинчиликларни босқичма босқич ва изчил хал этиши масалалари нафақат педагог назариячи ва амалиётчиларини жонбозликка келтиради, балки жамиятимизни тўлиқ педагоглаштириши муаммосини ижтимоий буюртма сифатида келтириб чиқаради.

Демак, жамиятимизнинг іар бир фуқароси тарбияшунослик асослари билан таништириши, ёш авлодни баркамол инсон қилиб вояга етказиши жараёнини янги педагогик «қурол» ва воситалар билан таъминлаш давр тақазоси.

Педагогик технология (ПТ) - шундай бўлимлар соіасики, улар ёрдамида 3-минг йилликда давлатимиз таълим соіасида туб бурилишлар юз беради, ўқитувчи фаолияти янгиланади, талаба ёшларда хурфикрлик, билимга чанқоқлик, ватанга меір- муіаббат, инсонпарварлик туйјулари тизимли равишда шакллантирилади.

Маълумотлилик асосида ётувчи бош жоя іам табиат ва инсон узвийлигини англаб етадиган, авторитар ва сохта тафаккурлаш усулидан воз кечган, сабрбардошли, қаноатли, ўзгалар фикрини іурматлайдиган, миллий - маданиятли ва умуминсоний қадриятлар каби шахс сифатларини шакллантиришни кўзда тутган инсонпарварлик іисобланади Бу масалани ечими қайси даражада таълимнинг технологиялаштириши билан бојлиқ ?

Дастлаб «технология» тушунчасига аниқлик киритайлик. Бу сўз техникавий тараққиёт билан бојлиқ іолда фанга 1872 йилда кириб келди ва юнонча икки сўздан – «технос» (technos) – санъати, хунар ва «логос» (logos) фан сўзларидан ташкил топиб, «іунар фани» маъносини англатади. Бироқ бу ифода замонавий технологик жараённи тўлиқ тавсифлаб беролмайди. Технологик жараён іар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланган іолда операцияларни муайян кетма – кетликда бажариши кўзда тутади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, технология – жараён - бу меінат қуроллари билан меінат объектлари (хом ашё) га босқичма – босқич таъсир этиши натижасида маісулот яратиши борасида ишчи (ишчи машина) нинг фаолиятидир. Демак, ПТ-бу ўқитувчи (тарбиячи) нинг ўқитиши (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муайян шароитда ва маълум кетма – кетликда

таъсир кўрсатиши ва акс эттириши махсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини жадал шакллантириши жараёнидир.

Юқорида келтирилган таърифдан кўриниб турибдики, ПТ тушунчасини изолашда технология жараёни асос қилиб олинди. Аслини олганда iam бу тушунчага берилган таърифлар сони педогогик адабиётларда нихоятда кўпдир.

Педагогик наирлар «технология» атамасининг хилма - хил кўринишларини учратиши мумкин: «ўқитиши технологияси», «ўқув жараёни технологияси», «маълумот технологияси» ва хакозо .

Ўқитиши технологияси ПТга яқин тушунча бўлсада, айнан ўхшаши маънони англатмайди, чунки бу маълум предмет, мавзу ва саволлар доирасидаги аниқ ва ўқув материални ўзлаштириши йўлини муайян технология атрофида ифода этади. У кўпроқ хусусий методика билан бир жинслидир.

ПТ эса маълумот технологиясини жорий этиши тактикасини ифодалайди ва «ўқитувчи – педагогик жараён – ўқитувчи (талаба)» Функционал тизим қонуниятларига тегишлар билим асосида курилади ..

Хозирги кунда ўқитувчилар методикани кўп холларда технологиядан ажрата олмаяптилар. Шу боисдан бу тушунчаларни аниқлаштириши керак бўлади. Методика ўқув жараёнини ташкил эттириши ва ўтказиши буйича тавсиялар мажмусидан иборат. Ёхут ПТ ўқитувчининг касбий фаолиятини янгиловчи ва таълимда якуний натижасани кафолатлайдиган муолажаларни йијиндисидир. Технология ўзининг эгилувчанлиги, натижаларнинг тургунлиги, самарадорлиги, олдиндан лойиаланиши зарурати билан методикадан фарқланиб туради.

Шу билан биргаликда маълум вақт давомида ПТ ўқув жараёнини техник воситалар ёрдамида амалга ошириши деб қараб келинди фақат 70- йиллардан бошлаб педагогик адабиётларга бу тушунчанинг мохияти янгича талқин этила бошланди. Япон олими Т.Сокамото томонидан «ўқитиши технологияси - бу ўқитишининг мақбуллиги таъминловчи йўл- йўриқлар тизими билан бојлиқ билимлар соҳаси» эканлиги эътироф этилади.

Объектив борлиқни ўрганишининг тизимли ёндашиши методи фанда кенг кўламда қўлланилгач, унинг таъсири остида аста секинлик билан ПТ моиятига хам аниқлиқ киритилди: рус олимаси Н.Тализина технологияни «белгиланган ўқув мақсадига эришишининг оқилона усулларини аниқлашдан иборат» деб тушунтиради.

Юқорида келтирилган таърифлардан кўриниб турибдики, ПТ белгиланган бошлангич мақсад ва мазмун асосида ўқув жараёнини

лойиалаш сифатида талқин этиляпти. Бу бир жиѳатдан тўѳри, лекин теранрок фикр юритилса, унинг бир ёқламалиги кўзга яққол ташланади ёки бундай ёндашувларда ўқувчи шахси инкор этиляпти. Бу камчиликни биринчи бўлиб академик В.П. Беспалько пайқади ва ўзининг йирик асарида «ПТ – бу ўқитувчи маѳоратига бојлиқ бўлмаган йолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойиасидир» деб таърифлади. Бу таъриф мазмунидан мухим илмий тамойилларни алоида ажратиб кўрсатиши мумкин:

- ПТ ўқувчи (талаба)ларда маълум ижтимоий тажриба элементларини шакллантириши учун лойиаланади;
- Лойиаланган тайёр технологияни амалга ошириши фан ўқитувчисидан катта махорат талаб этмайди;
- якуний натижа, албатта кафолатланади.

ПТ тушунчаси ойдинлаштиришига қаратилган таърифларнинг хилма-хиллиги бир томондан, ривожланган мамлакатларда бу мавзунинг у ёки бу даражада ечилганлиги кўрсатса, иккинчи томондан ПТни амалиётга жорий этишига бўлган уринишлар натижасини ифодалайди.

Қатор йиллар давомида ПТ назарияси ва амалиёти бир-бириги бојлиқ бўлмаган йолда ўрганиб келинди. Натижада ўқитиши жараёнини такомиллаштиришига ёки ўқувчиларнинг билиши фаолиятини ривожлантиришига қаратилган у ёки бу илјор методикалар технологиялар даражасига кўтара олмай аста – секинлик билан ўз мавқеини йўқотиб педагогика фанида узоқлашиб кетмоқдалар. Мисол учун, 60- йилларда катта шовқинга сабаб бўлган «Дастурли таълим» (Программированное обучение) ёки 70- йилларда собиқ итиффоқ миқёсидаги «Шаталовчилик харакат» уни эслаш кифоя.

Бугунги кунда мамлакатимизда мутахассисларнинг илмий салохиятини бирлаштиришига имкониятлар етарли. Назария ва амалиёт бирлигининг таъминланиши ПТнинг асл моииятини аниқлашга йўл очади.

Дарвоке ПТга «Янги» сўзини қушиб ишлатилиши назариячи олимлар ва ўқитувчиларни бир қадар ўйлантрииб қўйди, эндиликда таълим тарбия жараёнини лойихалашга эскича ёндашиши мумкин эмаслигини англашга харакат қилмоқдалар.

Шундай экан, «янги ПТ» нимани англатади? Бу саволнинг ечимини изохлашга харакат қиламиз.

Биринчидан, ПТ таълими (тарбия) жараёни учун лойихаланади ва белгиланган мақсадни ечишига қаратилади. Бинобарин, хар бир жамият шахсни шакллантириши мақсадни аниқ белгилаб беради ва шунга мос

холда маълум педагогик тизим (мактаб, коллеж, олий ўқув юрти) мавжуд бўлади. Бу узлуксиз равишда ижтимоий буюртма ўз таъсирини ўтказди ва таълим тарбия мақсадини умумий йолда белгилаб беради. «Мақсад» эса педагогик тизимнинг қолган элементларини ўз навбатида янгилаш заруратини келтириб чиқаради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим тарбияни мақсадини янги йўналишига бурди, яъни: «ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитдан тўла холис этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва аилоқий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш» деб белгиланади. Демак, таълим тарбиянинг мақсади бутунлай янгиланади унга мос йолда мазмуннинг йам, педагогик жараённинг йам янгиланиши табиийдир.

Иккинчидан, фан ва техниканинг ривожланиши билан инсон фаолияти чегараси нихоятда кенгайиб борапти, аудиторияга ўқитиш имкониятлари катта бўлган янги технологиялар (саноат, қишлоқ хўжалиги, электрон, ахборот ва бошқа) кириб келмоқда. Рўй бераётган сифати ўзгаришлар шундан далолат берадики, эндиликда, «ўрганиш» нинг, бирламчи жараёнлари анъанавий методика ва ўқитиш воситалари ромига сиўмай, ўқитувчининг индивидуал қобилиятларига мос келмай қолди. Янги методикаларни талаб этадиган ва таълим жараёнининг ажралмас компонентига айланиб бораётган ва унга ўзининг маълум хусусиятларини жорий этадиган янги техникавий, ахборотли, полиграфик, аудиоизуалли воситалар мавжудки, улар янги ПТни реал воқеяликка айлантирди.

ПТ моияят жииятдан бошқа технологиялар билан бир сифатда туради, чунки улар йам бошқалар катори ўз хусусий соиясига методлар ва воситаларга эга, маълум «материаллар» билан иш кўради. Бироқ ПТ инсон онги билан бојлиқ билимлар соияси сифатида мураккаб ва йаммага йам тушунарли бўлмаган педагогик жараённи ифода этиш билан ишлаб чиқариш, биологик, йатто ахборотли технологиялардан ажралиб туради. Унинг ўзига хос томонлари – тарбия компонентларини мужассамлаштирганидир.

Янги ўзбек давлатчилигининг тамал тоши қўйилпти: ижтимоий, иқтисодий, маънавий, мафкуравий сохаларда туб ислохатлар амалга оширилмоқда. Таълим тарбия сохасининг ислох килиниши педагогик фанини ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратиб берди. Эндиликда кишилик жамияти томонидан узоқ йиллар давомида яратилган тарбияшунослик тажрибаларини ўрганиш ва тадбиқ қилиш ишлари кенг йўлга қўйилди.

Шўролар тизими даврида барча ижтимоий фанлар каби педагогика йам коммунистик мафкура қобиги билан ўралган, унинг ривожланиши

меъёри чекланган, илгор чет мамлакат жоялари эса буржуа жоялари деб танқид қилинар ва рад этилар эди. Иолбуки іар қандай жоя іам ўзида маълум ижобий жиіатларни мужассамлаштириши мумкин, уларни амалиётга жорий этиши фойдадан іоли эмас эди. Жумладан, педагогик технология (ПТ) іам буржуа дидактикасига тегишли йўналиши сифатида қараб келинди ва бу муаммони тадқиқот объектига айлантириши иложи йўқ эди.

Бугун мамлакатимиз истиқлоли шарофати туфайли барча фан соіаларини ривожланган давлатларда тўпланган тажрибалар асосида таілил қилиши ва янада такомиллаштириши имкониятлари мавжуд. Умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиши ва іаётимизга тадбиқ этиши даври келди. Миллий дастурда таъкидлангандек, яқин келажак «Кадрлар тайёрлаш соіасидаги іамкорликнинг халқаро хуқуқий базаси яратилди, халқоро іамкорликнинг устувор йўналишлари рўёбга чиқарилади, халқаро таълим тизимлари ривожлантирилади».

Педагогик технология назариясининг вужудга келиши ва ривожланиши

Бу фаслда биз педагогика технология назариясининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихига назар ташлаймиз.

30- йилларда «педагогик техника» тушунчаси махсус адабиётларда пайдо бўлди ва у ўқув маишулотларини аниқ ва самарали ташкил этишига йўналтирилган усул ва воситалар йијиндиси сифатида қаралди. Шунингдек, бу даврида ПТ деб ўқув ва лаборатория жихозлари билан муомала қилишни уддалаш, кўрғазмали қуроллардан фойдаланиши тушунилди.

40-50-йилларда ўқув жараёнига ўқитишининг техник воситаларини жорий этиши даври бошланди. Айниқса, кино, радио, назорат воситалари улардан фойдаланиши методикаси ПТга тегишлидир.

Жахон талимининг жорий холати таілил қилиниб, асосий йијилишлари белгиланади. Комиссия миллий Концепция шунингдек маориф ва тарбияни ривожлантириши стратегиясини ишлаб чиқиши учун ўз тавсияларини ифода этади. Бу концепциянинг бош жояси: инсон бутун хаёти давомида тикланиши іолатида бўлади, демак, у ўз потенциалини фақат узлуксиз таълим жараёнидагина амалга оширади доимо янгиликларни билишига ва маълум тажрибаларни фаоллаштиришига интилади. Шу боисдан маълумотлилик фақат маълум хажмдаги билимларни ўзатиши билан бојлиқ іолда эмас, инсон ўз іаёти давомида тикланиши жараёнини манतिकини аниқлайдиган омил сифатида тушуниши керак. Энг асосийси, Эдгаро Фора томонидан «замонавий

технология таълимни модернизациялашда харакатланувчи куч» эканлиги қайд этилди.

Бу даврда таълим тизмидаги ўзгаришлар турли мамлакатларда турлича кечди: баъзи бирлари амалиётдаги мавжуд таълимни такомиллаштиришни афзал кўрсалар, бошқалари ўз олдиларига юзирги таълим янгисига алмаштиришни мақсад қилиб қўйдилар, Ниёоят, учинчилари эса жамиятни ўзгартирмасдан туриб таълим тизмини ислох қилиш мумкин эмаслигини, вақтни бой бермасдан ёшлар билан олиб бориладиган таълим – тарбиявий ишларнинг янгича тизимини яратишига киришиш кераклигини эътироф этдилар.

Бугун Ўзбекистонда демократик йуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил бораётганлиги учун кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислох қилинди, давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топди. Ўқув – тарбиявий жараёни илжор педагогик технологиялар таъминлаш зарурати ҳам Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини рўёбга чиқариш шартларидан биридир. Шу сабабдан бу педагогик фонеменинг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёнини ўрганишига тарихий ёндашмоқдамиз.

1997 йилда Будапештда ўтказилган ўқитиш технологияси бўйича Халқаро семинарда таълим технологиялаштириш жараёни билан боғлиқ олимлар рус олими С.Г. Шаповаленко томонидан қуйидагича белгиланди:

- -техникани билиш ва мукамал эгаллаш;
- аудиовизуал фонди билан таниш бўлиш;
- техник воситалардан фойдаланиш методикасини эгаллаш;

Бироқ бу фикрнинг бир ёқламалиги яққол кўзга ташиланади. Ундан фарқли ўларок юялар шу семинар иштирокчилари томонидан айтилади. Мисол учун, венгер олими Л. Салаи ўқитиш технологияси доирасини бир мунча кенгайтиришига уринади: режаслаштириш, мақсад тайлили, ўқув – тарбиявий жараёни илмий асосда ташикил этиш, мақсад ва мазмунга мос келадиган методлар, воситалар ва материалларни танлаш бевосита ПТ ни лойихалашдаги ўқитувчи фаолиятига хошлигини таъкидлайди. Шунга якин фикрлар, яъни ўқитиш технологияси ўзида ёрдамчи восита ва янги тизимни қамраб олган юлда ўқув жараёнини ривожлантиришига, унинг ташикилий шаклларини, методларини, мазмунини ўзгартирган юлда ўқитувчи ўқувчиларнинг педагогик тафаккурлашига таъсир кўрсатиши Ж.Целлер томонидан белгиланади бу маълумотлар шундан далолат берадики, 70- йиллар охирига келиб чет элларда техника ривожси ва таълимни компьютерлаш даражасига боғлиқ юлда ПТнинг иккита жиёатлари алоюда ажратилиб кўрсатилган ва тадқиқ қилинган:

1) ўқув жараёнига техник воситаларни жорий этиши

2) амалий масалалар ечимини топиши билимлар тизимидан фойдаланиши Мисол учун, Японияда бу даврда олиб борилган тадқиқотлар ўқув жараёнини технологиялаштиришнинг биринчи йўналиши, яъни таълимнинг янги техник воситаларини яратиши ва ўқув жараёнига қўллаш билан бевосита боғлиқ бўлган.

Бундай йолат бошқа қатор давлатлар учун ҳам характерли бўлиб ПТнинг иккинчи йўналиши – назарий – дидактик жиҳатлари 80-йилларнинг бошида АҚШ ва Англия тадқиқот объектига айланди. Чунки «технология» сўзи кенг маънода назарий билимларни амалиёт мақсадига кўчириши, бу кўчиришнинг аниқ йўллари ишлаб чиқиши зарурати эътироф этилди.

Шундай қилиб 80-йилларда ПТнинг моҳиятини ойдинлаштиришга бўлган уринишлар янада давом эттирилди. Бу соҳа россиялик педагог олимларнинг ҳам диққатини жалб эта бошлади. ПТнинг ривожланиши тарихи Т.А.Ильинанинг илмий мақолаларида буржуа дидактикасининг йўналиши сифатида талқин этилсада, у биринчидан қаторида собиқ совет педагоглари бу муаммо билан шуғулланишга даъват этади ва чет эл мактаблари ва педагогикасида бу соҳадаги янги ва қизиқарли наирларнинг барчасини кузатиши фойдали эканлигини алоҳида таъкидлайди. Шу боисдан 80-йилларнинг охири, 90-йилларда ПТнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилиши Россияда кенг йўлга қўйилди. Академик В.П.Беспальконинг 1989 йилда наир этилган «Слагаемўе педагогической технологии» йирик тадқиқотларнинг натижаси исобланади: В П Беспалько жоясида: „ ПТ _ амалиётга жорий этиладиган маълум педагогик тизим лойихасидир ”деб исоблайди.

III. Педагогик технология тушунчаси ва асосий тамойиллари

Технология деганда субъект томонидан объектга кўрсатилган таъсир натижасида субъектда сифат ўзгаришига олиб келувчи жараён тушунилади. Технология іар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланиб, объектга йуналтирилган мақсадли амалларни муайян кетма кетликда бажаришни кўзда тутади.

Ушбу тушунчаларни ўқув жараёнига кўчирадиган бўлсак, ўқитувчи (педагог) нинг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муайян шароитларда кўрсатган тизимли таъсири натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларни интенсиф

тарзда шакллантирувчи ижтимоий ходиса, деб таърифлаш мумкин. Таърифлар назарияси бўйича бундай ижтимоий ходисани педагогик технология деса бўлади.

Педагогик технология ижтимоий зарурат бўлганлигидан даставвал АҚШда 70 йилларда фалсафанинг бихивиоризм оқими заминида юзага келиб, бошқа ривожланган мамлакатларга тез тарқалиб кетди. Ер юзи мамлакатлари икки қарама-қарши лагерга бўлиниб, совуқ уруш авжига чиққан даврда социализм тарафдорлари бу ижтимоий йодисани мафкура нуктаи назаридан тан олмай, кўп йиллар давомида уни кўр-кўрона инкор қилиб келишди.

XX аср 90-йилларни бошида социализм нураб, унга аъзо бўлган давлатлар бирин-кетин Мустақил бўлганидан кейин, іар жиіатдан тараққий этган хорижий мамлакатларга, шу жумладан Ўзбекистон учун іам кенг йўл очилди.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон олимлари хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва илмий маърифий алоқалар ўрната бошладилар. Натижада юртимизга илјор ва самарали технологиялар кириб кела бошлади. Шулар қатори жаіондаги прогрессив педагогик технология деган тушунчалар іам кириб, педагогик жамоатчилигимиз фикрини чулјаб олди.

Охирги йилларда Россия билан Ўзбекистонда педагогик технологияни ўрганиш йўлида анча ишлар қилинди. Педагогик технологияни ўқув жараёнига олиб кириш зарурлигини МДХга кирувчи мамлакатлар ичида биринчилар қаторида іар томонлама илмий асослаб берган россиялик олим В.П.Беспальконинг фикрича, **«ПТ – бу ўқитувчи бојлиқ бўлмаган холда педагогик мувафаққиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёни лойиіасидир».**

Россия олимларидан В.М.Монахов: **«ПТ–аввалдан режалаштирилган натижаларга олиб борувчи ва бажарилиши шарт бўлган тартибли амаллар тизимидир»**, – деган қисқача таърифни бера туриб, унинг асосий хусусиятларига эътиборни қаратади.

«ПТ ўқув жараёнини технологиялаштириб, унинг қайта тикланувчанлигини іамда педагогик жараён туркунлигини ошириб, бу жараён ижрочисининг субъектив хусусиятларидан уни озод қилади», дейди.

М.В.Кларин фикрича, **ПТ ўқув жараёнига технологик ёндашган холда, ПТдан белгилаб олинган мақсад кўрсаткичдан келиб чиқиб, ўқув жараёнини лойихалаштиришдир.**

И.Я. Ларнернинг фикрига кўра, **ПТ ўқувчилар харакат этган ўқитиш натижалари орқали ишончли англаб аниқланадиган мақсади ифодалайди.**

В.П.Беспальконинг Ўзбекистонлик шогирдларидан Нурали Сайдахмедов ва Абдурахмон Очиловларнинг фикрича, **ПТ бу ўқитувчи (тарбиячи) нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият махсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир.**

Ўзбекистонлик педагог олим Б.Л.Фарберман педагогик технологияга қуйидагича таъриф беради: **«ПТ таълим жараёнига янгича ёнлашув бўлиб практикада ижтимоий - мухандислик онг ифодасидир. У педагогик жараёни техника имкониятлари ва инсоннинг техникавий тафаккури асосида стандарт холга солиб. унинг оптимал лойихасини тузиб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий ходисадир».**

Бу таърифларни узоқ хорижда берилган таърифлар билан солиштириб кўриш учун япон педагог олими Т.Сакомото берган таърифни келтирамиз.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг нуфузли идораларидан ЮНЕСКОнинг таърифи бўйича, **«ПТ бу билим бериш ва уни эгаллашда техника ва инсон ресурсларини ўзаро ўзвий борлиқ холда кўриб, бутун таълим жараёнини лойихалашда ва амалда қўллашда мажмули ёндашув усулидан фойдаланишдир».**

Келтирилган таърифларни илмий фалсафий нуқтаи назардан таълил қиладиган бўлсак, узоқ хорижда берилган таърифлар билан МІД мамлакатлари олимларининг берган таърифлари бир — бирига яқин келса—да, фарқи ҳам анчалигини кўрамиз. Жумладан, Сакомото ва ЮНЕСКО таърифларида мажмуали ёндашув тамойилига алоҳида урғу берилган. МІД олимларининг ПТга берган таърифларида мажмуи ёндашув эслатиб ўтилгани билан, ўқув жараёнининг лойихасини тузишганда уни мутлоқ унутиб, мажмуи ёндашув тамойилининг қонун ва қоидаларига сира ҳам амал қилишмаганини кўрамиз.

Таъриқатда эса, объектив борлиққа мажмуи ёндашув тамойилини яхши билган кишига, Сакомото айтганидек, **«ПТ ўқув жараёнини муайян бир мажмуга келтиришдир»**, деган тупгунча кифоя қилади. Бу тушунча орқали ПТ нинг бошқа ҳамма хусусиятларини, яъни мақсадга йўналтирилганини, бир неча ўзаро ўзвий борлиқ бўлган қисмлардан ташкил топганлигини ва бошқаларни англаб олса бўлади. Чунки, бу хусусиятларнинг ҳаммаси, мажмулар назариясига биноан, мажмуи деб ном олган нарса ва ходисаларнинг ажралмас сифатларидир.

Ундан ташқари, Россия ва Ўзбекистан олимлари "таъриф" деб айтганларининг ҳаммаси ҳам "таъриф" маъносига эга бўлолмайди. Таъриф тузишнинг ўз қонун қоидалари, яъни таъриф тузиш назарияси бор. Таъриф ушбу назариядан келиб чиқиб тузилса, у ҳақиқий исобланади. Биз таълил

қилган таърифлар эса, Н.Сайдахмедов ва А.Очиловларникидан ташқари, педагогик технологиянинг у ёки бу хусусиятларини очиб берувчи ё унинг таснифини ифода этувчи тушунчалар, ёки уларнинг омукталаридир.

Педагогик технологиянинг асосий тушунчаси, сўзсиз, ўқув жараёнига мажмуи сифатида ёндашишдир. Бунда таълим тарбияда иштирок этувчи барча нарса ва ходисалар ўзаро функционал бојлиқликда бўлиб, бир бутунликни, яъни педагогик жараён мажмуини ташкил қилади. Педагогик жараён мажмуини муайян бир вақт мобайнида босқичма — босқич амалга оширилиши педагогик технология дейилади (2 —расмга қаранг). **Педагогик технологиянинг анъанавий услублардан асосий фарқи**, унинг тўла —тўқис мажмуалари назарияси қонуниятларидан келиб чиққанлигидадир.

Педагогик технологиянинг аввалги услублардан афзаллиги, у таълим жараёнини бир-бутунликда кўриб, таълим мақсади, унинг мазмуни, билим бериш усуллари ва воситалари іамда таълим олувчи ва таълим берувчиларни мажмуага келтириб, таълим босқичларини лойихалаб, таълим жараёнини назорат қилиш ва таълим натижаларини баіолаш каби қисмларини ўзаро ўзвий бојлаб мажмуага келтириб туриб, унинг лойихасини тузишидадир.

Унинг анъанавий услублардан кейинги фарқи, у талабаларнинг ўзларига берилган билимни ёдлаб олиб айтиб беришига эмас, балки таълим ва тарбия жараёнининг якунида амалий ишларни бажаришга йўналтирилганлигидадир.

Педагогик технологиянинг - борлиққа таълим услублари билан навбатдаги фарқи, унинг ёрдамида ўқув жараёни ташкил этилганда, дарс натижаси билим берувчининг педагогик махоратига бојлиқ эмаслигидадир. Илмий асосланиб, яхши лойихалаштирилган педагогик технология бўйича іар қандай ўқитувчи іам, аъло бўлмаса — да яхши дарс ўтади. Чунки педагогик технологияни педагог олим, методист ёки илјор тажрибали ўқитувчилар тузади, шу боис уларнинг педагогик махорати педагогик жараён лойихасида ўз ифодасини топган бўлади. Аввалгидек, "дарсдан кўзланган мақсадга объектив сабабларга биноан етиб булмади" ёки "кутилмаган омилларга биноан дарс бузилди" ва шунга ўхшаш гапларга педагогик технологияда ўрин йўқ.

Педагогик технологиянинг юқорида қайд этилган хусусиятларидан ва мажмуалар назариясининг қонуниятларидан келиб чиқиб, унга қуйидаги кенгайтирилган таърифни берамиз.

ПТ – бу жамият этиёжидан келиб чиқиб, олдиндан белгиланган киши ижтимоий сифатларини самарали шакллантирувчи ва аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини мажмуи сифатида кўриб, уни ташкил қилувчи қисмлари бўлган

Ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба) ларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда кўрсатган таъсирини назоратда тутувчи ва таълим натижасини баҳолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир. (Бўри Зиёмухаммедов)

Жапон педагог тафаккурида таълим тарбияга бундай ёндашув янги эмас. XVIII асрдаёқ "Буюк дидактика" нинг муаллифи Ян Амос Коменский таълим жараёнини "бир усул ва нарсалар вақт жиётидан шундай жойлаштирилиши керак эдики", "бутун педагогик жараён яхши созланган соат каби беёато юриши керак" бўлган шаклга солмоқчи бўлганди. Буюк педагог Коменский етмаган орзуларга XXI аср педагоглари етиб, бу ижтимоий ходиса педагогик технология номини олиб, бутун дунё ўқитувчи ва педагогларида дастури амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Педагогик назариялар йијиндиси исобланган педагогикада катта ёжмда назарий ва амалий билимлар тўпланган бўлишига қарамай, XX аср иккинчи ярмигача машур педагоглارнинг биронтаси қайта тикланадиган, яъни издошлари томонидан улар ўтган юқори самарали дарсларни ўзларига ўхшаб ўтиш имконини берадиган педагогик жараён андозасини ишлаб чиқишмаган. Бунинг боиси, машур педагоглар услуги таркибида ўзларининг шахсий сифатлари етакчи ўринни эгаллаганлигидадир. Маълумки, жамият таркибида машурликка даъвогар буюк шахслар жуда ём оз. Бизга эса, улар ёр бир мактабда, ёр бир лицей ва коллежда, ёр бир олий ўқув юртида, ёр бир синф ва дарс хоналарида керак. Бунга етишишнинг бирдан — бир йўли машур педагогларнинг дарсни педагогик технология шаклига солиб, лойихасини тузиш ва кўпайтиришдир.

Технологик ёндашув ишлаб чиқаришдан олинган бўлиб, унда минглаб технологик жараёнлар лойихалаштирилган. Улар ишлаб чиқаришда керакли натижаларга эришиш гарови исобланади. Бу технологияларни қўллаш вақтида худуд ва уларнинг ижрочиси ўзгарса ём, керакли махсулот чиқаверади. Таълим — тарбия жараёнида ём шунга эришиш учун педагогик технология ишлаб чиқилди.

Бу иш биринчи бор АҚШ олимлари Б.Блум, Л.Кратволь, Н.Гранлунд, Дж. Керролла, Дж. Блок, Л.Андерсон ва бошқалар харакати натижасида амалга ошди.

Педагогик технология, умуман олганда, репродуктив дарс беришга асосланган бўлиб, ундаги ўқув жараёни ўқувчи (талаба)ларга типик холатлардаги харакатларни эгаллашга йўналтирилган.

Педагогик технологиядаги репродуктив билим бериш жараёнида дарс аниқ булакларга бўлиниб, ёр бир бўлагида ўқувчи (талаба) лар билиши шарт бўлган натижалар кўрсатилади. Ўқув материаллар дарс мақсадидан келиб чиқиб, модулларга бўлинган бўлади. Ёр қайси модулга тест саволлари тузилади. Ўқув жараёни аниқ саволларга

конкрет жавоблар топишга мўлжалланган бўлиб, саволлар ва жавоблар ўзаро ўзвий бојлиқликда бўлиши натижасида бир бутунликни, яъни мажмуни ташкил қилади.

Педагогик технологияда репродуктив усул қаторида изланувчи тадқиқот ва бошқа усуллар ҳам ишлатилади.

Мустақил Ўзбекистоннинг эркин фуқароларини шакллантиришда халқ иўжалиги учун зарур бўлган маълум билим іажмига эга мутахассис іамда турли муаммоларга дуч келганда, Мустақил изланиб, уларни хал қилиб кетадиган тадбиркор кишиларни тарбиялашда типик харакатларга, репродуктив ва ностандарт вазиятлардан йўл топиб, чиқиб кетишга ўргатувчи тадқиқот усуллари мос тушади. Бизга зарур бўлган услуб ушбу икки анъанавий усуллар қотишмасидан іосил бўлиб, технологиялаштирилган интегратив услубдир. Уни педагогик технология дейилмоқда.

Ўқув жараёни технологияси алоіида олинган битта дарсга, битта мавзуга, ёки ўқув предметининг бир қисмига ва бутун ўқув предметига тузиб чиқилиши мумкин.

Педагогик технологияни яратиш тамойилларининг биринчиси муайян дарс, мавзу, қисм, ўқув предметдан кутилган асосий мақсадни шакллантириб олиш; иккинчиси умумий мақсаддан келиб чиқиб, дарсни, ёки угсув предметини модулларга ажратиб іар бир модулдан кутилган мақсадни ва модулар ичида хал қилиниши лозим бўлган масалалар тизимини аниқлаб олиш; учинчиси модул ичида ечиладиган масалаларнинг іар бири бўйича тест саволларини тузиб чиқиш; тўртинчи - мақсадлар аниқ бўлиб, тест саволлари тузилгандан кейин, мақсадларга етиш усуллари танланиб, уларни ишлатадиган аниқ жойларни белгилаб олиш.

Таълим жараёнига технологик ёндашув пайтида, аввал айтиб ўтганимиздек, мажмуи ёндашув тамойилига ойнаи дарс қисмлари орасидаги зарурий бојлиқликларга ва фанлараро алоқаларга алоіида эътибор қаратилади. Бу педагогик технологиянинг бешинчи тамойили іисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, методика бўйича тадқиқотлар олиб бориш іамда услублар яратишда замоннинг энг илјор усулларидан бири - іар бир нарса ва ходисага мажмуи сифатида ёндашиш зарур. Акс іолда фаолият анъанавий тус олиб, кечаги кунни ифода этиб қолади. Шу нуктаи назардан іар қандай педагогик фаолият давомида педагогик технология тамойиллари марказий ўринда туриши керак. Шундагина педагогик фаолият замонга мос бўлиб, жамият ижтимоий буюртмасини шараф билан бажариш мумкин.

Ёдда тутинг! Ижтимоий зарурат оила, жамият олдида ўз бурчи, масъулияти ва вазифасини чуқур англовчи, Мустақил фикрловчи эркин шахсни тарбиялаш.

Таълимнинг Янги моделининг таркибий қисмлари:

- боланинг талаби, мойиллиги, истак хохиши унинг имкониятлари даражасида қондирилиши;
 - ўқувчининг ўқув меинатига масъулияти, жавобгарлиги ва бурчининг оширилиши;
 - билимларни мустақил малакаларини шакллантириш;
 - у умр буйи ўз билимини ўзигина оширишга ишонч пайдо қилиши;
 - эркин фикрлаш малакасини шакллантириш;
 - шахс жамиятда ўзининг урнини тезкор топиб олишга мухит яратиш.
- ДТС – ўқувчилар эгаллашга зарур бўлган билим, малака, куникмаларнинг минимал даражаси белгиланган.

Саволларга жавоб топинг!

- 1.Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсад вазифалари нимадан иборат?
- 2.Ўзбек миллий модели, унинг тамойиллар хақида тушунча беринг.
- 3.Жамият тараққиётида миллий моделнинг моіияти нимадан иборат?
- 4.Эркин шахс тарбиясида педагогик технологиянинг ўрни нимадан иборат?

Ўзаро қиёсланг!

IV.

V.

Анъанавий таълим

ривожлантирувчи

таълим

Бошланјич (асосий) мақсад

VI.


VII.

Аниқ, сўзсиз бажарувчи
шахсни тайёрлаш

Шахсни ривожлантириш
жахон стандарти талабига
жавоб берадиган, ўзига,
бошқа инсонга, жамиятга,
давлатга, табиатга ва
мехнатга ўзининг тўјри
муносабатини билдира
оладиган, мустақил
фаолият юрита оладиган

ижодкор, тадбиркор
шахсни тайёрлаш,
мустақил ишлашга, ўз-
ўзини тарбиялашга
шароит яратиш


- VIII.
- IX.
- X.
- XI.
- XII.
- XIII.
- XIV.



Фан соҳасида
берилаётган саволларга
жавоб беришда ўзи
мустақил жавоб топа
олиши, ёдлаш эмас, фан
мазмунини ўзи тушуниб
етиши, керакли билимни
қидириб топа олиши


Таълим (дидактик) мақсадлари

Билим, кўникма, малакани
шакллантириш



*Дарс жараёнида
ўқитувчиларга ўз
фикрларини мустақил
баён этишга ўрганиш,
керакли адабиётлардан
усталик билан
фойдаланиш, уларни
излашга, топшишга
ўрганиш*

- XV.
- XVI.
- XVII.
- XVIII.



репродуктив – муаммоли

Муаммоли, қисман

изланишли ахборот – репродуктив, актив, интерактив



10. Мавзу: Таълим муассасаларида рейтинг назорат тизими ва дарс самарадорлигини оширишдаги роли.

Режа:

1. Талабалар билимлари рейтинг назорати.
2. Тест ва унинг моҳияти.
3. Тестдан фойдаланиш йўллари.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРИ.

Рейтинг назорати, тест ва тестшунослик, тест адолат мезони, тестдан фойдаланиш.

Адабиётлар:

1. И.А Каримов. Баркамол авлод Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг пойдевори, 1997й.
2. Баркамол авлод орзуси. Т.»Шарқ», 1999 й. 102-103 бетлар.
3. Халқ таълими Ж. 2000 йил 2-сон 36-39 бетлар.
4. Халқ таълими Ж. 1999 й. 2 - сон 101-102 бетлар.

ТАЛАБАЛАР БИЛИМЛАРИНИ РЕЙТИНГ НАЗОРАТИ.

Мутахассис тайёрлашда талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини шаклланиш жараёнини назорат қилиш муҳимдир. Тў¹/₂ри ташқил этилган назарий талабларни, олинаётган билимларни янада

чуқурлаштириш ва энг асосийси уларнинг шахсий хусусиятларини ривожлантириш учун турли воситаларни танлаш имконини беради.

Ўқув-тарбия жараёнида билим, кўникма ва малакалар шакллانганлигини назорат қилиш муҳим ўрин эгаллайди. Хусусан, назорат қуйидаги функцияга эга.

1. Назоратнинг диагностик функцияси. Назорат натижаси билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражаси аниқланади.
2. Назоратнинг талабаларда билим олишга иштиёқини ўстириш функцияси.
3. Назорат жараёнида талабаларнинг шахсий хислатлари шакллантирилади ва энг асосийси ривожлантирилади.
4. Таълим функцияси.
5. Назоратнинг тарбиявий функцияси.
6. Назоратнинг баҳолаш функцияси.
7. Назоратни талабаларда билимга қизиқишни уй¹/₂отиш, жонли фикрлашга ўргатувчилик функцияси.

Назорат жорий, оралиқ, якуний каби 3 та турга эга.

Назорат турли тестлар орқали амалга оширилади.

- Ўзбекистоннинг педагог олимлари И.Турсунов ва У.Нишоналиевларнинг маълумотларига қараганда тестлар орқали қуйидаги имкониятлар яратилади:
- талабалар назарий ва амалий билимларининг даражасини объектив шароитда аниқлаш имконини беради;
- бир вақтнинг ўзида бир гуруҳ ёки кўп сонли талабалар билимини назорат қилиш мумкин;
- ҳамма талабаларга бир хил қийинчиликдаги саволлар берилиб ҳаммасига бир хил шароит яратилади;
- тест натижаларини ўқитувчи томонидан тезликда текшириш мумкин;
- турли гуруҳ талабалари билимини солиштириш, қўлланилаётган методни самарадорлигини аниқлаш мумкин;
- таълим жараёнининг камчиликларини аниқлаш мумкин.

(И.Турсунов, У.Н.Нишоналиев «Педагогика курси», «Ўқитувчи», 1997-141 бет).

Тест атамаси инглизча-синов, текшириш, тадқиқот маъноларини билдириб «Синалаётган шахснинг психофизиологик ва шахсий хусусиятларини, шунингдек, интеллектуал ривожи, қобилияти ва малакасини текширишда қўлланиладиган стандарт машқлар» демакдир.

1993 йилда олий таълим тизимидаги ислохатларга кенг эътибор берилди. Бу масала Ўзбекистонда алоҳида йи¹/₂инида таҳлил этилди. Мажлисни бошқарган Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов кадрлар

савияси хақида, олий ўқув юртларнинг ахволи ва уларнинг ишлаб чиқариш корхоналари билан муносабатлари хақида фикр билдираркан, тест тизимининг афзалликлари хақида шундай деган:

"Ўз-ўзларимизни ўқишга қабул қилишда тест усулининг қўлланилиши ижобий қадам бўлди. Бу қин¹/₂ир ишларни пайини қирқади, миш-мишларга чек қўяди, истеъдодли ёшларни танлаб олиш имконини беради. Бинобарин, бу ишни такомиллаштириб бориш керак".

Айрим домлалар имтихон пайтида пул олармиш, деган хунук гаплар хам кулоққа чалиниб қолади. Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди. Баъзи олий ўқув юртларида назорат издан чиққани, айрим домлалар пора олгани хам маълум. Бу гаплар қабул комиссиясининг обрўйига путур етказади. Улар бундай ишлардан фори¹/₂ бўлиши керак. Аксарият қабул комиссияларининг таркиби йиллар давомида ўзгармайди, бир хил одамлар ишлайверади. Мен уларнинг хаммаси нопок демокчи эмасман, балки бир-икки фоизи шундайдир. ўйлайманки тест усули бундай бўлма¹/₂ур гапларга хам чек қўяди. қабул имтихонларини тест усулида олишга оқ фотиха беришимиз, бу усулни такомиллаштиришимиз даркор.

Дархақиқат тест тизими жуда кўп бўлма¹/₂ур гапларга чек қўйди. Вақт ўтгани сайин тест тизими такомиллашиб бормоқда ва энг асосийси унга ишонч ортмоқда.

Таълим тизимида адолат ўрнатилди. Ўзбекистон Президенти-нинг бобоколониимиз Амир Темурнинг «Куч-адолатдадир», деган ўгитига мос йўл тутганлиги боис оддий халқ кўнглида бу кунлардан ёрқин хотиралар қолди.

Педагогик, услубий адабиётларни тахлил қилиш натижасида дидактик тестлар қуйидаги 2 гуруҳга ажратилди:

а) назарий билимларни назорат қилувчан, малака ва қобилиятларни текширувчи ўзлаштириш тестлари.

б) реал, ўқув имкониятлари бўйича (Ю.Бабанский) диагностика тестлар хамда умумий ва махсус (масалан, микро ёки макро иқтисодиёт фани ва бошқа фанлар бўйича) ўқитиш тестлари.

Тестлар типологияси асосида топшириқларни танлаш, уларнинг структуравий ўзаро алоқадорлиги ва таърифлани қуйидаги омилларга бо¹/₂лиқдир.

1. Тестларнинг фанлараро қўлланиш соҳаси.

а) оралик назорат тестларида мавзулар, боблар бўйича билим ва ўзлаштириш элементларини текшириш;

б) кўп мавзулар бўйича фанларнинг бир-бирига бо¹/₂лиқлигини ҳисобга олмаган ҳолда билим ва ўзлаштиришнинг чегаравий назоратини ўрнатиш;

в) кўп фанлар бўйича фанларнинг бир-бирига бо¹/₂лиқлигини ҳисобга олган ҳолда билим ва ўзлаштиришларнинг чегаравий назоратини ҳисобга олиш;

г) бутун курс бўйича билимларни назорат қилиш (тест асосида фанлараро туркум тестларни ҳам яратиш мумкин).

Бу ҳолларнинг ҳар бирида фан топшириқларининг қуйидаги саволлари ҳар хил қўйилади: маркетинг-молия, менежмент, солиқлар каби интегратив билимлар ва х.к.

2. Норматив тест тузилишининг умумий йўналиш бўйича мақсади ёки критериал характердаги тестлардан фарқи шундаки, норматив тестларда йиғилган баллар ҳисоб натижаларига кўра бир гуруҳни бошқа гуруҳ билан, гуруҳ ичидагиларни эса бир-бири билан солиштириш мумкин.

Критериал тестларда эса ҳар бир ўқувчининг қандайдир ўқув ёки мутахассисликка оид топшириқларини ечиш учун зарур бўладиган билим ва ўзлаштириш қобилиятлари очиқ берилади, яъни критериал тестлар ва унга мос топшириқлар ўқувчиларнинг билим ва кўникмалари аниқ фан соҳалари бўйича ўқитиш мақсадининг минимал талабларига қай даражада эришгани ёки эришмаганлиги ҳақидаги саволларга жавоб беради.

Норматив тестларда асосан топшириқни «ечди» ёки «ечмади» деб белгиланса, критериал тестларда эса топшириқни қайсидир йўл билан ечган ўқувчиларни мураккаб ишларга қўйиш мумкинлиги, уларнинг мураккаб дастурлар бўйича ишни давом эттира олишлиги ҳисобга олиниши керак.

3. Тестларнинг дидактик - психологик йўналиши қандай тест ишлаб чиқиладиганлиги ёки адаптациясидан ўтаётган тестни унинг муаллифи қандай характерлашни аниқлайди;

а) назарий билимларни назорат қилиш учун ўзлаштириш тестлари;

б) берилган фан (ўқув ва мутахассислик) бўйича билим ва малакаларини назорат қилиш тестлари;

в) ўқитиш тестлари (маълум фан ёки унинг цикли бўйича ўқув имкониятларининг диагностикаси):

4. Назорат босқичлари бўйича йўналиш;

а) кириш назорати-(олий ўқув юртига киришдаги ёки курсни, фан иқлимини ва ўқитиш босқичининг бошланишидаги назорат);

б) кундалик (жорий) -назорат ҳар куни амалга ошириладиган ёки ўқув жараёни мавзулари бўйича;

в) чегаравий назорат маълум дарс алоҳида бўлимининг тугаши муносабати билан ўтказилади;

г) якуний назорат маълум курснинг тугаши муносабати билан ўтказилади (ёки фан цикли, ўқитиш босқичи ҳамда ўқув юртини тугатиш муносабати билан).

5. Тестлаштиришнинг диагностик даражаси (чуқурлиги)-берилган тестдан кўзланган мақсад:

- симптоматик диагностикага-яъни билим ва ўзлаштиришнинг «юқори қатламларига» қаратилиши (яъни маълум қонуният ёки формулаларни билиш, билмаслиги ёки таниш-нотанишлиги ва бошқалар);
- этиологик диагностикага, текширув - алоқа сабаби (нима учун айнан ўша билимларни билмаслиги ва бунинг қай даражада бошқа билимларни билишга бо¹/₂ликлиги)га қаратилиши;
- типологик диагностикада эса ўқувчининг ўтилатган дарс ва билимларни билишга, ўзлаштириш ва уддалай олишида қандай ¹/₂ояларни кучайтириш кераклигига қаратилган бўлади.

6. Синалувчининг тестни бажариш фаоллигини оширишда эса ёзма ва о¹/₂заки тестларга мос равишда ёзма ва о¹/₂заки жавобларни қўллаш. Масалан, ҳаракат тестларида (айниқса компьютерларда клавишларни босишдан тортиб, қисм программаларни чиқаришгача) ҳамда ҳисоблаш ишларини ўтказиш ва графикларни чизиш, лойихалаштириш ва х.к.да. Ҳаракат тестлари ўқиш ёки ишлаш қурилмаларида, машқ (тренажерларда) тестларини, айтиқса мутахассислик бўйича ўқитиш тизимларига киритиш мумкин.


7. Тестнинг номогенлик даражаси (бир жинслик)га тестни тузувчи муаллиф томонидан режалаштирган бўлади. Шу жумладан:


а) кўзланган мақсадга қараб тестнинг нимани текшириш кераклиги, айтиқса интегратив характердаги асосий элементларидан (масалан, маълум амалларнинг талаб қилинган даражада ёки шу амалларни бажаришда сифат, миқдор, тезлик, кетма-кетлик, жавобгарлик каби бир қанча) омилларни ҳисобга олиш;

б) формал аспектда эса топшириқлар тузулиши шаклининг бир жинслилиги (гомогенлиги) ёки турли шаклда бўлишлиги.

8. Вақт омили - тестнинг тезкор бўлиши, топшириқларнинг функционал равишда маълум (белгиланган вақтда бажаришнинг зарурлиги) қайси йўл билан, нимага асосланиб ёки тезкор бўлган ҳолда қаерда, қандай топшириқларни бажариш вақтини, баҳолаш вақтнинг сарфланиш чегараси белгиланган бўлишлиги.

9. Тестлаштиришни ташкил этиш усулларига эса умумий, индивидуал ёки жуда кам қўлланиладиган лекин жуда самарали ҳисобланган алоҳида усули ҳам текширилувчиларнинг ташхисчи билан юзма-юз, холис (тестлаштиришнинг ЭИМ воситаларидаги индивидуал дастурнинг замонавий варианты) туриши қабилар қиради (чизма).





Чет эл педагогикаси тестларининг таҳлили шуни кўрсатдики, уларни бизнинг миллий педагогикамизга кўр-кўрона кўчириб бўлмайди. Кўпчилик чет эл тестлари ягона дастур бўлмаган шароит учун тузилган. Бизнинг ягона дастуримизнинг асосий мақсади-ахборот маданиятининг (компьютер орқали) намоён бўлиши ва ўқув дастури асосий талабларини бажарилишидир. Бизнинг тестларимизга асосий талаб-дастурга муносабат бўйича хотирадагини эслаш бўлди.

Тестлар тузилишида жуда серқирра вазифаларни қўллашга ҳаракат қилинди. Асосан қуйидагича тест-вазифалар қўлланилди:

- 1.Тест-саволлар;
- 2.Тушуриб қолдирилганларни тўлдириш тестлари;
- 3.Жавобларни танлаш тестлари (3-5 та жавоб ёрдамида);
4. «Тў¹/₂-ринотў¹/₂ри» тестлари (ўқувчи берилган тасдиқнинг тў¹/₂рилигини аниқлаш керак
5. Асос-тести ўқувчи жавобларини ўзи ихтиро қилади.

ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ НАЗОРАТ СИЛИШ ВА БАЮЛАШНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲМИЯТИ.

Рейтинг тизими тў¹/₂рисадаги "Низом"да "Талабалар билимини рейтинг орқали баҳолашдан мақсад талабаларда ўқитилаётган фанларни чуқур эгаллаш, топшириқларга ижодий ёндошиш, мустақил фикрлаш, ўз

билимини мустақил равишда оширишга интилиш ҳамда адабиётлардан кенг фойдаланиш каби хусусиятларни ривожлантириш ушбу тарих рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга эришиш"¹, - деб таъкидланади.

Юқорида келтирилган хужжатдаги асосий мақсаддан қатор вазифалар ва талаблар келиб чиқади.

Таълим-тарбиянинг таркибий қисмлари ўзаро бо¹/₂лик ва алоқадор бўлиб, педагогик жараён ҳисобланади. Бу жараённинг самарадорлиги кўп жihatдан ташкил этилган тарбия воситалари тизимига бо¹/₂ликдир. Бу воситалар бутун тарбиявий иш тизимининг таркибий қисми деб қаралгандагина ўз ахамиятини йўқотмайди ва тарбиянинг умумий вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам беради.

Ҳисобга олиш, текшириш ва билимни назорат қилиш ҳамда баҳолаш, ўқитиш жараёнида муҳим рол ўйнайди. Жумладан, талабалар билимини ҳақиқий аниқ ва адолатли баҳолаш ҳамда натижаларини уларга мунтазам равишда маълум қилиб бориш катта тарбиявий ахамият касб этади.

Мақсур "Низом" талаблари асосан, талабаларни узлуксиз ўз устиларида фаол ишлашларини, ҳар бир соҳада мустақил ва ижодий ёндашишни, фан асосларини пухта ўзлаштириш учун масъулият сезишларини ҳамда мустақил ишлаш кўникмаларини кенг ривожлантиришни талаб этади.

Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашни тў¹/₂ри йўлга қўйиш, уларда ўтилган фанларга нисбатан ижодий ёндошиш, мустақил фикрлаш, ўз билимни доимий равишда ошириш, адабиётлардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш демакдир. Шу билан бирга ўқитувчи ва талаба ўртасидаги узвий бо¹/₂ланишни юзага келтиради, яна ўқитишнинг ўзаро алоқадор икки воситасини юзага келтиради. Яна ўқитишнинг ўзаро алоқадор икки воситаси-ўқитувчининг фаолияти ва талабанинг меҳнатга онгли муносабатини узлуксиз жараён сифатида доимий бўлиб туришини таъминлайди.

Бунда профессор-ўқитувчиларнинг маъруза ва амалий маш¹/₂улотларга пахта тайёргарлик кўриши, баҳолашга доир меъёр ва мезонларни, саволномалар, тест саволлари ва турли бошқотирмалар ҳамда таянч тушинчаларини тузишдаги маъсулият ёндошиш ва тинимсиз меҳнати ётади. Талаба билимини баҳолаш муҳим воситаларидан бири бўлиб асосан, талабаларнинг ҳулқи ўзгариши ва тарбиявий таъсири кучайганлигида намоён бўлади.

Ўқитувчининг талаба билимини назорат қилиш ва баҳо қўйиш (баллаш) жараёнидаги катта-харакати улардаги ҳақиқий билимни ва

1. Олий таълим. Меъёрий шужжатлар тыплами. (С.С./уломов ташрири остида). Т. "Шар=", 2001 й. 449 бет.

кўникмаларни аниқлашга имкон беради, уларни ортиқча ташвишларидан, охирида "ўтмай қолиш" кўрқувдан халос этади. ўзидаги иқтидор ва имкониятга ишонч хосил қилган талаба янада фан асосларини чуқурроқ эгаллашга ҳаракат қилади, ўқитувчи билан баҳс мунозарага киришади, ўзларига ҳам нисбатан талабчан бўлишга одатлантиради.

Рейтинг тизимини талабига кўра баҳолаш: жорий баҳолаш (ЖБ), оралиқ баҳолаш (ОБ) ва якуний баҳолаш (ЯБ) тарзида олиб бориш керак. бироқ ҳар бир фан ўқитувчиси ўзига хос ёндошув билан бу талабларни амалга жорий этади. Айниқса ЖБ ва ОБ даги бир жуфтликка ажратилган баллар миқдорини тақсимооти кўпгина баҳс мунозараларга сабаб бўлади.

Биз барча учун умумий бўлган қуйидаги амалларни талабалар билан бажаришни тавсия этамиз:

1. Фан ўқитувчиси семестр давомида ўқитиладиган фанни соатлар тақсимотини аниқ билиш лозим;
2. Талабаларга биринчи маш^{1/2}улотдаёқ баҳолаш турларига дахлдор баллар миқдорини бериши шарт. Масалан, 100 соатлик курс. Маъруза 60 соат, амалий (семинар) ёки энг юқори балл (максимал) 100 балл. саралаш бали 56 балл. ЖБ-28 бал, ОБ-42балл, ЯБ-30 балл тарзида бўлиши талабаларга етказилади.
3. ЖБ ҳар бир жуфтлик 1,4 балгача эканлиги ўқтирилади. Бу миқдор талабанинг қуйидаги ҳаракатлари учун берилади: маш^{1/2}улотга қатнашиш ва фаол иштироки: топширилган топшириқни бажарилганлик даражаси: дафтар тутиши ва имловий хатоларга эътибор қаратилиши, олинган натижаларни илмий ва изчил асосий олиши, хозиржавоблиги, топқирлиги ва ижодий фикрлар билан қатнашиши.
4. Оралиқ баҳолашга ажратилган балл миқдорини талаба дарсга доимий фаол қатнашиши ҳамда босқичларда бажарадиган ишларнинг натижасига кўра тўплайди. ОБ да бажариладиган ишлар: саволномаларга ёзма жавоб бериш, тест саволларини ечиш, алоҳида боб ёки мавзуларга ижодий иш тарзида тест саволлари, бошқотирмалар ёки ребуслар тузиш, айрим мавзулардан рефератлар ёзиш, ёки мавзулардан о^{1/2}заки савол-жавоб қилиш кабилардир.
5. ЯБ га асосан фанга ажратилган умумий соатнинг 30%и олинади. семестр охирида таянч тушинчаларга асосланган вариантлар тузилади ва талаба ўз вариантыга жавоб тарзида "Ёзма иш" ёзади. ЯБ даги баллар миқдори ёзма ишнинг қуйидаги ҳолатлари учун берилади: вариант саволлари қарамаган таянч тушинчаларга ёзилган жавобнинг мукамаллиги, талабанинг саводли ва илмий тилда баён этишдаги эътибори, фикр мулохазаларининг асосли

ва мантиқли эканлиги, дафтарни тутиш ва жихозлаш тартибига риоя қилинганлиги, хулосалар ва фойдаланган адабиётларни келтирилиши кабилардир.

Юқорида келтирганларимиздан кўринадики, билимга баҳо қўйиш битта машъулотнинг барча қисмларига сингиб кетиши билан бирга бутун фаннинг мазмунидан ҳам хабардор бўлишини тақоза этади. Бу эса ўқитувчи ва талаба ўртасидаги доимий ижодий муносабатни амалга оширишни талаб этади. Улар ўтилган материалларни қайтариш, янги материалларни тушиниш учун замин эканлигини тушиниб етадилар, барча топшириқларни ўз вақтида бажаришга фаолик кўрсата бошлайдилар. Талабаларни ЖБ, ОБ ва ЯБ лар билан баҳолар эканмиз албатта уларнинг ютқ ва камчиликларини ёритиб беришимиз, жабовларини ёки ёзма бажарган ишларини тахлил қилишимиз лозим. Чунки фан ўқитувчиси талабанинг семестр давомида бажарган ишлари, фаол иштироки ва бошқа жавобларини аниқ ҳисобга олиб бормаса ва натижавий баллни чиқарганда қисқача изохлаб бермаса уларга қўйилган баҳонинг тўрилигига шубҳа туғилиши мумкин.

Талаба ўз билимининг қандай ютуқ ва камчилиги борлигини тушиниб, нима учун унинг балли ошганлигини ёки пасайганлигини англагандагина у раъбатлантирувчи роль ўйнаши мумкин. Талаба ўз хатосини тушингач уни тўрлашга онгли равишда интилади. Акс ҳолда бу талабага ҳам унинг ўқишга бўлган муносабатига ҳам салбий таъсир этади. Унда тиришқоқлик, ўз билимига ва иқтидорига бўлган ишончи пасая боради, ўқитувчига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлиб уни "адолатсиз"га чиқариб қўяди.

Ўқитувчининг тўри ва адолатли асослаши, гарчи салбий характерда бўлса ҳам, талабани қаноатлантиради. Ўқитувчи билимни доим назорат этиб балл билан баҳолар экан, талабанинг ишига бўлган муносабатини айтиб ўтади. Эришган ютуқлари учун раъбатлантирса, камчилиги учун қойийди. У батараф қилиш мумкинлигини ҳам ижодий тайёргарлик пайтида асосий эътиборни нималарга қаратиш кераклигини кўрсатади. Бундай асослаш талаба ютуқларининг аниқ баҳоси бўлибгина қолмай, балки унинг бундан кейинги ўқишдаги вазифаларини ҳам бўлиб олишга ёрдам беради. Бу талабага умид уйғотади. Ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлайди ва ўқитувчи-устозга нисбатан ҳам эътиқодни янада кучайтиради. Энг асосийси улар келажакда ўз фаолиятларига танқидий кўз билан қарайдиган жиддий шахслар бўлиб етишадилар.

Бир сўз билан айтганда билимни тўри ва ҳаққоний баҳолаш ўқитувчининг педагогик фаолиятига ҳам катта таъсир кўрсатади ва қўйилган баҳога жавобгарлигини оширади. Баҳо талабага таъсир этиб, унинг ижодий ва салбий кечинмаларини жумбушга келтирувчи омил

сифатида намоён бўлади. Бу кечинмалар фақат бахонинг қандайлигига боʻлиқ бўлмай балки унинг талаба онгига қандай етказишига ҳам боʻлиқдир. Фақат юқорида айтиб ўтилган шартларга риоя қилиб ҳамма томон ҳисобга олинган ҳолда қўйилган объектив баҳо талабаларда ахлоқий-иродавий хусусиятларни таркиб топтиришга ёрдам беради.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Рейтинг назорати нима?. Унинг турларини гапиринг.
2. Тест ва тест турлари.
3. Тестни фойдаланиш йўллари.

11. Мавзу: Тарбия жараёнининг моҳияти ва мазмуни. Тарбия тамойиллари.

Мақсад: Талаба ёшларни тарбиянинг нима эканлиги, унинг инсон камолатидаги роли ҳақида тушунтириш.

Режа:

1. Тарбия жараёнининг умумий тавсифи.
2. Тарбия жараёнининг мақсад ва вазифалари.
3. Тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари.
4. Тарбия тамойиллари.

Таянч тушунчалар. Тарбия, тарбия жараёни, тарбия мақсади, тарбия вазифаси, тарбиянинг хусусиятлари, тамойиллари.

Адабиётлар.

1. Педагогика. Талабалар учун ўқув қўлланма. А.Мунавварова таҳрири остида. Т. Ўқитувчи 1996 йил, 198-бет.
2. Б.Зиёмухаммедов. Маърифат асослари. Т. 1998 йил.

3. И.Турсунов. У.Нишонлаев. педагогика. Т. Ўқитувчи 1997 йил 230-бет.
4. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар концепцияси. Маърифат газетаси. 1993 йил 3 март.

Тарбия назарияси педагогика фанининг бир қисми бўлиб, тарбия жараёнининг мазмуни, усули ва ташкил этилиш масалаларини ўрганади. Ҳаётга янгича сиёсий ва иқтисодий нуқтаи назаридан ёндошиш ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси билан боғлиқ жараён мазмунини ҳам қайтадан кўриб чиқишни тақазо этмоқда.

Тарбия назарияси Марказий Осиё мутафаккирлари ва халқ педагогикасининг тарбияси борасидаги бой тажрибаларга таянади. Тарбия назарияси ўз қоидаларини асослаш учун фалсафа, социология, этика, эстетика, физиология, психология каби фанлар маълумотларидан фойдаланади. Тарбия назарияси педагогиканинг бошқа бўлимлари: педагогиканинг умумий асослари, таълим назарияси ҳамда мактабшунослик билан узвий боғлиқ.

Тарбия шахсининг муайян мақсад асосида ижтимоий ҳаётга тайёрловчи тарихий-ижтимоий тажрибага суянган ҳолда олиб борилувчи фаолият жараёнидир. Бошқачароқ талқин этилганда, тарбия ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама вояга етказиш, унда ижтимоий онг ва хулқ-атворни таркиб топтиришга йўналтирилган фаолият жараёнидир.

Турли замон ва маконда ижтимоий тарбия моҳияти турлича бўлиб, унинг мазмуни ижтимоий мақсадлардан келиб чиқиб асосланган. Турли макон ва замонда ғояси турлича ифодаланган бўлсада, аммо йўналтирувчанлик хусусияти ҳамда объектига кўра яқдилликни ифода этади.

Тарбия хусусида таниқли ўзбек педагоги А.Авлоний шундай дейди: «Ал-Ҳолис тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё момот, ё паноҳ, ё соадат, ё фалокат масаласидир». Ушбк фикрлардан англадикки, шахс тарбияси хусусий эмас, балки ижтимоий, миллий илмдир. Зеро, ҳар бир халқнинг тараққий этиши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий мустақилликни қўлга киритгач, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида туб ислоҳатлар олиб борилмоқда. Ислоҳатларнинг асосий ғояси Республиканинг ривожланиши ва тараққиёт йўли деб эътироф этилган демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий жамиятнинг барпо этиш учун хизмат қилади. Демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий жамиятнинг барпо этиш вазифаси ўсиб келаётган ёш авлод зиммасига юкланади. Ўзбекистон Республикасининг «таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қатор асар ва

нутикларида, чунончи «Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққийотининг пойдевори», «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» номли асарларида мустақил Республикада ижтимоий тарбияни йўлга қўйиш мақсади ва вазифалари белгилаб берилган.

Тарбия-шахсни мақсадга мувофиқ такомиллаштириш учун уюштирилган педагогик жараён бўлиб, тарбияланувчининг шахсига мунтазам ва тизимли таъсир этиш имконини беради.

Тарбия жараёни ўзаро боғлиқ бўлган икки фаолиятни ўқитувчи ва ўқувчи ўз ичига олади. Тарбия жараёнида ўқувчининг онги шакллана боради. Хис-туйғулари ривожланади, ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ижтимоий алоқаларни ташкил этишга хизмат қиладиган хулқий одатлар ҳосил бўлади. Тарбия жараёнида болаларнинг ҳаёти ва фаолиятини педагогик жиҳатдан тўғри уюштириш ғоят муҳимдир. Фаолият жараёнида бола ташқаридан келаётган тарбиявий таъсирларга нисбатан маълум муносабатда бўлади. Бу муносабат шахснинг ички эҳтиёж ва хоҳишларини ифодалайди. Психолог ва педагогларнинг тадқиқотлари шахсга ташқи омилларнинг ҳоҳ салбий, ҳоҳ ижобий таъсири боланинг уларга муносабати боғлиқлигини кўрсатади. Бола фаолиятини уюштиришгина эмас, балки тарбияланувчининг бу фаолиятга нисбатан қалбида пайдо бўлаётган муносабатини, турли кечинмаларни қандай англашни баҳолашни хис қилиниши. Улардан ўзи учун нималарни мақсад қилиб олаётганлигини билиши зарур. Буларнинг барчаси турли кишилар билант алоқа қилиш, жамоадаги муносабатлар мураккаблашиб боради.

Тарбия жараёнида ўқитувчининг онгинигина эмас, балки хис-туйғуларини ҳам ўстириб бориш, унда жамиятнинг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келадиган хулқий малака ва одатларни ҳосил қилиш лозим. Бунга эришиш учун ўқувчининг онгига, хиссийети ва иродасига таъсир этиб борилади. Агар буларнинг бирортаси эътибордан четда қолса, мақсадга эришиш қийинлашади. Тарбия жараёнига ўқитувчи раҳбарлик қиладиган, ўқувчилар фаолиятини белгилайди, уларни ижтимоий жараёнда иштирок этишлари учун шарт-шароит яратади.

Ижтимоий жараёнда фаол иштирок этиш орқали ўқувчиларнинг мустақиллиги ижодий ташаббускорлиги ортиб боради. Фаолият ўқувчилар жамоаси манфаати ва истаги асосида уюштирилса, бу жараёнда боланинг тенгдошлари ва ўз-ўзини англаш жараёни тезлашади. Бола ўз хулқи, хатти-ҳаракати учун жамоа олдида жавобгарликни сезишга эришгач ижрочи эмас, балки умумий ишнинг фаол қатнашчиси бўлиб қолади.

Тарбияни самарали йўлга қўйиш учун унинг ҳаракатлантирувчи кучини тарбия жараёнининг манбаини яхши билиш ва ҳисобга олиш муҳимдир. Бу тарбия жараёнидаги ички ва ташқи қарама-қаршиликдан иборат.


Тарбияда ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Бу жиҳат унитилса, қарама-қаршиликлар вужудга келади.

Фаолият жараёнида ҳосил бўлган малака ва одатлар ахлоқ меъёрларига риоя қилишни енгиллаштиради.

Демак, тарбиячи бола шахсининг тез ривожланадиган даври ўқувчилик йилларида унинг онгига турли-туман фаолият, ўқиш, меҳнат, ижтимоий, излар, ўйин, спорт, бадиий ҳаваскорлик ёрдами билан махсус таъсир этиш мумкиндир.

Тарбия яхлит жараёнда амалга оширилади, унинг таркибий қисмлари ҳам айна бир вақтда, фаолиятнинг бирор тури асосида амалга оширилади.

Умумий педагогик жараёнда тарбия муҳим ўрин тутди. Шахсий шакллантириш бошқарув, назорат характериға эға бўлиб, бу борада белгиланган вазифалар тасодифий ҳаракатлар орқали эмас, балки олдиндан белгиланган ва пухта ўйланган режалар асосида ҳал этилиб борилади. Тарбия жараёнида унинг мақсади, шакл ва истедодлари, шахсининг ўзини-ўзи тарбиялаш ва қайта тарбиялаш жиҳатлари муҳим ўрин тутди. Тарбия мазмуни ижтимоий тузим буюрмаси асосида белгиланиб, унинг амалга ошиши учун маълум шарт-шароитларнинг мавжудлиги талаб этилади. Ушбу ғоялар яхлит тарзда қуйидагича акс этади:



Тарбия мақсад-ижтимоий жамият тараққиёти, унинг ривожланиши, йўналиши ижтимоий муносабатлар мазмунидан келиб чиқиб белгиланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ташкил этилаётган тарбиянинг асосий мақсади комил шахсни тарбиялаб вояга етказишдан иборатдир.

Тарбия жараёнининг натижаси баркамол шахсни шакллантиришдир. Бу жараён икки томонлама бўлиб, уюштириш ва раҳбарликни, шунингдек, ўқитувчи шахсининг ўзи томонидан фаоллик кўрсатишини тақоза этади. Бу жараёнда педагог етакчи роль ўйнайди. Чунки у ижтимоий тарбиянинг умумий мақсадлари моҳиятини тушунади, мақсад йўлида амалга ошираладиган вазифалар тизимидан яхши хабардор, тарбия шакллари, методлари ва усуллари асосли, илмий тарзда танлаб олади ва тарбия жараёнига татбиқ этади.

Тарбия жараёнининг моҳиятини тарбияга ҳар томонлама ёндошиши билан муваффақиятли тарзда илмий таҳлил қилиш мумкин.

Шахсининг кўпдан-кўп ҳислатлари бир-биридан ажратилган эмас, балки ўзаро мустаҳкам боғланган. Тарбия жараёнида боланинг шахсияти айрим-айрим эмас, балки яхлит равишда ривожланади.

Бола ўсиб ва ривожланиб борган сари тарбия вазифалари мураккблашиб, чуқурлашиб, табақалашиб боради.

Яхлит ёндошиш объектив равишда ақлий, ғоявий, сиёсий, ахлоқий меҳнат, этотик, жисмоний, экологик, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий тарбия бирлигини ўқувчиларнинг онги, хулқ-атвори ва оммавий шакллари қўшиб олиб борилишини таъминлайдиган педагогик жараённи вужудга келтириш ва бу жараёнларга амал қилишни талаб этади.

Ижтимоий тарбия жараёни шахсининг ижтимоий фазилатларини шакллантиришга, унинг атроф-теваракка, жамиятга, одамларга, ўзига нисбатан муносабатлари доирасини вужудга келтиришга, кенгайтиришга қаратилган. Бахс иштирок этадиган ижтимоий муносабатлар тизими қанчалик кенг, хилма-хил бўлса, унинг маънавий дунёси шунчалик бой бўлади.

Ўз табиатига кўра тарбия жараёни кўп омилли характерга эга. Яъни бола шахсининг қарор топиши, оила, мактаб, жамоатчилик ижтимоий муҳит, шунингдек, вазиятлар хилма-хиллиги бевосита ва билвосита таъсирлари остида рўй беради.

Тарбия жараёнининг натижалари одатда бир хил тавсифда бўлмайди. Бу нарса ўқувчиларнинг психологик, индивидуал-типологик, физиологик ва жисмоний хусусиятларига, уларнинг ҳаёти ва маънавий тажрибасига, шахсий позициясига боғлиқ.

Тарбия жараёни одатда ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини қайта тарбиялаш, боланинг атроф-муҳитдаги у ёки бу ҳодисалар билан салбий алоқаси натижасида вужудга келадиган муносабатлар ва шахс хусусиятларини бартараф этиш билан қўшиб олиб борилади.

Ўзини-ўзи тарбиялаш шахснинг ўзида ижтимоий қадрга эга бўлган фазилатларни ҳосил қилиш ва такомиллаштиришга ҳамда, салбий хислатларни бартараф этишга қаратилган ички фаолият сифатида таърифланади.

Ўзини-ўзи қайта тарбиялаш шахснинг ўзидаги салбий одатларни тавсифидаги зарарли сифатларни йўқотишга, бартараф этишга қаратилган ички фаолият мазмунидир. Бола ҳулқидаги оғишлар оиладаги носоғлом муҳит, ота-онанинг тарбияга йўл қўйилган хатолари, ўқитувчи фаолиятидаги камчиликлар асосида вужудга келади. +айта тарбиялаш жараёнида салбий ҳулқ қосил қилган сабаб шароит ўзгартирилади, қайта тарбиялашда мактаб ва шахснинг шахсий таъсирини оила, ота-она ҳам маъқуллаши лозим.

Демак, қайта тарбиялаш ўқувчининг ўзигагина эмас, балки унинг ота-онасига ҳам қаратилиши лозим.

Ижтимоий тарбияни ташкил этиш жараёнида бир қатор вазифалар ижтимоий тарбия мақсадидан келиб чиқиб белгиланади. Мустақил Ўзбекистон Республикасида айни вақтда ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишга қаратилган жараёнда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш муҳим аҳамият касб этмоқда:

А). Ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш уларда кенг дунёқарашни таркиб топтириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндошув, режа ва амал бирлиги хиссини уйғотиш.

Б). Ўқувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятларда огоҳ этиш, чуқур билимга, тафаккурга эга ёшларни тарбиялаш малакаларини тобора бойитиш.

В). Умуминсоний халқ меъёрларини англашни одамийлик, камтарлик, ўзаро ёрдам меҳр-муҳаббат, мурувват, адолатни ёқлаш, ахлоқсиликка қарши нафрат ва ҳақозолар муомила одоби, юксак, маданиятни ўқувчи ларда қарор топтиришга эришиш.

Г). Ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга ҳурмат руҳида ёндошиш, ўқувчиларда фуқаролик туйғусини, ижтимоий бурчга масъулликни қарор топтириш.

Д). Тарбияни муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни юзага келтириш борасидаги масъулиятни таркиб топтириш.

Е). Ватанпарварлик ва байнаминаллик туйғусини шакллантириш, ўзга миллат ва халқлар қарашларига ҳурматни, ҳуқуқ ва бурчларни камситмаслик туйғусини қарор топтириш.

З). Мустақил давлат Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига тўғри ва ҳолисона баҳо беришга ўргатиш.

И). Инсонни олий қадрият сифатида кадрлаш, унинг шаъни, ор-номуси, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва бурчларини қилишга ўргатиш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ижтимоий тарбиянинг умумий вазифалари шулардан иборат.

Шу билан бираг тарбия турлари ахлоқий, ақлий, жисмоний, эстетик, экологик, иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий тарбилар ўзининг хусусий мақсадидан келиб чиққан бир қатор вазифаларни амалга оширади. Чунончи:

А). Ахлоқий тарбияни ташкил этиш жараёнида ўқувчиларни ижтимоий-ахлоқий меъёрлар мазмунидан хабардор этиш, уларга ахлоқий меъёрларнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини тушунтириш, уларда ижтимоий-ахлоқий меъёрларни талаб ва тақиқларга нисбатан ҳурмат хиссини қарор топтириш асосида ақлий онг маданиятини шакллантириш.

Б). Ақлий тарбияни йўлга қўйиш чоғида ўқувчиларни илм-фан, техника ва технология борасида қўлга киритилаётган ютуқлардан, янгилик ва кашфиётлардан бохабар этиш, уларга ижтимоий фанлар асослари хусусидаги билимларни бериш тарзида уларга тафаккур қобилиятини қарор топтириш, дунёқарашни шакллантириш.

В). Жисмоний тарбияни ташкил этиш жараёнида ўқувчиларда ўз соғлиқларини сақлаш ва мустаҳкамлаш, организмни чиниқтириш, жисмоний жиҳататдан тўғри ривожланиши ҳамда унинг ишлаш қобилиятини ошириш борасидаги ғамхўрлик қилиш туйғусини юзага келтириш, уларда янги ҳаракат турлари борасида кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, уларни махсус билимлар билан қуроллантириш, ўқувчиларнинг ёшига, жинсига мувофиқ келадиган куч, тезкорлик, чاقқонлик, сабот, матонат, чидам, ирода ва тавсифни қарор топтириш, асосий ҳаракат сифатларини ривожлантириш, уларда шахсий гигиенани сақлашга нисбатан онгли муносабатларни тарбиялаш.

Г). Эстетик тарбияни олиб бориш жараёнида ўқувчиларда эстетик хис-туйғу, эстетик дидни тарбиялаш, уларнинг ижодий қобилиятларини тараққий этиш, эстетик маданиятни шакллантириш.

-экологик тарбияни олиб бориш чоғида ўқувчиларга экологик билимлар бериш асосида шахс, жамият ва табиат бирлиги ҳамда алоқадорлигини ўқувчиларга тушунтириш, уларда экологиянинг инсон, инсоният, жамият тараққиётидаги муҳим ўрин ва аҳамияти борасида тушунчаларни қарор топтириш, шунингдек, экологик маданиятни шакллантириш:

-иқтисодий тарбияни ташкил этиш жараёнида ўқувчиларга иқтисодий билимларни бериш асосида мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, бозор инфраструктураси қондиларига амал қилиш, ички бозорни тўлдириш, кичик ва ўрта бизнесни яратиш борасидаги фаолият жараёнида иштирок этиш, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, инсон меҳнати билан бунёд этилган моддий бойликларни асраш, уларни кўпайтириш борасида қайғуриш туйғуларини қарор топтириш, иқтисодий маданиятни шакллантириш:

-ғоявий ва сиёсий билимларни бериш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, фуқаролик жамияти асослари, миллий давлат тузилиши, давлат муносабатлари тизими фаолиятлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсати мазмунини ўрганиш таъминлаш асосида ўқувчиларда сиёсий фаолият кўникма ва малакаларни қарор топтириш, сиёсий маданиятни шакллантириш ва бошқалар.

Тарбия мазмунида олдинга қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар, шахс хулқ-атвори ҳамда сифатлари моҳияти акс этади. Тарбия мазмуни ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, кишилик муносабатлар моҳияти ва даражаси, шунингдек, жамият мафқураси ғояларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Замонавий тарбия мазмунида қўйиладиган қуйидаги ғоялар ётади:


1. Тарбия мақсадининг аниқлиги, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий сиёсий мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Республикада амалга оширилувчи кўзда тутилаётган тарбия мақсади аниқ белгилаб олинади. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» ги қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларга кўра ижтимоий тарбиянинг асосий мақсади эркин, ижодкор, мутақил фикр эгаси, бўлган комил инсонни тарбиялаб вояга етказишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш йўлидаги асосий восита бу, шахсда умумий маданиятни таркиб топтиришдир, яъни, шахснинг ақлий, ахлоқий, жисмоний, эстетик, иқтисодий, экологик, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда меҳнат маданиятини тарбилаш каби тарбиянинг бош мақсадини амалга ошириш имкониятини яратди.
2. Болалар ва катталарнинг биргаликдаги фаолияти. Ўқитувчиларнинг болалар билан маънавий маданияти энг яхши намунасини излаши, шу асосда тарбиячи ишнинг ҳаётий меъёр ва кадритяларининг ишлаб чиқиши ўқувчининг тарбия жараёнида фаоллигини таъминлашга олиб келади. Дунёқараши хали тўла

тўқис шаклланмаган болалар учун каттларнинг ҳаётий тажрибалари ҳамда уларнинг шахсий намуналари катта тарбиявий таъсирга эга.

3. Ўз-ўзини англаш. Тарбия инсонда эътиқод, демократик қарашлар ва ҳаётий позициянинг шаклланишига олиб келади. Тарбия мазмунининг энг муҳим жиҳатларидан бири-бу инсоннинг ҳаётида ўз-ўзини англаш инсоннинг ўз шахсий ҳаёти ва бахтининг субъекти сифатида эътироф этилиши билан тавсияланади. Инсон камолатида фуқаролик, касбий ва ахлоқий ўз-ўзини англаш жиҳатлари муҳим аҳамиятга эгадир.
4. Тарбиянинг шахсий йўналтирувчанлиги. Мазкур ғоя мактаб, таълим муассасаларида, амалиётнинг марказий нуқтасида тарбиявий ишлар дастури, тадбирлари, шакл, метод ва воситалари эмас, балки ўқувчи турганлигини ағнлатишга ғизмат қилади. Тарбия жараёнида унинг шахсий хусуиятлари, қизиқишлари, ўзига хос характери, ўз кадр-қиммати аглаш туйғулари ривожлантирилиб борилиши зарур.
5. Ихтиёрийлик. Тарбияланувчиларнинг ирода эркинлигисиз тарбия ғоялари моҳиятини қарор топтириш мумкин эмас. Тарбия жараёни, агар у оқилона ташкил этилса, бир вақтнинг ўзида ўқувчи маъанвиятининг ҳам бойитилишга хизмат қилади. Агар тарбия, ўқитувчи, ўқувчининг қизиқиши, фаолияти, ўртоқлик ва фуқаролик бурчини аглаш, мустақилликка интилиш туйғуларини кўра ва ағнлай олсагина унинг иродали эканлиги таъминланган шароитда унинг шахсига таъсир кўрсатишга йўналтирилган фаолиятда самараг эришилади.
6. Жамоа йўналиши. Тарбиявий ишлар мазмунида жамоага нисбатан ижобий мунрсабатни қарор топтириш ётади. Жамоа ёрдамида шахснинг ҳар томонлама тараққиёти унда дунёни аглаш ва уни тўлақонлик талқин этиш, инсонпарварлик ва ҳамкорлик туйғуларининг юзага келиши ва ривожланиб бориши амалга оширилади.

Замонавий педагогик жараёнда тарбияланувчига: ақлий, эстетик, ахлоқий, жисмоний, сиёсий, иқти содий, экологик ҳамда диний тарбия олиш лозимлигини уқтиришнинг ўзига самара беради. Ўқувчи учун юқорида номлари қайд этилган тарбияларнинг нима учун кераклиги, уларнинг инсонга нима бера олиши масалалари қизиқарли ривожланган. Хорижий мамлакатлар тарбия тизимида муаммонинг мана шу жиҳати биринчи ўринга қўйилмоқда. Юқорида қайд этилган ғоялар ташкил этилган педагогик жараёнда-етук фуқаро, малакали мутахассис ҳамда баркамол оила соҳибини тарбиялаб вояга етказиш учун хизмат қилиши лозим.

Замонавий тарбия мазмуни, ғоялари яхлит тарзда қуйидаги кўринишга эга бўлади: чизма.



Ижтимоий тарбия мақсади ҳамда вазифаларини амалга ошириш учун тарбия жараёнининг хусусияларини англаб олиши муҳим аҳамиятга эга.

Тарбия жараёни ўзига хос хусусиятларга эга. Унинг энг муҳим хусуияти аниқ мақсадга йўналтирилган.

Замонавий талқинда тарбия жараёни ўқитувчи ва ўқувчи, тарбиячи ва тарбияланувчилар ўртасига муайян мақсадга эришишга қаратилган самарали ҳамкорлик демакдир. Зеро, тарбия жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятлари ташкил этилади, бошқарилади ва назорат қилинади. Ягона мақсад унга эришиш йўли замонавий тарбия жараёни мақсадини тавсифлайди.

Тарбия жараёни кун қирралари жараён бўлиб, унда тарбия моҳиятини ёритишга хизматқилувчи ички ва ташқи, субъектив ва объектив, омиллар ўртасида кўзга ташланади. Субъектив омиллар шахснинг ички эҳтиёжлари, қизиқишлари, ҳаётий муносабатларини англатишга ёрдам берса. Объектив омиллар шахснинг ҳаёт кечириши, шаклланиши, ҳаётий маумоларини ижобий ҳал этиши учун шароит яратади. Тарбия фаолиятларининг мазмуни, йўналиши ва шакли объектив шароитлар билан қанчалик мутаносиб келса, шахсни шакллантириш борасида шунчалик муваффақиятга эришилади. Тарбия жараёнининг ташкил этилиши ва бошқарилишига нафақат ўқитувчи фаолияти, балки ўқувчининг ёш психологик хусусиятлари, ўй-фиклари, ҳаётий қарашлари ҳам муҳим ўрин тутди.

Тарбия жараёнининг яна бир хусусияти унинг узоқ муддат давом этилишидир. Тарбия натижалари туз суръатда яққол кўзга ташланмайди. Ўзида инсоният сифатларининг намаён эта оладиган шахсни тарбиялаб вояга етказишда узоқ муддатли давр талаб этилади. Шахснинг муайян вақтнинг ўзида турли-туман қарашлар мавжуд. Шароитда ҳаракат қилиши тарбия жараёни мураккаблаштиради. Мактаб тарбияси шахс онгини, дунёқарашини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Чунки ёшлик йилларида инсонда одоб тизими юқори даражада таъсирчан ҳамда беқарор бўлади. Шу боис тарбия муваффақияти айна ўқувчилик йилларида шахсга тўғри тарбия бериш лозимлигини талаб этади. Тарбия жараёнининг яна бир хусусияти унинг узлуксизлиги саналади. Тарбия жараёни бу, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги узлуксиз, тизимли ҳаракатлари жараёнидир. Ўқувчиларда ижобий сифатларни қорор топтиришга ягона мақсад сари йўналтирилган бир-бирини тўлдирувчи, бойитиб боровчи, такомиллаштирувчи алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис оила, таълим муассасалари, жамоатчилик ҳамкорлигида ташкил этилаётган тарбиявий тадбирларнинг узлуксиз ўтказилишига эришиш мақсадга мувоффиқдир.

Мактаб ёшшидаги болани тарбиялашда мактаб етакчи ўрин эгалласа ҳам, болаларга узлуксиз тарбиявий таъсир ўтказа олмайди, чунки болалар маълум муддатгина мактабда, ўқитувчининг тарбиявий таъсири остида бўлиб, қолган вақтнинг асосий қисмини оилада, кўчада, жамоат орасида ўтказадилар. Кузги, қишки, баҳорги ва айниқса, ёзги таътил давларида ўқувчилар мактаб ўқитувчи таъсиридан четда қоладилар. Демак, мактабда

болаларни тарбиялаш вақт жиҳатидан чегараланган бўлиб, синфдан ва мактабда ташқарида амалга ошириладиган тарбиявий ишлардан холи вақтда улар ўқитувчи ёки тарбиячининг тарбиявий таъсири ҳамда назоратидан узоқлашадилар.

Ўқувчиларга нисбатан мактаб, таълим муассасасининг таъсирини сусайтирмаслик мақсадида синфдан, мактабдан ташқарига ва таътил даврларида тарбиявий ишларига алоҳида эътибор берилади.

Айни вақтда Республикада ўқувчиларнинг таълим тарбия муассасаларидан узоқлаштирилмаслик мақсадида қўшимча таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. +қўшимча таълим муассасаларида ўқувчилар хусусий фанлар ҳамда хорижий тилларни мукамал ўрганишлари, амалий фаолият кўникма ва малакаларига эга бўлишлари мумкин. +қўшимча таълим муассасаларида ташкил этилаётган турли йўналиш ва мавзулардаги учрашувлар, кўрганмалар, кўриклар, суҳбатлар ўқувчиларнинг тафаккур дунёсини бойитишда, уларда мустаҳкам тасиф ва иродани таркиб топтиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Тарбия жараёнининг яна бир хусусияти бу унинг яхлит тарзда тизимли ташкил этилишидир. Яхлитлик шундан иборатки, тарбия жараёнининг мақсади, мазмуни, вазифалари ва методларининг бирлик шахсни шакллантириш ғоясини амалга ошириш учун хизмат қилади. Бизга маълумки, шахс сифатлари навбатма-навбат эмас, балки яхлит тарзда ўзлаштирилиб борилади, шу боис педагогик таъсир ҳам яхлитлик, тизимлилик характерига эга бўлиши лозим.


Тарбия жараёнининг яхлитлик, тизимлилик хусусияти бир қатор муҳим педагогик талабларга амал қилиши ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги ҳақорликни эҳтиёкорлик билан қарор топтиришни талаб этади.

Икки томонлама алоқа икки йўналишда, яъни, ўқитувчининг ўқувчига нисбатан кўрсатадиган таъсири, тўғри алоқа, ҳамда ўқувчининг ўқитувчина нисбатан муносабати, тесқари алоқа, тарзда ташкил этилади.

Тарбиянинг педагогик технолгияси назарияси ғоясига мувоффиқ, эндиликда ўқувчи тарбия жараёнининг объективлиги бўлиб, қолмасдан субъекти сифатида ҳам фаолият кўрсатади. Шунинг учун ўқитучи ўқувчининг ички имкониятларини, унга нисбатан бўлаётган ташқи таъсирларни ахборот манбаларини инбатга олиш зарур. Агарда мазкур талаб унитилса, шахсий тарбиялаш қийинлашади, ёки барча уринишлар самарасиз яқун топади. Мана шундан тарбия жараёнининг яна бир хусусияти-тарбияда қарама-қаршиликларнинг ғоят кўплиги келиб чиқади.

Тарбия жараёни қонуниятлари.





Тарбия жараёнининг муваффақияти уни ташкил этишда қандай тамойилларга кўра иш кўриладилигига ҳам боғлиқ.

Тарбия тамойиллари деб ёш авлодни тарбиялаш мақсадидан келиб чиқадиган ва комил инсонни тарбиялашнинг мазмунига ва йўналишига қўйиладиган энг муҳим талабларни белгилаб, берувчи асосий ғоя ва қоидалар йиғиндисига айланади.

Тарбия тамойиллари ўқитувчи, тарбияланувчиларга йўл-йўриқ кўрсатувчи қоидалар бўлиб, ёш авлодни тарбиялаш, баркамол инсонни шакллантириш вазифаларига муваффиқ белгиланади, шунингдек, улар шахс тарбияси борасидаги илғор таълимотлар ғояларига ҳамда педагогика фанида эришилган ютуқларга асосланади.

Тарбия тамойиллари, тарбия жараёни қонуниятларини акс эттиради.

Тарбия жараёни илғор тамойилларга амал қилиниши унинг самарасини таъминлайди. Тарбия тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- Тарбиянинг мақсади йўналтирилганлиги ва ғоявийлиги:
- Тарбияда демократик ва инсонпарварлик ғоялари устунлиги:
- Тарбияда миллий, умумбашарий қадриятлар устунлиги:
- Тарбияда изчиллик ва тизимлилик:
- Тарбияни ижтимоий ҳаёт билан қўшиб олиб бориш:
- Тарбияни меҳнат билан боғлаш:

- Тарбияланувчи шахсни ҳурмат қилиш:
- Тарбияда ўқувчининг ёш ва индивидуал хусусиятини ҳисобга олиш.
- Жамоа ва жамоа ёрдамида тарбиялаш:
- Тарбияда ўқувчи хулқидаги ижобий сифатларга таяниб, салбий томонларга йўқотиш.

Тарбиянинг мақсадга йўналтирилганлиги ва ғоявийлиги. Ўқитувчи ижтимоий тарбия мақсади ва вазифасини аниқ тасаввур этиш ва пухта англаб олиш зарур.

Ёш авлоддан юксак ғоявийлик руҳида тарбиялаш уларнинг онгига халқ, миллат, юрт, жамият манфаатларидан юқорироқ манфаати бўлиши мумкин эмаслиги сингдириши, уларни Ватанга, халққа муҳаббат руҳида ва мсадоқат қилиб тарбиялаш демакдир.

Бу соҳада мустақил Республика халқ таълими ходимларининг асосий вазифаси эркин, ижодкор мустақил фикрлаш қобилиятига эга, етуқ мутахассис комил шахсни тарбиялашдан иборатдир.

Мактабда ва мактабдан ташқарида олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг барчаси ижтимоий тарбиянинг мақсадини рўёбга чиқаришга йўналтирилиши зарур.

Тарбияда демократик инсонпарварлик ғоялари устунлиги.

Тарбияда инсон шахсини ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир бола, ўсмир ва ёш йигитнинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий хулқи ва эркинлигини ҳисобга олиш лозим. Тарбияни демократиялаш бу-тарбияни маъмурий эҳтиёж ва қизиқишлардан юқори қўйиш, тарбияи ва тарбияланувчи ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳамкорлик асосида педагогик муносабатлар моҳиятини ўзгартириш демакдир. Бу тарбия ишига жамоатчиликни жалб қилиш, унинг ривожланишига жамоат омилини киритиш демакдир. Ўқитувчи ўқувчига аввалгидек, тарбия объекти эмас, балки ўзи каби субъект деб қараши даркор. Яъни ўқувчини тенг ҳуқуқли, ҳамкор, ҳамфикр деб қараши лозим.

Тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятлар устунлиги.

Халқнинг кўп асрлик қадриятларини, улкан ва бой меросини чуқур билмасдан, миллий ўзликни англаш, миллий ғурур туйғусини қарор тортириш мумкин эмас. Шу боис халқ анъаналари, урф-одатлари, маросимлари, халқ оғзаки ижоди, миллий ўйинлар ва уларда ифодаланган ғояларни ўқитувчилар онгига сингдириш, уларда ушбу ғояга нисбатан ҳурматни қарор топтириш лозим.

Умумбашарият учун кадрли, ардоқли бўлган инсоният ўтмиши бугуни ҳамда келажаги учун дахл қилувчи кадр-қимматга, баҳога бўлган, анъанлар, урф-одатлар, маълумотлар бериш, уларга нисбатан меҳр-

муҳаббат уйғотиш, уларни қўллабқувватлаш улар учун курашиш хиссини қарор топтириш тарбия жараёнида амалга ошириш лозим.

Тарбияда изчиллик ва тизимлилик. Тарбияга яхлит тизимли ёндошиш тарбиянинг педагогик ҳаракатининг пироварод натижасига йўналтирилганлик даражасини белгилаб берилади.

Бундай педагогик мақсад ва вазифалар, унинг мазмуни тарбиявий жараёнининг барча қатнашувчилари томонидан тан олинishi шарт.

Тарбияда изчиллик жуда муҳим. Ўқувчиларга кўп талаб ва қоидаларни тақдим қилиш мумки эмас. Ўқитувчилар ўқувчиларга бўлган муносабат бир-бирига зид ҳаракатда бўлмасликлари, ягона талаблар қўйишлари лозим.

Тарбияни ижтимоий ҳаёт билан қўшиб олиб бориш. Ёш авлоднинг ўсиб улғайниши ва шахснинг шаклланишига ҳаёт, ижтимоий жамият таъсир этади.

Бу бир томондан бўлса, иккинчидан болаларни тарбиялашдан мақсад уни турмуш учун мустақил ҳаёт учун тайёрлашдир. Шундай экан, мактаб ва тарбия муассасаларида олиб бориладиган бўлиши керак.

Тарбияни меҳнат билан боғлаб олиб бориш. Меҳнатнинг тарбиявий таъсири ҳоҳияда каттадир. Меҳнатда иштирок этиш ва унумли меҳнат қилиш билан шахс ўз қобилияти ва истедодини намаён қилади ва камолга етказилади. Меҳнат ёш авлоднинг тарбияси учун жуда катта воситадир. Ўқув фаолияти ва ижтимоий фойдали меҳнат ўқувчига шахсига жиний таъсир этади. Бу икки фаолият бирлиги болани фаоллаштиради, ҳуққ бирлигини таъминлайди, ташаббускор, изланувчан қилади. Меҳнат болаларга сиёсий, маънавий тарбия бериш учун замин ҳозирлайди. Шунинг учун оила ва мактабларда болаларни илк ёшлигидан бошлаб меҳнатсеварлик руҳида меҳнатга муҳаббат ва ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилади. Мактабда ўқишнинг ўзи ҳам меҳнатдир. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг аксарияти, ҳам меҳнат тарбияси билан мустаҳкам боғланган.

Тарбияланувчи шахсий ҳурмат қилиш. Ўқувчиларни ижтимоий тарбиялашни муҳим тамойилларидан бири шахсий ҳурмат қилишдир. Бу тамойил инсонпарварлик муносабатидан кели чиқади.

Ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш ва уларга меҳр-муҳаббат ва ишонч билан қўшиб олиб борилиш керак. Таҷрибаларнинг кўрсатилишига қараб, қаердаги ўқувчиларга ҳурмат, муҳаббат, ишонч бўлсада шу ерда тарбиянинг таъсири самарали бўлади. Болаларга ҳурмат ва муҳаббат улар кучига куч ўқитувчига нисбатан ҳурматни уйғотади.

Демак юқорида баён этилган фикр мулоҳазаларга таянган ҳолда қуйидагича хулоса чиқариши мумкин:

1. Тарбия-ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама вояга етказиш, унда ижтимоий онг ва ҳуқ-атворини тартиб топтиришга йўналтирилган фаолият жараён бўлиб, ҳар қандай ижтимоий тузум ва замонда ижтимоий муносабатлар мазмунини аниқлаш, уларни ташкил этиш асоси бўлиб келган.
2. Ёш авлод тарбияси турли макон ва замонда муайян мақсад асосида ташкил этилади. Ижтимоий тарбияни йўлга қўйиш жараёнида бир қатор вазифалар ҳал этилади. Тарбиянинг мақсад ва вазифалари ижтимоий тузум моҳияти тараққиёт даражаси ижтимоий муносабатлар мазмуни шунингдек, жамият фуқароларнинг дунёқараши, интилишлари орзу ниятлари асосида белгиланади.
3. Тарбия дараёнининг хусусиятларини чуқур англаш ва уларни инобатга олган ҳолда тарбияни ташкил этиш, олдига қўйилган мақсадга эришиш, шунингдек, вазифаларни ижобий ҳал этиш имконини беради.

Саволлар:

1. Тарбия жараёнини қисқача тавсифланг.
2. Тарбия мақсади нимадан иборат.
3. Тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг.
4. Тарбия вазифалари нималардан иборат.
5. Тарбия тамойилларини биласизми.

12.Мавзу: Тарбиянинг умумий методлари ва турлари.

Мақсад: Талабаларга тарбия услубларининг моҳияти ва уни қўлланилиш усулларини ўргатиш.

Режа:

1. Тарбия методлари ҳақида тушунча.
2. Тарбия усулларига тавсиялар.
3. Тарбия методларининг турлари.

Таянч тушунчалар. Тарбия методлариб йўл, усул, тушунтириш, намуна, насихат бериш, ҳикоя, педагогик талаб, рағбатлантириш, жазолаш методлари.

Адабиётлар.

1. Педагогика. Талабалар учун қўлланма. А.Мунавваров таҳрири остида. Т. «Ўқитувчи». 1996 йил.
2. Педагогика. И.Турсунов. У.Нишоналиев. Т. «Ўқитувчи». 1997 йил.
3. Педагогика. Р.Мавлонова. О.Тўраева. К.Холиқбердиев. Т. «Ўқитувчи» 2001 йил. 352-бет.

Тарбия методлари ҳақида умумий тушунча.

Тарбия методлари (усуллари)-ўқитувчи тарбиясининг ўқувчисиларга таъсир кўрсатиш усуллари уларга ижобий ҳулқ-атвор кўникмалари ва малакаларини сингдириш мақсадида уларни ҳаёти ва фаолиятини тарбиявий жиҳатдан тўғри ташкил этиш йўллари дир. Тарбия усули деб, ўқитувчини болаларда ахлоқ-одоб фазилатларини таркиб топтириш мақсадида уларнинг онги ва иродасига таъсир этиш йўллари га айланади. Тарбия усуллари тарбиянинг мақсади ва мазмунидан келиб чиқиб, комил инсон шахсини тарбиялашга қаратилгандир.

Аждодларимиз давр синовидан ўтган ажойиб инсоний фазилатлар ҳамда уларни амалга ошиш усул ва воситаларни яратганлар, шу асосда ёшларни ҳаёт талабларига жавоб берадиган кишилар қилиб тарбиялаб келганлар. Болаларда инсоний хис-туйғуларни тарбиялашнинг асоси кишиларга меҳр-муҳаббат қўйиш, иззат-хурмат билан муомала қилиш, инсоний ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, кадрлар кишилар олдидаги ўз бурчини англаш, одамларга нисбатан самимий, ҳалол ва ростгўй бўлиш каби одоб ва ахлоқ қоидаларини ўз ичига олади. Бу тарбиялар тарбиячи томонидан амалга оширилади, улар билим ва тарбияга эга бўлган кишилар дир. Тарбиячилар муайян даражада актив фаолият кўрсатишлари зарур. Тарбия усули-тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг ҳамкорлигидаги фаолият ва ўзаро таъсир кўрсатиш усуллари дир. Илмий адабиётларда тарбия усуллари тарбия методлари деб ҳам ишлатилади. Метод сўзи грекчадан олинган бўлиб, йўл, усул маъносини билдиради, тарбия шакллари дан

фойдаланилади. Масалан: синф мажлиси йиғилишлари, эрталабки ленейка, клуб ишлари ва бошқа тарбия воситалари бирон бир тарбиявий масалаларни мақсадга мувофиқ йўл билан ҳал қилишни ташкил этиш учун ишлатилади (кўрсатмали қуроллар, қўлламанмалар, китоблар, радио, телевидение ҳамда видео лавҳалар). Бундан ташқари видеофилмлар, кинофилмлар, санъат асарлари, болалар ўйини, спорт, бадий хаваскорлик тўғараклари ва бошқалар. Фаолият турлари тарбия воситалари бўлишсин. Масалан: мактаб кутубхонаси тарбия воситаси бўлиши учун ўқитувчи ва кутубхоначи ёзувчилар учрашувлар уюштириши ҳамда ўқилган китоблар муҳокамасини уюштиришлари лозим.

Тарбия натижаси тарбиявий жараёни усуллари, услуги, воситалари ва шаклларидан моҳирона фойдаоанишга боғлиқ. Тарбиячилар таъсир этишни бола шахсига мос усулини энг маъқул усулини танлаб олишлари, унинг шахсини ўзгартириши учун шароит яратиш даркор.

Тарбия усуллари ҳар бир болага ҳар қайси болалар жамоасига алоҳида муносабатда бўлишни назарда тутлади. Тарбия ғоятда мураккаб жараён бўлиб, ҳар даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўзида акс эттиради. Унинг усуллари, восита ва омиллари асрлар давомида шаклланиб такомиллашади, ўзини оқлаган урф-одатлар анъанага айланади. Тарбияда ҳар бир халқнинг ўз удуми, усули тарихан шаклланган ва тажрибада синалган дунёқараш воситалари бўлсада, шунинг учун тарбия миллий ва тарихий заминдан узулмаслиги керак.

Халқ педагогикаси ўзбекона ахлоқ-одоб ва тарбиянинг барча қирраларини ўзига мужассамлантирган. Халқ педагогикада турли хил тарбия усуллари ва воситалардан фойдаланилади, бу усул воситлар ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, кўп томонлари билан илмий педагогикадан устинлик қилади. Чунки бу усуллар илмий педагогикани шаклланишида ҳам ўз таъсирини ўтказган. Халқ педагогикасида қўлланилган жуда хилма-хил тарбия усуллари қуйидаги тарзда умумлаштириш мумкин.

1. Тушунтириш (ўрганиш, одатлантириш, машқ қилдириш).
2. Намуна (маслаҳат бериш, узр сўраш, яхшилиқлар ҳақида сўзлаш, ўрнак бўлиш).
3. Насиҳат бериш ўғитлар ундан (кўндириш, илтимос қилиш, ёлвориш, тилак, истак билдириш, мақуллаш, раҳмат айтиш, дуо қилиш, оқ йўл тилаш ва ҳақозолар).
4. +оралаш ва жазо (таъқиқлаш, таъна, гина, танбеҳ бериш, мажбур қилиш, койиш, айблаш, уялтириш, қўрқитиш, нафрат, онт қасам ичиш, уриш, калтаклаш ва ҳақозолар).

Агар синчкилаб қаралса юқорида келтирилган тўрт хил усул умум бир яхлитликни ифодалайди. Олдин болага умумий манзара тушунтирилади. Болалар нарса ва ходисаларга тушунтирсакларда

тарбия чи намуна воситасини ўтайди. Яъни ёшларнинг мустақил кузатувчанлигига эътибор берилади. Унда ҳам тушунмаган катталарни насихати, ўғити орқали нарса ва ходисларнинг моҳиятига ётадиган бўлишади. Бордию бунда ҳам тушунмаса, ёки тушунишни истамаса унда қорлаш ва жазо усулларидан фойдаланишга тўғри келади. Ҳозирги замон илмий педагогикаси қоралаш ва жазони сўнгги чора аниқ кам самара берадиган чора эканлигини исботлаган. Халқ педагогикасининг нодир намуналари тарбиявий усуллари ва тарбиявий таъсирлар муайян воситалар орқали амалга оширилган. Ҳашарлар, турли гурунглари, туғилган кунни нишонлаш, қизлар базми, йигитлар базми, мусобақалар, турли маросимлар ва бошқалар ўзига хлс тарбиявий восита вазифасини бажарган. Ўқувчи ёшларни тарбиялашда миллий анъаналар умуминсоний қадриятлар асос қилиб олиниши керак. Булар ўз навбатида янги тарбиянинг ўзгача мувофиқ услуб ва шаклларни тақоза этади. Инсон қалбига экилган яхшилик орада ўн йиллар униб чиқади. Буни илмий асослаб олдиндан кўра билиш керак. Тарбия методларнинг турлари.

Бу гуруҳга ўқувчиларда илмий дунёқараш эътиқодини, маънавий ва сиёсий ғояларни шакллантириш мақсадида уларни онги, ҳислари ва иродасига таъсир кўрсатиш усуллари киради. Бу гуруҳ усулларининг моҳияти шундаки, улар орқали жамият ўқувчилар онгига қандай талаблар қуяётгани ётқизилади. Ёшларни дунёқарашини шакллантириш ҳаёт мазмунини тушуниб олишларига кўмаклашиш учун ижтимоий онгни шакллантирувчи усуллар ишлатилади.

Ўқувчиларда сиёсий онглилик ва ижтимоий фаоллик яна давлатни ички ва халқаро сиёсати қоидаларини тушуниши ва идрок қилишини тарбиялаш лозим. Тушунтириш бу ижтимоий онгни шакллантиришда энг кўп ишлатиладиган усулдир. Тушунтиришнинг вазифаси ўқувчиларни юксак маданиятни миллий ғурурли тарбиялашда ёрдам беришдан иборат. Сухбат ва ҳикоя ўқувчи шаклсини ғоявий ва ахлоқий шакллантиришда ўқувчининг жонли сўзи энг таъсирли усул ҳисобланади. Сухбат учун мавзу танлашда унинг мазкур синф учун долзарблиги болаларда ахлоқий ишонч уйғотишнинг сухбат мазмунига бўлган муносабатларни сухбатдан кутилаётган натижани ҳисобга олиш лозим. Сухбат турли мавзуларда уюштирилади. Этик мавзулар эстетик мавзулар, сиёсий мавзуларда таълим ва билишга оид мавзуларда (коино, ҳайванот дунёси).

Сухбат давомида ўқувчиларнинг дилидагини айтиш жасоратини уйғотиш ўқувчиларни фикрлашга мажбур қилувчи сабаблар бериш жуда муҳимдир. Бу барча бахс мунозарларнинг аҳамияти катта.

Ҳикоя. Ўқувчилар ҳаётда ва бадиий адабиётдан олинган аниқ мисоллар билан тўлиқ ҳикояларни қизиқиб тинлайдилар. Уларга ахлоқ мезонлари, тарих қоидалари, Ватанимизнинг табиий бойликлари, ажойиб меҳнаткаш кишилари тарих ва адабиёт, радио ва телевидение, газета ва журналлардаги мақолалар ҳам ҳимматли материал бўлади. Сухбат ҳам, ҳикоя ҳам ўқувчиларнинг ёшига мос мавзуларда, улар тушунадиган сўзлар орқали ўзбек тилида ўтказилиши керак. Энг яхшиси сухбат ва ҳикоя мавзусини ўқувчиларнинг ўзлари танласин. Бунда сухбатнинг завқи таъминланади, ўқувчилар мавзуга бефарқ қарамайдилар.

Намуна. Ўқувчилар ўз атрофидаги кишиларда ҳамма яхши ахлоқий сифатларни кўришлари ва намуна олишлари ниҳоятда муҳимдир. Ўқувчининг шахсан ўзи намуна бўлиши айниқса ёшларга катта таъсир кўрсатади. Улар ўқувчининг дарсида ва ҳаётда ўзини қандай тутишини, атрофидаги кишилар билан қандай муомала қилишни, ўз вазифаларни қандай бажаришни кузатиб юрадилар. Ўқувчилар ўзларига яқин кишиларнинг хулқ-атворида тақлид қиладилар. Хулқ-атворла болаларда яхши сифатларнинг баъзан эса ёмон сифатларнинг ҳам таркиб топишига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўқитувчи ва ота-оналар ҳар қандай ҳолатга ҳам ўзларини тута билишлари керак. Улар қаерда бўлишмасин атрофларида болалар борлигини ҳис этишлари лозим. Катталарнинг сўзи билан юриш-туриш ва ҳиссиёти ҳаракатларида тафавут бўлмаслиги керак.

Фаолият жараёнида ижтимоий хулқ тажрибаларини шакллантириш усуллари. Бола ривожланишининг ўзлигини белгилашнинг асосий омили бу фаолиятдир. Фаолият нуқтаи назардан ёндашиш қоидаси мактаб ҳаётини ҳамма жабҳаларида таълим-тарбия жараёнларига сингиб кетади. Фаолият ўқувчиларни билимларни мустақил эгаллашга ундайди, уларни қайси иқтисосга мойилликларини аниқлашга ижодий фаолият тажрибасини ҳиссини, кадрият муносабатларини ўзлаштиришга ёрдам беради. Ўқувчиларни биринчи синфдан бошлаб имконият даражасидаги фойдали меҳнат билан шуғулланишларига эришиши лозим. Бундай меҳнат кўпчилик жамоа бўлиб, Бажарилганида яхши натижа беради.

Машқ ва ўргатиш усуллари.

Машқ болалар фаолиятни оқилона, мақсадга мувофиқ ва ҳар томонлама ташкил қилиш уларни ахлоқ мезонлар ва хулқ-атвор қоидаларини бажаришига одатланишдир. Одатлар болаларда таркиб топади ва кейин мустаҳкамланиб боради. Ўқитувчилар ота-оналар болаларда ижобий одатлар шаклланишини кузатиб боришлари керак. Ўқувчилар одатларини яқинларидан мерос қилиб олмайди, балки улар

билан мунтазам мулоқатлари туфайли тақлид қилиш, тарбия орқали ҳосил қилади. Охир оқибатда одат эҳтиёжга айланади. Машқ муайян хатти-ҳаракатларни кўп маротаба такрорлашни ўз ичига олади. Машқ ва одатлантириш ўқувчи учун онгли ижодий жараёндир. Машқ натижасида кўникма, одат, янги билимлар ҳосил қилинади. Ўқувчининг ақлий қобилияти ривожланади, ахлоқий тажрибаси кенгаяди. Одатсиз тарбия пойдеворсиз бинога ўхшайди. Одат эса мунтазам машқ орқали мустаҳкамланади. Ўргатиш ижтимоий хулқ-атвори одатий шаклига айлантириш мақсадида тарбияланувчиларнинг бажаришлари учун режали ва изчил тарзда ташкил қилинмаган турли ҳаракатлар амалий ишлардир. Ўргатиш бир неча изчил ҳаракатлар йиғиндисиدير. Ўқитувчи бу ҳаракатларни йиғиндисиدير. Ўқитувчи бу ҳаракатларни кўрсатиб бериш, тушунтириш, кузатиш лозим. Тарбия амалиётида машқ қилишнинг турли хиллари мавжуд. Фаолиятда машқ қилиш: кун тартиби машқлар, махсус машқлар. Фаолиятда машқ қилиш: меҳнат ижтимоий фаолият, жамоатдаги фаолият ва ўзаро муносабат одатларини тарбиялашга қаратилгандир. Кун тартиби машқлари мактабда, оилада, ўрнатиладиган кун тартибига амал қилиш. Махсус машқлар маданий хулқ малака ва кўникмаларни ҳосил қилади.

Топшириқлар. Ўқувчиларни меҳнат топшириқларини жамоа бўлиб бажаришлари, уларда ижтимоий хулқ тажрибалари шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўқувчилар ўз кучларини умумишга сарфлашга, жамоа учун маъсулиятни ҳис этишга ўрганадилар. Меҳнат қилиш болани ҳарактерини шакллантиради.

Педагогик талаб. Педагогик талаб тарбиянинг энг муҳим усулларидан биридир. Талаб бу ўқувчиларни турли вазифаларни бажариши, ижтимоий хулқ-атвор мезонларини ифодалаши, у ёки бу фаолиятда қатнашиб бажарилиш зарур бўлган аниқ бир вазифа сифатида намаён бўлиши, турли кўрсатма сифатида намаён бўлиши у ёки бу ҳаракатда рағбатлантирувчи ва уни тўхтатувчи бўлиши, оқилона ҳаракатларга ундовчи бўлиши мумкин.

Ўз-ўзини тарбиялаш усуллари. Ўқувчида ўз-ўзини тарбиялашга, ўз устида онгли, батартиб ишлашга эҳтиёж пайро бўлгандагина тарбия жараёнини самарали деса бўлади. Юқори синф ўқувчиларини ўз билим ва малакаларини мустақил оширишларига йўллаш керак. Ўз-ўзини тарбиялаш ўқувчиларни ўзқўзини идора қилиш ўқишда, тарбияда, дам олишда, ўз-ўзини тарбиялаш усулларидан фойдаланилади. Бу эса уларни ташаббускорлик ва мустақилликка ундайди. Ўз-ўзини тарбиялан ўқувчиларда ўзаро ҳурмат, ҳайри-хохлилик, ишонч бўлган шароитдагина ташкил топади. Ўз-ўзини тарбиялаш (ахлоқий ҳиссий, иродавий ва интеллектуал) маслаҳатлар ва кўрсатмалар бўлиши лозим.

Ўз-ўзини тахлил қилиш. Ўз шахсини, фазилатларини тахлил қилишга, хатти-ҳаракатлари ҳақида ўйлашга ўргатади. Ўз-ўзини назорат қилиш учун ўқувчи ўзини юриш-туриши, интизоми, ижобий одатларини ортиб бориши ва аксинча салбий одатларини камайиб бориши ҳақида мунтазам равишда кунда йиллига ёзиб боради.

Ўз-ўзини баҳолаш. Ўқувчининг қобилиятини ўз кучи билан юзга чиқишига ёрдамлашиш зарур. Ўз-ўзини баҳолаш қийин, лекин ўқувчини бунга етарли тайёрлаш мумкин. Шу боис ўқувчи иродали бўлиши, ўз бурчини тушуниши, тақсил ва тарбия олиш учун сабаблар, мотивлар асос бўлиши, ўзини ўртоқларини, яқин кишиларини кўзи билан кўриш ва ўз-ўзини такомиллаштиришга интилиш лозим.

Рағбатлантириш ва жазолаш. Ўқувчи болаларнинг ҳар бири ўсиб, улғайиб камол топиб бораётганидан хурсанд бўлаётганини сезиш керак. Фақат шундагина бола ўзининг олға силжиб бораётганини кўра билади, ўз кучига ишонади. Уни ҳурмат қилинади, унга ишонишади, унга кулоқ солишади, у жамоага керак, у ўқитувчисини қизиқтиради. Чунки рағбатлантириш усулларида фойланиш лозим. Чунки рағбатлантириш болаг ишонишга, унда бўлган ижобий қобилият ва фазилатларнинг кучини эътироф этишга асосланган. Рағбатлантириш ўқувчининг кўнглини кўтаради, унга қувонч келтиради, ўқувчини янада яхшироқ бўлишига интилишга ёрдам беради. Мактаблар тажрибастда рағбатлантиришнинг қуйидаги турлари қўлланилади:

1. Ўқувчиларнинг кучи етган маъсулиятли топшириқ бериш орқали болага ишонч билдириш, унда ўқувчи ўз қадр-қиммати билан фахрланади.
2. Мақташ (ота-оналар, болалар жамоа олдида).
3. Эсталик совғаси бериш (китоб, ручка, ўқув асбоби ва бошқалар).
4. Мақтов ёрлиғи бериш.
5. Степендия билан тақдирлаш.
6. Ҳурмат тахтасига расмини қўйиш.
7. +ўллаб қувватлаш.
8. Маъсулият ва жамоанинг миннатдорчилиги.
9. Сафда биринчи ўринда туриш.
10. Мусобақада байроқ кўтариш.
11. Газетада, радиода эълон қили ва ҳақозо.

Ҳар қайдай рағбатлантириш педагогик талабларни ҳисобга олган ҳолда қўлланилиши лозим. Яъни рағбатлантириш ҳақиқий хизматга мувофиқ бўлиши кетма-кет бўлмаслиги хаддан ошириб мақташ, бошқа ўқувчиларга таққослаб уларни камситишга йўл қўймаслик рағбатлантиришга бўлган талабчанликни бўшаштирмалик ва ҳақозо.

Жазолаш-бу тарбияланувчининг ҳаркати ва фаолиятга салбий баҳо беришдир. Жазо ҳам ўқувчининг ва бутун синф манфаатини учун қўлланиладиган охириги тарбия усули. Жазо чораларини қўллашда жисмоний жазо уриш, калтаклаш мумкин эмас, болани қўрқитиш, ғазаблантириш ҳам яхши натижа бермайди, ўқувчи қўрқанидан ёлғон гапиришга ўрганади, икки юзламачи бўлиб қолади. Мактабда қўллаш мумкин бўлган жазо чораларига қуйидагилар киради:

1. Танбеҳ бериш. Энг енгил жазо чорасидир. Ўқитувчи болага юзма-юз туриб танбеҳ берадибуни кундалигига ёзиб қўйилади.
2. Огоҳлантириш-номаъкул хатти-ҳаракатларни олдини олиш учун қўлланилади.
3. Хаифсан бериш-агар танбеҳ ва огоҳлантириш кутилган натижа бермаса, ўқувчи белгиланган интизомни бузаверса ўқувчининг айби қай даражада ва унинг интизомини қандай шароитда бузганини эътиборга олиб унга хаифсан эълон қилиш мумкин.
4. Уялтириш-одамнинг энг нозик сезгиларидан бири уят, ор-номус, шарм-хаёдир. Одатда, одамда иззат-нафс, одамийлик қанча кучли бўлса, аввало ўзини ҳурмат қилса., унда ор-номус, уят шунчалик кучли бўлади. Болаларни тарбиялашда шу хисларни эҳтиёткорлик билан уқтириш лозим, лекин ҳадеб уялтиравериш ва қизатиравериш ярамайди. Бундан оқилана ва ўз ўрнида фойдаланиш керак, шундагина ижобий натижага умид қилиш мумкин. Жазо яхши ўйланиб қўлланилиши лозим. Жазолар якка ҳарактерли яъни битта бўлсин, тез-тез қўлланилмасин, жазоланувчи онгида жазони ҳаққоний эканлиги аниқ бўлсин ва улар ўз айбларини сезсинлар. Жамоада муҳокама қилиш ва жамоа томонидан қўллаб-қувватланган жазо берилса, унинг таъсир кучи яна ошади. Барча ҳолларда ҳам жазо тарбияланувчисининг жисмоний ва руҳий азоб-уқубатларига солмаслиги, уни таҳқирмаслиги, шаънини бугмаслиги керак. Хулоса қили шуни айтиш мумкинки, юқорида таърифлаб берилган тарбиянинг умумий усуллари ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатиш соҳаларининг ҳаммасини қамраб олмайди. Педагогика фани ва амалиёти ҳар доим ривожланиб боради, шунинг учун тарбия жараёни ҳам такомиллашиб бораверади. Тарбиянинг муваффақиятли қўлланилишига бевосита мазкур синф жамоасининг тарбия тизимидан қанчалик ўқрин олганига қўлланилаётган тарбия воситалари ва усуллари қўйилган тарбия вазибалари ва мақсадларига қанчалик жавоб беришга боғлиқдир.

Саволлар.

1. Тарбия методлари ҳақида тушунча.
2. Тарбия методларининг турлари.
3. Тарбия методларидан тўғри фойдаланиш.
4. Рағбатлантириш турлари.

14. Мавзу: Фуқаролик тарбияси ва унинг мазмуни.

Режа:

1. **Фуқаролик тарбиясининг мазмуни, мақсад ва вазифалари.**
2. **Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари.**
3. **Ўқувчиларда давлат рамзларига хурмат хиссини қарор топтириш.**
4. **Ўқувчиларни халқ ўтмиши ва миллий кадриятларига мухаббат руҳида тарбиялаш.**
5. **Фуқаролик тарбиясини ташкил этиш йўллари.**

Таянч тушунчалар:

Фуқаролик, фуқаролик тарбияси, фуқаролик тарбиясининг вазифаси, ҳуқуқлари, бурчлари.

Адабиётлар.

1. **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Узб. 1992 й. 44 бет.**
2. **Мунавваров А. таҳрири остида Педагогика Т. ўқитувчи 1996 й. 196 бет.**
3. **Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Т. ўқ. 1995 й.**
4. **О.Каримова. ҳуқуқшунослик Т. 2002 й.**
5. **О. Хусанов ва бошқалар. Инсон ҳуқуқлари. Т.1997 й.**

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш ва мустахкамлаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, унинг қонуний заминлари, ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш фуқароларининг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигига, онглилик, билимдонлик даражасига узвий алоқадорликдадир.

Бунинг учун Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси, энг аввало, ҳаётимизнинг Асосий Қонуни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, унинг ҳар бир моддасини пухта ўрганиши лозим.

Конституцияда инсон ҳуқуқларининг давлат ҳуқуқидан устиворлиги тамойили қонун йўли билан белгилаб қўйилган бўлиб, Президентимиз томонидан таъкидланганидек, фуқаролар манфа-атининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва қафолатланган. Унда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас бўлиб, давлат ҳимоясида дейилган.

Юқорида келтирилган талаб ва вазифаларни амалда жорий қилиш асосан таълим-тарбия муассасаларидан бошланади. Ушбу маънода ўқувчиларда фуқаролик тарбиясини шакллантириш учун уларни ўтмиш меросимиз ва халқимизнинг минг йиллик қадриятлари асосида маълумотлар бериш мақсадга мувофиқдир.

Фуқаролик тарбиясининг асосларидан бири миллат, халқ уларнинг ҳаёт мазмунини ўрганиш орқали миллий ўзликни англашни қарор топтириш иши саналади.

Шахс жамият ўтмишини ўрганиш орқали унинг ҳар босқичини таҳлил қилиш асосида келгуси ҳаёт режасини ишлаб чиқади. «Ўтмишсиз келажак бўлмайди» - мазкур шиор эркин, мустақил равишда тараққиёт йўлидан бораётган республика ҳаётининг бош шиорига айланиши керак.

Ўтмиш мутафаккирларнинг қарашлари, бой маънавий мерослари, ½оялари бугунги авлод учун дастурул амал бўлиши лозим.

Алломалар, халқ қахрамонлари ҳаётини ўрганиш миллат ва шахсга инсон сифатида ким эканлигини англаб етишга ёрдам беради.

Миллий қадриятлар ½ояларини ўрганиш асрлар давомида ардоқланиб келган анъана, урф-одат, маросимлар нима учун миллатни бу қадар жипслаштириб қўйганлиги сиридан воқиф этади. Фуқаролик тарбияси негизида халқ ўтмиши, тарихини ўрганиш, миллий қадриятлар моҳиятини англашга йўналтирилган фаолиятга ўқувчиларни жалб этиш педагогика фани, тарбияда кўзланган мақсадга элитувчи йўл саналади.

Ўқувчиларни ҳақиқий фуқаро этиб тарбиялаш, уларда фуқаролик туй½усини қарор топтириш, фидойи фуқаро сифатида шакллантириш билан яқунланади.

Ўқувчиларда фуқаролик ҳисси ва эътиқодини тарбияламай туриб, уларда ахлоқий, хулқий одатларни, малакаларни ҳосил қилиб бўлмайди.

Фуқаролик туй½усини қарор топтириш мураккаб жараён. Бунда дастлаб болаларга фуқаролик моҳияти ва қоидалари мазмунига оид билимлар берилади. Аввало ўқувчига фуқаролик одоби ва маданияти ҳақида тушунча берилади, бу хилдаги хулқ, хатти-ҳаракатларга оид намуналар келтирилади, сўнгра фаолият уюштирилади. Ана шу асосида

фуқаролик тушунчалари бадий ва илмий адабиётлар, матбуот янгиликлари, кинофильм, спектакл ½оялари, турли ҳолатлар мазмунини тушунтириш, тар½иб этиб бориш орқали сингдирилади. Фуқаролик туй½усини болаларда мактабгача тарбия ёшидан бошлаш шакиллантириб бориш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун «Республика байро½ида нималар акс эттирилган?», «Республика гербидаги Ҷумо қуши ниманинг рамзи?», «Мен давлат мадҳиясини биламанми?» каби мавзуларда суҳбатлашиш ½оят муҳимдир.

Ўқувчига фуқаро сифатида ўз хулқ-атвори мазмунини таҳлил этиш имконини бериш лозим. Яъни, «Бугун халқ фаровонлиги ватан тараққиёти учун нима қила олдими?», «Зиммамдаги бурчни қандай адо этдим» тарзидаги саволларга жавоб топишга ўргатиш керак.

Ўқувчиларга ўқиш, аъло баҳоларга ўзлаштириш, ўз тафаккури ва дунёқарашини шакллантириш болада фуқаролик бурчини адо этиш зарурятини тушунтириб бориш зарур. Фидоийлик, интилувчанлик, ташаббускорлик, қатъият, матонат, уюшқоқлик каби хислатлар фуқаролик тарбиясини олиб бориш жараёнида юзага келади.

Фуқаролик тарбиясини ташкил этиш учун маълум шарт-шароитлар тақозо этилади. Булар:

6. Мактабдаги таълим-тарбия жараёни юксак даражада уюштирилиши керак;
7. Фуқаролик тарбияси жараёнининг муваффақияти ўқувчилар ва ўқитувчилар жамоасининг савиясига бо½лик;
8. Тарбиявий ишнинг режали, узлуксиз, тизимли бўлишига эришиш катта аҳамият касб этади;
9. Оила, мактаб ва маҳаллаларда ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжихатликнинг юзага келиши фуқаролик тарбияси муваффақиятини таъминлайди;
10. Ўқувчиларнинг ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга ҳамда умумий тартибга риоя қилишга ўргатиш ва бошқалардир.

Фуқаролик тарбиясини ташкил этишда суҳбат, мунозара, маъруза, бахслардан фойдаланиш, машқ, тест, анкета саволларига жавоб олиш кабилар юксак даражага олиб келади.

Фуқаролик тарбиясида унинг натижасини ҳисобга олиши муҳим аҳамиятга эга. Бунда боланинг тарбияланганлик даражаси асос қилиб олинади. Ушбу мақсадга диагностика (ташхис қўйиш), статистик, қиёсий таҳлилни ўтказиш лозим.

Фуқаролик тарбиясининг ташкил этилиши натижасида камол топган фуқаро ўзида қуйидаги сифатларни намоён эта олиши лозим:

- фуқаролик бурчини бажара олиши (ўз ватани, халқи, ота-онаси олдидаги қарзни ҳис эта олиши) қобилиятига эгаллик;

- миллий ½урур ва маърифатпарварлик туй½усига эга бўлиш;
- давлат Конституцияси, давлат ҳокимияти органлари, мамлакат Президенти ҳамда давлат рамзлари (герб, байроқ ва мадҳия) га нисбатан хурматда бўлиш;
- мамлакат тақдири ва истиқболи учун жавобгарлик, масъуллик;
- ижтимоий-ҳуқуқий ҳамда ахлоқий меъёрларга нисбатан хурмат ва итоатда бўлиш;
- мамлакат миллий бойликларига хурмат билан қараш ва асраш;
- миллий давлат тили, маданияти ва анъаналарига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уларни асраш;
- ижтимоий фаоллик;
- демократик тамойилларга амал қилиш;
- табиатга нисбатан эҳтиёткорона ва масъулиятли муносабатда бўлиш;
- фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини хурмат қилиш;
- ҳуқуқий онг ва фуқаролик маданиятига эга бўлиш;
- тў½рисўз, адолатли, мурувватли, меҳрибон бўлиш;
- ўз фаолияти ва хатти-ҳаракатига нисбатан масъулиятли бўлиш;
- байналминаллик, ўзга мамлакатлар халқларга нисбатан хурматда бўлиш ва бошқалар.

Миллий истиқлол мафқураси мазмуни ва моҳиятида демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бораётган мустақил Ўзбекистонда фуқаролар ҳуқуқий билими, ҳуқуқий маданияти ва маънавиятини юксалтириш ½оят муҳим ва долзарб муаммо эканлиги устивор аҳамият касб этади.

Миллий истиқлол мафқурасида Ватанимизнинг ривожланиши ва истиқболи, мамлакатимизда кенг кўламда ўтказилаётган иқти-содиёт, сиёсат, давлат қурилиши, ҳуқуқий тизим ва жамиятни маънавий ўзгартириш соҳасидаги ислохатларни муваффақияти кўп жихатдан халқнинг ҳуқуқий онги ва билми ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига бо½лиқлиги алоҳида таъкидланади.

Даръҳақиқат, фуқароларнинг ҳуқуқий билми, маданияти ва маънавияти қанча юксак бўлса, ҳуқуқий давлат шунча кучли бўлади, мустақиллигимиз мустаҳкамланиб барқарорлашиб бораверади. Ёнунийлик ва ҳуқуқий тартибот тантана қилмаса, халқ оммаси қонун-қоидалар ва ҳуқуқий меъёрларга, қонуний актларга, энг муҳими Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ишонч-ихтиёр, ихлос, иймон-

этикодли муносабатда бўлиш ва риоя қилишига одатланмаса ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳуқуқий давлат омманинг сиёсий онглилиги, уюшқоқлиги, сиёсий хушёр ва зийраклиги, ҳаётимизда рўй бериб турадиган ҳар бир нарса ва ходисага кўр-кўрона эмас, балки ақл-идрок, билим ва тафаккур, фахм-фаросатли ёндошганлиги билан кучли. Ҳуқуқий билим ва маданият миллат йўқлиги ва инсон баркамоллигининг энг муҳим омилларидан биридир.

Фуқароларнинг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун асосий эътиборни нималарга қаратиш лозимлиги ҳақидаги вазифалар Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августда тасдиқланган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурида" ҳам белгилаб берилган.

Ҳуқуқий маданият умуминсоний маданиятнинг таркибий қисмидир. У умумий маданиятнинг шунчаки бир қисми эмас, балки унинг ўзаги, негизи, асосидир.

Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим ҳамда моддий, маънавий, ахлоқий ва бошқа мафкуравий омиллар асосида шаклланиб ва ривожланиб боради. Ҳуқуқий маданият фуқароларнинг етуклиги ва онглилигини кўрсатувчи меъёрдир. Ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда тадбиқ эта оладиган кишигина ҳуқуқий билимли ва маданиятли ҳисобланиши мумкин.

Ҳуқуқий билимлар ва маданиятнинг юзага келиши, ривож-ланиши чексиз жараёндир. Ҳар қандай билим ва маърифат сингари ҳуқуқий билим ва маданият ҳам жамият ривожланиши натижасида пайдо бўлган талаб ва эҳтиёжлар, мавжуд шарт-шароит ва имкониятлар асосида юзага келади ва ривожланади.

Болаларнинг қалби ва вужудига гўдаклик пайтидан бошлаб одоб-ахлоқ, ҳуқуқий қонун-қоидалар ҳақида илк тасаввур ва тушунчаларни сингдиришда жамиятнинг асоси, негизи бўлган оиланинг роли ва аҳамияти катта.

Боланинг табиати, феъли-атвори, дунёқараши гўдаклигидан оилада шаклланади, унинг вужудига она сути билан киради. "Бола ту¹/₂илган кунидан бошлаб оила мухитида яшайди. Болага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, хис этади" (Баркамол авлод орзуси Т "Шарқ" 1999 й 8 бет).

Шунинг учун Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас саналган. "Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар энг аввало оилада

шаклланади",- дейди Ислом Каримов Ўзбекистон Респуб-ликаси Конституциясининг беш йиллигига ба¹/₂ишланган табрик сўзида.

Болалар тақдирида уларда ҳуқуқий тасаввур ва тушунчалар асосини илк бор илдиз ота бошлашида, фарзандлар қалбини меҳр-мухаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар этишда одамийлик, халоллик, олижаноблик, меҳр-оқибат сингари асл инсоний фазилатлар камолотида оналарнинг, оталарнинг, оиланинг ўрни беқиёс.

Истиклол мафкурасининг таълимоти бўйича қонунга хурмат ҳар бир инсоннинг қалбидаги чуқур эътиқоди бўлмо¹/₂и лозим. У инсоннинг ёшлигидан бошлаб онгига сингиб, мустахкамланиб бориши керак.

Бунинг учун миллий истиклол мафкурасининг ана шу олижаноб ¹/₂ояларини амалга ошириш мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, коллеж ва лицейлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, барча жамоат уюшмалари ва давлат ташкилотлари ишларини замонавий талаблар асосида қайта қуришни тақозо этади.

Ҳуқуқий билимга эга бўлиш, ҳуқуқий жихатдан тарбияланганлик, ҳуқуқий маданият, маърифат ва маънавият соҳиби бўлиш, қонунларни муқаддас ҳисоблаб, уларга шак келтирмасдан фаолият кўрсатишга одатлантириш-Ўзбекистон ҳар бир фуқаросининг қалбига чуқур сингиб кетган, моҳиятга айланган инсоний фазилатга айланмо¹/₂и лозим.

Бунинг учун ҳуқуқий таълим-тарбияни барқарор шаклини яратиш лозим, чунки ҳуқуқий таълим-тарбия ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш ва мустахкамлаш учун муҳим асосдир. Таълим-тарбияни ислоҳ қилмасдан, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий маънавият ва маърифат ютуқларини кишилар онгига етказмасдан туриб комил инсонни шакллантириб бўлмайди.

Ҳуқуқий тарбия жараёнида ёшларнинг ҳуқуқий онги шаклланади. Ёшларни жамият талабларига давлатнинг қонун-қоидаларига, миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизга чуқур хурмат-эҳтиромли бўлишга ўргатиш ҳуқуқий таълим-тарбиянинг асосий мақсадларидан биридир. Дарҳақиқат, ҳуқуқ асосларини, Конституция ва қонунларимиз мазмун-моҳиятини, янги қонуний ҳужжатлар, ҳуқуқий меъёрларни кишиларнинг, биринчи навбатда, ёшларнинг онги, қалбига сингдиришда ҳеч бир нарса ўз ахамиятига кўра ҳуқуқий таълим-тарбияга тенглаша олмайди.

Назорат саволлари:

2. Фуқаро деб кимга айтилади?

3. Фукарларнинг ҳуқуқ ва бурчларини биласизми?
4. Фукарлик тарбияси мақсадини гаҳсий мулоҳазаларингиз орқали баён этинг.

бўйсунидан қатъий назар барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Умумий ўрта (касб-хунар ва олий) таълимнинг ДТС қуйидаги таъминотларига таянган ҳолда ишлаб чиқилади:

- ДТС ни давлат ва жамият талаблари ва шахс эҳтиёжига мослиги;
- Ўқув дастурлари мазмунининг жамият ижтимоий- иқтисодий тараққиёти ҳамда фан техника ривожланиши билан боғлиқлиги;
- Умумий ўрта (касб-хунар ва олий) таълимнинг бошқа таълим турлари ва босқичлари билан узлуксизлиги ва таълим мазмунининг узвийлиги;
- Умумий ўрта (касб-хунар ва олий) таълим мазмунининг инсонпарварлиги;
- Таълим мазмунининг республикадаги барча ҳудудлардаги бирлиги ва яхлитлиги;
- Умумий ўрта (касб-хунар ва олий) таълимнинг мазмуни, шакли, воситалари ва усуллари ташлашда инновация (илм^{1/2}ор) технология ютуқларига таяниш;
- Педагогик тафаккурда қарор топган анъанавий қарашлар билан «Таълим тўғрисида» ги Ёнун ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» мазмунида ифодаланган замонавий талабларнинг узвийлиги;
- Илм^{1/2}ор демократик хорижий мамлакатларнинг таълим соҳасида меъёрларни белгилаш тажрибаларида миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш.

ДТС нинг таркибий қисми сифатида умумий ўрта (касб-хунар ва олий) таълим муассасалари учун таянч ўқув режаси ишлаб чиқилади. Таянч ўқув режа таълим соҳаларини меъёрлаш ҳамда таълим муассасаларини молиявий таъминотини белгилашга асос бўлувчи давлат ҳужжати саналади. Таянч ўқув режаси ўқув предметлари бўйича бериладиган таълим мазмунини ўқувчига етказиш учун ажратилган ўқув соатларининг минимум ҳажмидаги миқдорини белгилайди. Мазкур ҳужжат муайян синфда маълум ўқув предмети бўйича давлат таълим стандартларига мувофиқ бериладиган таълим мазмунини аниқлашга асос бўлади.

15.Мавзу: Маънавий-ахлоқий тарбия, унинг мазмуни, мақсади ва вазифалари.

Мақсад: Талабаларни маънавий-ахлоқий тарбия методлари, шакллари, уларнинг тарбиявий жараёндаги моҳияти билан таништириш.

Машғулот жиҳозлари: Мавзуга оид жадвал.

Режа:

1. Ахлоқ ва маънавият тушунчаси.
2. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг мақсади ва вазифалари.
3. Маънавий-ахлоқий тарбия методлари, уларнинг тарбиявий жараёндаги аҳамияти.
4. Маънавий-ахлоқий тарбияни амалга ошириш тамойиллари.
5. Хулоса.

Таянч тушунчалар. Ахлоқ, маънавият, маънавий-ахлоқий таълим, маънавий-ахлоқий тарбия, маънавий-ахлоқий тарбия тамойиллари, маънавий-ахлоқий суҳбатлар, интизом, кундалик ҳаётини мунозаралар.

Адабиётлар.

3. И.А.Каримов Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Т. 1999 йил.
4. И.А.Каримов Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг подевори. Т. 1997 йил.
5. И.А.Каримов Ўзбекистон ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Т. 1992й
6. М.М.Хайруллаев Маънавият юлдузлари. Т. 2001 йил.
7. Н.Хабибуллаев Мозийдан таралган зиё. Т. 1998 йил.
8. Ж.Туленов +адриятлар фалсафаси. Т. 1998 йил.
9. Сафо Очил Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Т. 1995 йил.
10. Ватан туйғуси. Т. 1996 йил.
11. А.Бегматов Маънавият фалсафаси ёхуд И.Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши.
12. У.Маҳкамов Ахлоқ-одоб сабоқлари. Т. 1992 йил
«Ахлоқ» ижтимоий тушунчалардан бири бўлиб, унинг моҳияти, шахс хатти-ҳаракатлари, юриш-туриши, турмуш тарзи, ҳаёт кечириш тамойиллари, қоидалари, шунингдек, ижтимоий муносабатлар мазмунини ифодалайди. Шу боси ахлоқ ижтимоий ходиса сифатида жамият маънавий-руҳий ҳаётида ўзига хос муҳим аҳамиятга эга. Муайян миллат қиёфаси,

унинг кишилик тараққиётидаги ўрни белгиланаётган жараёнда мазкур тушунча асосий мезонлардан бири бўлиб хизмат қилади.

«Ахлоқ» тушунчаси оила фикри асосида тартибга солинувчи фаолият тарзида кишилик жамиятининг илк босқичида шаклланган.

Ахлоқ (лотинча-хулқ-атвор демақдир)-ижтимоий онг шаклларида бири, ижтимоий тартиб қоида бўлиб, бу тартиб қоида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кишиларнинг ҳатти-ҳаракатини тартибга солиш вазифасини бажаради. Ахлоқ омма фаолиятини тартибга солишининг бошқа шакллари (ўқув, ишлаб-чиқариш, халқ анъаналри)да ўз талабларининг асосланиши амалга оширилиши ва омма фикри асосида тартибга солиниши билан фарқ қилади. Ахлоқ талаблари барчага тааллуқли, бироқ ҳеч кимнинг кўрсатмаси, ҳеч қандай махсус буйруқ асосида бажарилмайдиган, ихтиёрий амалга ошириладиган бурч шаклига киради. Ахлоқ талабларининг бажарилиши фақат маънавий таъсир кўрсатиш шакллари доирасида юз беради.

Ахлоқ-шахс тараққиётининг юқори босқичи бўлган маънавий комиллик асосини, пойдевори ташкил этади.

Маънавият академик Э.Ю.Юсупов нуқтаи назарида, инсон ахлоқ одоби, виждони, иймони, эътиқоди, дунёқараши, мафкуравий қарашлари бир-бири билан узвий боғланган жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимдир.

Бизнинг назаримизда, шахс маънавияти унинг онгида кечадиган ижобий мазмунга эга ўй фикрлар, ниятлар, ғоялар, назарий ва таълимотлар мазмунининг амалий фаолиятидаги тадбиқида намаён бўлувчи руҳий жараёндир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, шахс маънавияти асосида ижобий мазмунга эга бўлган ўй-фикрлар, ниятлар, ғоялар, назария ва таълимотлар мазмунига етишишни эътиборга олиш лозим. Чунки, шахс онгида ҳамиша ҳам ижобий мазмунга эга фикрлар келмайди. Салбий фикрларга эга бўлиш эса маънавийсиз, ахлоқсиз инсон қиёфасини кўрсатувчи муҳим белгидир.

Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш ижтимоий тарбиянинг муваффақиятини таъминловчи энг муҳим омил саналади. Маънавий-ахлоқий таълим ва тарбия ўзаро боғлиқлик, узвийлик, алоқадорлик ҳамда диалектик характерга эга бўлиб, шахс маънавий-ахлоқий камолатини шакллантириш асоси ҳисобланади. Маънавий-ахлоқий таълим ўқувчиларга маънавий-ахлоқий, ижтимоий-ахлоқий муносабатлар моҳияти тўғрисида тизимланган билимларни бериш, уларда маънавий-ахлоқий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш, маънавий-ахлоқий онгни шакллантириш жараёни бўлиб, у изчил, узлуксиз, тизимли тарзда ташкил этилиши лозим.

Маън авий-ахлоқий тарбия ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган назарий маънавий-ахлоқий билимлар негизида ижтимоий фаолиятни ташкил этиш борасида кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, ижобий мазмундаги маънавий-ахлоқий сифатларни қарор топтириш ва маънавий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган мураккаб динамик жараён ҳисобланади. Ўқувчилар маънавий маданиятини шакллантириш ҳуқуқий таълим ва тарбия жараёнининг муҳим босқичидир.

Ўқувчиларга маънавий-ахлоқий тарбиясини ташкил этиш аниқ мақсадга йўналтирилган яхлит педагогик жараён бўлиб, ушбу жараёнда қуйидаги педагогик вазифалар ҳал қилинади:

1. Ўқувчилар маънавий-ахлоқий меъёрлар ҳамда ахлоқий муносабатлар моҳияти ва уларнинг ижтимоий жамият ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида маълумотлар бериш.
2. Ўқувчилар маънавий-ахлоқий билимларини эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш, маънавий-ахлоқий онгини қарор топтириш.
3. Ўқувчиларда ижобий мазмундаги маънавий-ахлоқий сифатлар (билимлилик, меҳнатсеварлик, камтарлик, меҳр-муҳаббат, Ватанга, халққа муҳаббат, ота-она ва катталарга ҳурмат, инсонпарварлик, саховат, бурчга садоқат ва ҳақозо) қарор топтириш.
4. Ўқувчиларда маънавий-ахлоқий мазмундаги хулқ-атвор, сифат ва иродани шакллантириш.
5. Ўқувчилар маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантириш.

Ўқувчилар маънавий-ахлоқий сифатларининг қарор топиши тарихий-объектив шароитда шахс томонидан жамият тараққиёти, инсонларнинг ўзаро ҳамкорлик, алоқа доираларининг кенгайи такомиллашувига кўрсатиладиган таъсирнинг ижобий мўътадил ҳолатда бўлишини таъминлашда кўринади. Маънавий-ахлоқий сифатларнинг қарор топиши қуйидаги умумий мазмун асосида рўй беради:


-ўқувчининг маънавий-ахлоқийлик даражаси ижтимоий муносабатлар жараёнида, унинг жамият, атроф-муҳит ва табиатга бўлган ёндашувида намаён бўлади.

Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш бу фаол жараён ҳисобланади. Ушбу жараён нафақат ижобий хислатларни шакллантиришни, балки салбий сифатларини бартараф этишни, ҳар қандай ахлоқсиз хатти-ҳаракатларга қарши курашга ўқувчиларни ундашни ҳам кўзда тутди. Маънавий-ахлоқий тарбия жараёнида ўқувчи

(тарбияланувчи) нинг ўзқўзини тарбиялашни кучайтириш катта аҳамиятга эга.

Маънавий-ахлоқий тарбия жараёнида баркамол шахс тарбияланиб вояга етказилади.

Ўқувчилар маънавий-ахлоқий тарбияси доирасида ўтказилувчи тадбирлар қуйидаги шакл ва методлар ёрдамида амалга оширилади:



Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этишда қуйидаги воситаларга таяниб иш кўриш самарали натижалар беради: ўқувчиларнинг ахсий ёндашуви, жамоатчилик фикри, оммавий ахбарот воситалари, бадий

адабиётлар, намуна кўрсатиш, кўргазмали қуроллар, маънавий ахлоқий муносабатлар жараёнидир.

Маънавий-ахлоқий тарбия тизимида маънавий-ахлоқий мавзудаги суҳбатлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Бундай суҳбатлар мазмуни жиҳатидан ранг-баранг бўлиши мумкин. Маънавий-ахлоқий мазмундаги суҳбатларни ўтказишнинг бош вазифаси ижтимоий-ахлоқий муносабатлар, турли ҳодисаларга нисбатан ўқувчиларда муайян муносабатларни қарор топтириш, уларнинг мазмунига тўғри баҳо беришга ўргатишдан иборатдир.

Маънавий-ахлоқий суҳбатлар ўқувчиларда ахлоқий тасаввуф, тушунча, билимларни чуқурлаштирувчи, аниқлаштирувчи, янги маълумотларга оид ахборот берувчи ҳамда уларни мустаҳкамловчи восита бўлиб хизмат қилади.

Маънавий-ахлоқий мазмундаги суҳбатлар «Шахс маънавияти нима ва у қандай шаклланади», «Ўқувчи жамоа ўртасида ўзини қандай тутиши керак», «Жамоа транспортдан фойдаланиш қоидалари», «Она- табиатни омон сақлаш бизнинг бурчимиз», «Ватан-муқаддас гўша», «Фарзанд-камоли, Ватан-жамоли», «она-мўътабар зот», «Нон-табиатнинг бебаҳо неъматидир», «Мардлар кўриқлайди-Ватанни» ва ҳақозо каби мавзуларда ташкил этилиши мумкин. Маънавий-ахлоқий суҳбатлар жараёнида ибратли ҳикоя, ривоятларни жамоа иштирокида амалга ошириш ёки маълум мавзуга доир театрлаштирилган кўринишларни намойиш этиш, унинг таъсир кучини янада оширади.

Маънавий-ахлоқий маданиятни қарор топтиришдан иборатдир. Мазкур тамойил ана шу ғояни ёритишга хизмат қилади.

Ўқувчилар маънавий-ахлоқий маданиятни шакллантиришга ҳар томонлама (комплекс) ёндашув. Ушбу тамойил ўқувчилар маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантиришда фанлараро алоқадорлик, дарсада, синфдан ва мактабдан ташқари маънавий-ахлоқий таълим-тарбия ишларини ташкил этиш, маънавий-ахлоқий тарбияни олиб боришда оила, таълим муассасалари, маҳалла, ижтимоий ташкилотлар, давлат ва жамият имкониятларидан самарали фойдаланишни назарда тутди.

Ўқувчилар маънавий-ахлоқий тарбиясини ташкил этишда тарихий ворислик ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятлар, уларда уларда илгари сурилган ғояларга таяниб иш кўриш. Ушбу тамойил маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этишда миллий тарихий тажриба, шунингдек, умуминсоний ва миллий қадриятлар, уларнинг ғоялари таъсир кучига таяниб иш кўришни ўзида ифода этади.

Ижтимоий фаолиятнинг инсонпарварлик ва демократик хусусиятларга эга эканлиги. Ушбу тамойил ўқувчилар маънавий-ахлоқий тарбиясини ташкил этишда инсонпарварлик ва демократик

тамойилларнинг устиворлиги (ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш, унинг кадр-қимматини юқори қўйиш, ҳуқуқ ва бурчларини ҳурмат қилиш) ни ифодалайди.

Маънавий-ахлоқий онг ва фаолият бирлиги. Ушбк маънавий ахлоқий билимларни ўзлаштириш, бу борадаги фаолиятни ташкил этиш, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган назарий-ахлоқий билимларининг амалиётдаги ижросини таъминлаш асосида билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириб боришини англатади.

Ўқувчининг маънавий-ахлоқийлик даражаси у мансуб бўлган жамиятнинг ижтимоий-маънавий тарақиёти даражасига боғлиқ:

-ўқувчининг маънавий-ахлоқий камолати объектив ва субъектив шарт-шароитларининг ўзаро уйғунлашуви асосида ташкил этилажак узлуксиз, тизимли таълим-тарбиянинг йўлга қўйилиши натижасида вужудга келади:

-ўқувчининг маънавий-ахлоқий камолати ижтимоий муносабатларнинг йўлга қўйилишида ижобий натижаларга олиб келади.

Ўқувчилар маънавий-ахлоқий камолатини таъминлашда мунозаралар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маънавий-ахлоқий мавзулардаги мунозалар ўқувчиларда муайян ҳолат, ходисаларга нисбатан тўғри баҳо беришга, бу борада фикр юритишга ўрганиш ҳамда эътиқодни шакллантиришга хизмат қилади.

Мунозара ўй-фикрларни тартибга солади, ўқувчиларни мустақил фикрлашга, баҳс ташкил этишга, ўртоғини тинглашга ўз фикрини илгари суриш ва уни ҳимоя қилишга, айна чоғида ўз хатоларини тан олишга ўргатади.

Мунозара учун гуруҳ, синф фаоллари билан ҳамкорликда 5-6 та масала ишлаб чиқилади. Иштирокчиларга олдиндан маълум қилинади. Мунозара жараёнида сўзнинг ёрқин, жонли бўлиши талаб этилади. Тайёр матнни ўқиб беришга йўл қўйилмайди. Мунозара якунида фикрлар умумлаштирилади, тузатишлар киритилади, яқунланади. Аудиторияни билиш, гуруҳ, синф фаоллари билан иш олиб бориш, мунозарага мутахассисларни таклиф этиш, мунозаранинг муваффақияти ва тарбиявий таъсирини таъминлайди. Мунозара аниқ ва сўнгги ечимни талаб қилмайди.

Маънавий-ахлоқий мазмундаги таълим-тарбия ишини ташкил этиш таълим муассасаси педагогик жамоасининг умумий ишининг таркибий қисми бўлиб, уларнинг ўтказилишида мактаб раҳбарияти, касаба уюшмаси аъзолари, тажрибали мутахассис ўқитувчилар, маҳалла кенгашлари, ота-онлар қўмитаси, ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, шунингдек, жамоат ташкилотлари, ходимлари ҳам иштирок этадилар.

Таълим муассасаларида маънавий-ахлоқий тарбияни йўлга қўйишнинг куйидаги турлари алоҳида аҳамиятга эгадир: суҳбатлар,

учрашувлар, эратликлар, хафталиклар, ойликлар, кўриклар, конференция, баҳс-мунозара ва бошқалар.

Ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини амалга ошириш қуйидаги тамойилларга мувофиқ йўлга қўйилади:

1. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг ижтимоий-ғоявий асосга эга эканлиги. Ушбу тамойил маънавий-ахлоқий таълим ва тарбиянинг ягона ғоя Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий мафкура ғояларининг ўқувчилар ўртасида тарғиб этишда ифодаланди:
2. Маънавий-ахлоқий таълим ва тарбиянинг изчил, тизимли, узлуксиз ташкил этилиши. Ушбу тамойил ўқувчиларга маънавий-ахлоқий билимлар бериш, уларда ижтимоий-амалий фаолият кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш, маънавий-ахлоқий таълим ва тарбия ишининг тизимлилигини таъминлаш, бир маромда доимий ташкил этилишига эришишида намаён бўлади:
3. Маънавий-ахлоқий таълим-тарбия ғояларининг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги. Ўқувчилар ўртасида ташкил этилаётган маънавий-ахлоқий тарбияни йўлга қўйишдан кўзланган ягона мақсад уларда маънавий-ахлоқий сифатлардир.

Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этишда тарбиявий тадбирлар умумий тарбиянинг ажралмас қисми сифатида таълим муассасалари фаолиятини ташкил этишда ўз ўрни ва аҳамиятига эга. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг қамрови кенг, шу боис уларни қандай шакл ва услубда ўтказилиши мутахассис-ўқитувчининг тажрибаси, маҳорати ҳамда ўқув муассасаси раҳбарияти, жамоасининг, фан ўқитувчиларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаши, уларга ташкилий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, шу билан бирга ўқувчиларнинг истак-хоҳишлари, қизиқишлари, эҳтиёжлари ва ижтимоий фаолликларга боғлиқ. Маънавий-ахлоқий мазмундаги тадбирларни ўтказиш, ушбу тарбияни ташкил этишдаги кўзланган асосий мақсадга хизмат қилмоғи керак.

Саволлар.

1. «Ахлоқ» ёки «Ахлоқийлик» нима ва унинг ижтимоий жамиятдаги аҳамияти қандай?
2. «Маънавият» тушунчасига таъриф беринг?

3. Шахс маънавиятини қандай шакллантирилади?
4. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг моҳияти нимадан иборат?
5. Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этишда қандай метод ва тамойиллардан фойдаланиш мумкин?

Тест.

1. «Ахлоқ» тушунчаси қандай муносабатлар мазмунини ифодалайди?
 - А. Ижтимоий.
 - Б. Иқтисодий.
 - В. Сиёсий
 - Г. Маънавий
 - Д. Маданий

2. «Ахлоқ» тушунчаси қандай маънони англатади?
 - А. Ахлоқ нормалари
 - Б. Хулқ-атвор.
 - В. Одоб-ахлоқ
 - Г. Ҳуқуқий қоидалар.
 - Д. А ва В.

3. «Маънавият» тушунчасига тўғри таърифни топинг?
 - А. Шахс тараққиётининг ю-ори босқичи.
 - Б. Оила фаолиятини тартибга солувчи восита.
 - В. Ижтимоий онг шакллари бошқариб боради ва кишилик жамиятининг хатти-ҳаракатларини тартибга солади.
 - Г. Инсон ахлоқ-одобиб виждони, иймони ва мафкуравий қарашлари бир-бири билан узвий боғланган жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимидир.
 - Д. Тўғри жавоб йўқ.

4. Ўқувчиларга маънавий-ахлоқий тарбиясини ташкил этиш аниқ мақсадга йўналтирилган қандай жараён ҳисобланади?
 - А. Яхлит педагогик
 - Б. Педагогик психологик
 - В. Ижтимоий
 - Г. Узлуксиз.

Д. Б ва Г

5. Маънавий-ахлоқий тарбия ўқувчилар томонидан фаолиятни ташкил этиш борасида нималарни ҳосил қилади?

- А. Билим.
- Б. Кўникма ва малака.
- В. Иқтидор
- Г. Ахлоқий сифатлар.
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

6. Маънавий-ахлоқий таълим ва тарбия қандай тамойилларда ташкил этилади?

- А. Кетма-кет, тизимли.
- Б. Узлуксиз, доимий.
- В. Мўътадил, изчил.
- Г. Изчил, тизимли, узлуксиз.
- Д. А ва Б

7. Маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш қандай жараён?

- А. Фаол.
- Б. Пассив.
- В. Обьектив.
- Г. Субьектив
- Д. Комплекс

8. Маънавий-ахлоқий тарбия жараёнида қандай шахс тарбияланиб вояга етказилади?

- А. Ахлоқий сифатларни ўзида жо қилган шахс.
- Б. Етук шахс.
- В. Зиёли шахс.
- Г. Маънан соғлом шахс.
- Д. Баркамол шахс.

16.Мавзу: Замонавий тарбия мазмуни ва унинг таркибий қисмлари (ақлий, жисмоний, иқтисодий, экологик, эстетик).

Мақсад: Замонавий тарбия асосида талабаларда ақлий, жисмоний, иқтисодий экологик ва эстетик тарбияларни шакллантириб бориш.

Режа:

1. Замонавий тарбиянинг мазмуни ва моҳияти.
2. Ақлий тарбия илм ва маърифат мезони.
3. Жисмоний тарбиянинг мақсад, вазифалари ва аҳамияти.
4. Экологик тарбиянинг таркибий қисмлари.
5. Эстетик тарбия бериш воситалари.

Таянч тушунчалар. Замонавий тарбия, ақл-идрок, комил инсон, ақл, ахлоқ, илм-маърифат, жисмоний тарбия, жисмоний меҳнат, жисмоний таъсир, жисмоний жазо, экология, нафосат, эстетик ривожлантириш, табиат.

Адабиётлар.

1. И.А.Каримов Буюк келажак сари. Т. 1998 йил.
2. И.А.Каримов Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. 1998 йил.
3. И.А.Каримов Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. 1997 йил.
4. И.А.Каримов Соғлом авлод халқимиз келажаги. Т. 1999 йил.
5. И.А.Каримов Истиклол ва маънавият. Т. 1994 йил.
6. Р.Мавлонова ва б. Педагогика. Т. 2001 йил.
7. А.+Мунавваров. Педагогика. Т. 1996 йил.
8. Педагогика. Маърузалар матни. Т. 2000 йил.
9. Абу Райхон Беруний руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. Т. 1992й
10. У.Маҳкамов. Ахлоқ-одоб сабоқлари. Т. 1994 йил.

Замонавий тарбия маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда, ўқитувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулоқатидир.

Бирор бир мақсадга қаратилган тарбия жараёнининг моҳияти ва вазифалари тарбиячи томонидан ривожлантирилади ва тартибга солинади:

А).Талабанинг қайси хислатини шакллантириш ёки йўқотиш мақсадида режалаштирилади:

Б). Шу хислатларни тарбиялаш ёки йўқотиш учун хизмат қилувчи манбаларни излаб топади:

В). Белгиланган мақсад учун хизмат қиладиган назарий ва амалий манбаларни қайсисини ва қаерда ишлашни режалаштирилади.

Бундай режага солиниб олиб борилган тарбия моҳиятини таълим-тарбия тизими, жамият ва инсонларнинг интеллектуал ва жисмоний фаолиятини ташкил қилади.

Замонавий тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли ниҳоятда беқиёсдир. Инсонни тарбиялаш, уни билим олишга, меҳнат қилишга ундаш ва хатти-ҳаракатини секин-аста кўникмага айлантириб бориш лозим. Инсоннинг мушоҳада қилиш қобилиятини тарбиялайди ва мушоҳада қилиш ақли пешлайди. Ақл онгни сақлайди. Онг эса моддий ва маънавий манбага айланади. Шу тарзда инсон аста-секин такомиллашиб, комилликка эришиб боради.

Бугунги кунда педагогика фани ҳам, амалиёти ҳам такомиллашиб бормоқда. Шунингдек, тарбия жараёни ҳам замон талабига монанд такомиллашиб боради.

Мустақил жамиятимизнинг қисқа тарихий даври сабоқларини, ғояларини, тамойилларини талабалар онгига сингдириш, уларни ақлан баркамол ва маънавий бой қилиб тарбиялаш биз тарбиячилар ва оналарнинг бурчимиздир. Президентимиз И.А.Каримовнинг «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз» мавзусидаги «Туркистон» газетаси мухбирларининг саволларига жавоблар (1999 йил 3 февраль) биз учун дастуриламман бўлади.

Ақл кишининг ўз иродаси, қалби ва фикри асосида дунёвий ҳаётий ҳақиқатларни англаш ва уларга ўз фаолиятида маънавий-инсоний нуқтаи-назардан амал қилишдир.

Ақл инсонларнинг пири комили, муршиди, яғонасидир. Комил инсон деганда, биз аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўради, ўз фикри, ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади.

Дарҳақиқат, илм-маърифатлилик куч-қувват манбаи, қалбга нур, ўзига зиё бағишлайдиган буюк неъматдир. Шу сабабли ҳам инсон ҳаётда қунт билан илмни ўрганиши туфайли ақл-заковати юксалади, бахтли ҳаёт учун курашади.

Бизга маълумки, инсон ҳаёти учун муҳим бўлган илм хикматларини ўрганишда ота-боболаримизнинг фаолияти ва уларнинг ёшларга кўрсатган ғамхўрликлари беқиёсдир.

Халқимиз орасидаги қуйидаги ўғитлар инсонларни илм-маърифатга даъват этувчи буюк кучдир.

Инсон учун ақл, эшик очувчи, ахлоқий йўл кўрсатувчидир. Етук ахлоқ ва одоб инсоннинг зийнати, доноларнинг фазилатидир. Ақлли киши ахлоқли бўлсагина, халқига, мамлакатига, ёру дўстларига наф келтиради. А. Навоий ўзининг ақлли, ибратли ахлоқи, одоби билан мамлакатига, халқига ҳеч қачон сўнмайдиган буюк мерос қолдирди. У ўзи ҳаёт бўлган даврлардаёқ, ақли ва ахлоқи билан халқига, мамлакатига кўп фойда келтирди, дўсти Хусайн Бойқаро давлатни адолатли мезонлар асосида бошқаришга ёрдамлашишга интилди. Навоийнинг доно маслаҳатлари туфайли у кўп фалокатларни олдини олди, ҳалокатлардан қутилиб қолди.

Ақл-инсоннинг эпчиллик, буёдорлик, инсонпарварлик сифатлари мажмуасидан иборатдир.

Абдулла Авлонийнинг ёзишига, ақл-идрокнинг тантана қилишига ишонмоқ лозим. Чунки, «Ақл инсонларнинг пири комили, муришди яғонасидир, руҳ ишловчи, ақл бошқарувчисидир. Инсон ақли ила дин ва эътиқодини маҳкам қилур, шариат ҳукмларига бўйсунур».

Ақл-заковат, эҳтиёж ҳам объектив заруриятни онгли тушуниш билан боғлиқ бўлган маънавийдир, яъни англаган мақсадлар тизимидир. Бинобарин, ҳар бир даврнинг эҳтиёжлари ҳам, ижтимоий, иқтисодий тараққиёти ҳам илмий тафаккури салоҳияти даражаси билан белгиланади. Бирор муаммони ҳал этиш имкониятларини инсон ўз ақл-заковати, билими, кучи ва иродаси билан аниқлайди.

Жисмоний тарбиянинг асосий мақсади-ўқувчилар танасидаги барча аъзоларни соғлом ўсишни таъминлаш баробарида уларни ақлий ва жисмоний меҳнатга, шунингдек, Ватан мудофасига тайёрлашдир. Бу ғоя азал-азалдан ота-боболаримиз маънавиятида акс этиб келмоқда.

Жисмоний тарбия кишиларга катта таъсир кўрсатиб, саломатлигини мустаҳкамлайди, ишлаш қобилиятини оширади, узоқ умр кўришга ёрдам беради. Жумладан, халқ ижодида «Алпомиш», «Гўр ўғли» каби дostonларда ҳам ўз ифодасини топган.

Демак, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний баркамоллигини таъминлаш фақат ота-она мактабининг ишигина бўлиб қолмасди, балки давлат аҳамиятига молик иш ҳамдир.

Жисмоний тарбияга бўлган эътибор ғамхўрликнинг кун сайин ошиб бориши фикримизнинг ёрқин далилидир. Маълумки жисмоний тарбия ёшларни тарбиялашнинг биологик олимларига, шароитларидан келиб чиқувчи биологик табиатига асосланади. Жисмоний тарбия мазмуни

жисмоний камолат, жисмоний ҳолат диагностикаси, жисмоний тарбия маданияти, жисмоний маълумот тушунчаларида ўз ифодасини топади. Жисмоний камолат жисмоний тарбия савияси, фан тили билан айтилганда, жисмоний тарбия самарадорлиги кўрсаткичидир.

Жисмоний маданият жисмоний тарбиянинг таркибий қисмидир. Шу билан биргаликда жисмоний маданият инсон ва жамият умумий маданиятининг ҳам ажралмас қисми. Жисмоний маданият мазмунига қуйидагилар киради:

1. инсон аъзоларинг тузилиши ва уларнинг функционал камолати. Ички аъзолар, нерв ва ҳаракат, суяк-мускул тизими, баданнинг уйғунлиги ва уларнинг функционал фаолиятини бошқариш.
2. ўқувчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш.
3. гигиена қоидаларига кўниш.
4. ўқувчиларнинг ҳар томонлама моҳирлигини ўстириш.
5. бўлажак ишчи меҳнаткашларнинг жисмоний ва физиологик сифатларини касб аҳамияти жиҳатидан шакллантириш, иш қобилиятларини ошириш.
6. ўқувчиларнинг жинсий ва ёш хусусиятлари учун шароит яратиш.
7. ўқувчиларнинг ирода, чидамлилиқ, қатъиян интизом, дўстлик ҳиссини камол топтириш.
8. шахсий жисмоний қобилиятларини тарбиялаш.

Кўриб турибдики, жисмоний тарбия мазмуни бениҳоя кенгдир. Бу восита ёшларимизнинг турмуш тарзини, жисмоний маданият ва спорт асосида мазмунли шаклланишини таъминлайди.

Илғор педагогик тажрибаларнинг кўрсатишига, жисмоний тарбия ўқувчи ва ўқувчилар жамоаларининг турмуш тарзи ва дастурига айланади.

Жисмоний маданият-спорт ишлари ёки оддий спорт шўъбалари, клублари, гуруҳлар ва оммавий мусобақалар ва ҳақозоларда намаён бўлади.

Жисмоний тарбия мазмунида «жисмоний меҳнат», «жисмоний таъсир», «жисмоний жазо» ва бошқа иборалар ҳам учраб туради. Жисмоний меҳнат ақлий меҳнатдан фарқли ўлароқ, инсоннинг жисмоний

кучи, мушак қисмларининг ҳаракатлари ва бошқалар билан боғлангандир. Жисмоний таъсир-бу инсон баданига ё бирон-бир буюм билан, ёки инсонлар томонидан таъсир кўрсатишдир. Жисмоний жазо-бу ўқувчидаги хулқий камчилик ёки бирон-бир ноахлоқий хатти-ҳаракатларини бартараф этиш мақсадида қўлланилади.

Экологик тарбия-инсоннинг атроф-муҳитга нисбатан муносабатини тарбиялашдир. Экологик таълим-тарбия умумий таълим-тарбиянинг янги шакли ва таркибий қисми бўлиб, мактабда барча фанларни ўқитишда амалга оширилиши кўзда тутилади. Экологик таълим-тарбиядан бош мақсад ҳам ёш авлодда атроф-муҳит ва унинг му аммоларига онгли муносабатни шакллантиришдан иборатдир.

Экологик тарбия беришни тайёрлашнинг мазмуни қуйидагиларни ўз ичига олади:

-атроф-муҳит ва унинг шахс маънавий дунёсига таъсири:

-табиат ва унинг аҳамиятини аниқлаш:

-табиатга муҳаббатни ривожлантиришда мактаб ва оилани ҳамкорлиги:

-ўз районини, шаҳарини, қишлоқ ва мактаби ховлисини кўкаламзорлаштиришда, хатто, синф хонасидаги ўсимликларни ҳам парваришларшаг қизиқишларини ошириш:

-атроф-муҳит муҳофазаси, бунда болаларнинг вазифалари:

-табиатни муҳофаза қилишда ота-оналарнинг намуналари:

-оиладаги, мактабдаги табиатни, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини эъозлашга ўргатиш, жонивор ва қушларни парвариш қилиш:

-табиатга онгли муносабат жараёнида ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтириш:

-ёшларнинг экологик тарбиялашда миллий анъана ва удумларни қайта тиклаш, уларга эътиборни кучайтириш.

Эстетик тарбия онги кенг маънога эга бўлиб, шахсни табиат ва жамиятдаги гўзалликларни идеал нуқтаи назардан идрок этишга ўргатади.

Эстетик ривожлантириш-бу шахснинг эстетик онги, муносабатлари ва эстетик фаолиятининг вужудга келиши ҳамда такомиллашуvidан иборат узок давом этадиган жараён дир.

Эстетик тарбия ўқувчиларда эстетик билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни ҳамда, эстетик хис-туйғу, қизиқиш, эҳтиёж, баҳо бериш каби хислатларни тарбиялаш масаласини ўз ичига олади.

Эстетик тарбия воситалари-ўқувчиларнинг эстетик ривожланишларини таъминлаш мақсадида теvarак-атрофдан танлаб олинган турмуш, табиат, санъат эстетикаси ва болаларнинг бадий фаолияти, таълим жараёни ҳисодланади.

Табиат-энг муҳим тарбия воситасидир. Табиат турлича эстетик кечинмаларнинг асоси бўлиб, бу асос табиатдан таъсирланишга, уни кўра билишга, эшита олиш қобилиятига боғлиқдир.

Санъат турлари асосий тарбия воситаларидан биридир. Санъатнинг хилма-хил кўринишлари ва жанрлари ёрдамида ўқувчиларнинг ранг тасвир, қалам тасвир ҳақидаги билимлари, хайкалтарошликка доир кўникма ва малакалари, ижодий қобилиятлари шаклланади. Расм дарслари тасвирий, амалий архитектура санъати, ўзбек ва чет эл санъати усталарининг ижодлари, асарлари билан таништиради.

Нафосат тарбияси, эстетик тарбия-бу ўқувчиларни воқеликдаги, санъатдаги, табиатдаги кишиларнинг ижтимоий ва меҳнат муносабатларидаги, турмушдаги гўзалликни идро қилиш ҳамда тўғри тушунишга ўргатиш, уларнинг бадий дидини ўстириш, уларда гўзалликка муҳаббат уйғотиш ва ҳаётга гўзаллик олиб кириш қобилиятларини тарбиялашдир.

Нафосат тарбияси-энг аввало ҳар бир кишида бадий ҳиссиёт туйғуларини, бадий дидни тарбиялашдир.

Нафосат тарбияси бугунги кунда шунинг учун ҳам муҳимки, дид-фаросатлилик меҳнатда, ишлаб чиқаришда, кундалик амалий фаолиятида ҳар бир инсон учун ҳаётга эҳтиёжга айланиб қолган.

Саволлар.

1. Замонавий тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли?
2. Алломаларимизнинг ақлий тарбия тўғрисидаги фикрлари?
3. Жисмоний тарбиянинг асосий таркибий қисмлари?
4. Экологик тарбияда юзага келадиган глобал муаммолардан мисол келтиринг?
5. Эстетик тарбияда намаён бўладиган воситалар?

Тест.

1. Замонавий атрбия ўқитувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро қандай мулоқати?

- А. Амалий ва назарий.
- Б. Объектив.
- В. Субъектив.
- Г. Нутқий.
- Д. Сўз.

2. Инсон учун нима эшик очувчи, ахлоқий йўл кўрсатувчи?

- А. Идрок.
- Б. Ахлоқ
- В. Ахлоқий нормалар.
- Г. Одоб.
- Д. Ақл.

3. +айси алломалар ақлий тарбия тўғрисида ўзларинг ноёб фикрларини айтишган?

- А. Бехбудий, Сократ.
- Б. Платон, Арасту.
- В. Навоий, Авлоний.
- Г. Демокрит, Ушинский.
- Д. Коменский, Платон.

4.-инсоннинг эпчиллик, бунёдкорлик, инсонпарварлик сифатлари мажмуаси?

- А. Ақл.
- Б. Маҳорат.
- В. Кўникма.
- Г. Билим.
- Д. Онг.

5. +андай камолат жисмоний тарбия савияси?

- А. Маданий.
- Б. Тарбиявий.
- В. Таълимий.
- Г. Жисмоний.
- Д. Эстетик.

6. Жисмоний маданият мазмунига нечта пункт киради?

- А. 8
- Б. 7
- В. 6.
- Г. 5.
- Д. 4.

7. Спорт ишлари ёки оддий спорт шўъбалари, клублари, гуруҳлар ёки оммавий мусобақалар қайси соҳада намоён бўлади?

- А. Жисмоний меҳнат
- Б. Жисмоний маданият
- В. Жисмоний атъсир.
- Г. Жисмоний жазо.
- Д. Тўғри жавоб берилмаган.

8. Ўқувчиларни воқеиликдаги, санъатдаги, табиатдаги, кишиларнинг ижтимоий ва меҳнат муносабатларидаги, турмушдаги гўзалликни идрок қилиши қайси тарбияда намоён бўлади?

- А. Нафосат тарбияси.
- Б. Иқтисодий тарбия.
- В. Жисмоний тарбия
- Г. Экологик тарбия.
- Д. Ақлий тарбия.

17.Мавзу: Оила тарбияси ва унинг мақсад ва вазифалари.

Мақсад: Тарбиянинг мураккаб жараён эканлиги ҳақида кенг маълумот бериш.

Машғулотнинг методик таъминоти: плпкатлар, жадваллар, тарқатма материаллар.

Режа:

1. Жамиятимизда оиланинг ўрни.
2. Инсоннинг келажаги оилага ва оилавий муносабатларга боғлиқлиги.
3. ота-онанинг фарзанд олдидаги ва аксинча фарзанднинг ота-она олдидаги бурчлари.
4. Мактабнинг оила билан ҳамкорлигини таъминлашнинг амалдаги шакллари: оилага бориш, суҳбатлашиш, ота-оналар мажлиси, савол-жавоб кечаси.
5. Оила тарбияси йўналишлари ва ҳал этиш йўллари.
6. Тарбияда миллий удум ва одатлар.

Таянч тушунчалар. Оила, оила вазифалари, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи ва аксинча ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари.

Адабиётлар.

1. И.А.Каримов «тарихий хотирасиз келажак йўқ». Т. 1999 йил
2. А.Мунавваров. Педагогика дарслиги. Т. Ўқитувчи. 1996 йил.
3. /айбуллаев Н.Ёдгоров Р. «Педагогика». 2000 йил.
4. /озиев Э. «Психология» ўқув қўлланма. Т. 1994 йил.
5. А.Мунавваров «Оила педагогикаси». Т. 2001 йил

Оила жамиятнинг бир бўлаги. Оила мураккаб ижтимоий гуруҳ бўлиб, биологик, ижтимоий, ахлоқий, мафкуравий ва руҳий муносабатларнинг бирлашуви натижасида вужудга келади. Оила тор маишайи тушунча эмас, балки у ижтимоий жамоадир. Шу сабабли оилалар бирлашиб жамиятни ташкил этади.

Маълумки оилаларнинг аҳил, тинч-тотув ҳаёт кечириши-бу жамият бутунлигидир. Чунки «Оила» жамият тараққиётининг ҳар қандай босқичида ҳам давлат манфаатларини акси сифатида қаралган. Шу боис ЮНЕСКО халқаро жамияти ва БМТ томонидан 1994 йил Бутун жаҳон «Оила йили» деб қилиниши ҳамда давлатимиз раҳбари ИА.Каримов томонидан 1998 йил Ўзбекистонда «Оила йили» деб эълон қилиниши, «Оила» илмий-амалий Марказининг ташкил этилиши оиланинг нақадар муқаддаслигидан далолат беради. Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан ҳайрли ишлар ва тадбирлар ўтказилаётганлиги оила-никоҳ муносабати алоҳида эътиборда эканлигини кўрсатади.

Оиланинг жамиятдаги ўрни борасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши ҳуқуқига эга» деб ёзилган.

Шундай экан ҳар қандай жамиятнинг келажаги, тараққиёт йўли шу жамиятда яшаб ижод этаётган шахсларга, улар яшаётган ахлоқий илмий бойликларига боғлиқ. Шу боис оила барқарорлигини таъминлаш ҳамда оилада соғлом психологик муҳитни юзага келтириш бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир.

Инсон шахсини шакллантириш оиладан бошланади. Оилавий тарбияни тўғри ташкил этишда оиладаги ахлоқий вазият, ота-оналарнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг болаларга, меҳнатга ва ижтимоий ҳаётга муносабатлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Манфаатлари муштарак бўлган дўстона оилада унинг ўзига хос одамлари, анъаналари пайдо бўладики, улар самимий вазиятларни, яқинлик ва қадрдонликни вужудга келтиради. Бундай оилаланинг аъзолари барча тантаналарни бирга ўтказадилар. Болалар ҳам умумий, ижобий ақлга кириб борадилар. Бунда энгмуҳим нарса ота ва онанинг хулқ-атвори, бир-бирига муносабатидир. Ота билан онанинг ўзаро муносабати нормал бўлмаган, қўполлик, жанжалкаш, адолат ҳукмронлик қилган оилада боланинг тўғри камол топишига имкон борадиган шароит яратишни умид қилиш қийин.

Тарбиянинг асоси оилада шаклланади. Болани ёшлигидан меҳнатга ўргатиб боринг. Инсон бирданига меҳнаткаш бўлиб қолмайди. Бунинг учун болага буюрган вазифаларингизни сўраб, бажарганлигини назорат қилиб туринг.

Ота-онанинг бир-бирига бўлган муҳаббати оилада қувноқ кайфият, кўтаринки руҳ соғлом вазиятни вужудга келтиради. Оилада ота-она оила

аъзолари ўртасидаги муҳаббат туйғулари уларнинг бутун биргаликдаги турмуши мобайнида сақланиши оилавий тарбиядаги асосларнинг асосидир.

Комил фарзандли бўламан, бахтли оила кураман деган мақсад билан оила курдингиз, аммо бу мақсадга эришиш фарзанд тарбиялашдаги муҳим омилларни, фарзанд олдидаги бурчларни билиб иш кўришни тақоза этади.

Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-66- моддасидан парча келтириш лозим.

Фарзандга чиройли исм қўйиш, (фарзандингиз ўз исмини ўзгаларга айтганида орланмасин) саводини чиқариш иқтидорига қараб билим бериш, имкониятига яраша ўқитиш ва касб-ҳунар ўргатиш.

-уйлантириш, турмушга чиқариш.

-уйли-жойли қилиш.

-фарзандлар орасидаги мерос тақсимотида адолатли бўлиш.

Фарзанднинг ота-она олдидаги бурчлари.

-ота-онанинг панд-насихатларига кулоқ солиш, уларга ҳар доим ёрдам бериш меҳрибон,эътиборли бўлиш, оила ишларига ҳам маънавий, ҳам иқтисодий ёрдам бериш.

-ҳар бир фарзанд ўз сингил ва укаларига меҳрибон, йўлбошчи ва йўлдош, одобда, ахлоқда, ишда, илм-ҳунарда ўрганишда ўрнатқ бўлиш.

-ота-оналарининг нимага муҳтож эканликларини қалбан ҳис қилиш, уларга бу борада маънавий меҳрибонлик кўрсатишю

-оилага бераётган маънавий ва иқтисодий ёрдамини миннат қилмаслик.

-таваллуд, байрам ва ҳайит кунларида йўқлаб туришни қанда қилмаслик.

-кекса ота-оналарига ғамхўрлик қилиши, ширин муомалада бўлиши, орзу ниятларини амалга ошишида ёрдам бериш.

-вақти соати етиб, бандалиқни бажо келтирсалар, иззат-икром билан охириги манзилга кузатиш, маъракаларини камтарона, дабдабасиз, қариндош-уруғлар, уни билган, ҳурмат қилган энг яқин одамлар билан ўтказиш.

Болаларни баркамол инсон қилиб етиштиришда мактабни оила билан боғламасдан, муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шунинг учун мактаб ота-оналар ўртасида таълим-тарбияга оид ишларни кўпайтириш лозим. Ота-оналарнинг ўқитувчилар билан бўлган учрашувларида айтган фикрлари айниқса, ота-оналар учун қимматлидир, чунки улар ўз фарзандлари тўғрисида кўпроқ нарсаларни билиб оладилар. Шундай экан,

бола тарбиясининг туб моҳиятини унутган, ҳар бир ота-она оила билан мактаб ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга интиладилар.

Бола мактабга кириб, то уни тамомлаб чиққунга қадар ота-она мактаб билан яқин алоқа ўрнатиши, фарзандининг ўзлаштириши, хулқ-атворидан ҳамиша хабардор бўлиши тарбия масалалари бўйича ўқитувчи синф раҳбари билан маслаҳатлашиб, уни дарсдан сўнг болани нима билан машғулликдан хабардор қилиши лозим. У ўз навбатида ўқитувчи ҳам боланинг ўқиши, одоби, хулқи, мактабда ўзини тута билиши ҳақидаги маълумотларни ота-онага етказиш, зарурият туғилганда ҳосил бўлган муаммоларни биргаликда ҳал қилиши зурур. Шундагина ўқувчи олдига бир хил талаб қўйилишига эришилади.

Ота-оналарнинг маҳалла фаоллари, меҳнат фахрийлари билан тарбия соҳасида ҳамкорлик қилишлари жуда муҳимдир. Мактаб билан ота-оналарнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида мактабларда ота-оналар кўмитаси ташкил қилнади. Бу кўмигага мактаб директори раҳбарлик қилади. Бундан ташқари, ҳар битта синфда ота-оналар кўмитаси тузилади. Уларнинг иш мазмуни ота-оналар кўмитаси тўғрисидаги низомда белгиланган. Ҳамма ота-оналар кўмиталари ҳар бир ўқув йилининг бошида бутун ўқув йили учун тузилади. Синф ота-оналар кўмитаси ота-оналар йиғилишида 3-5 кишидан иборат қилиб сайланади. Синф ота-оналар кўмитасининг раиси мактаб ота-оналар кўмитасига аъзо қилиб ҳисобга олинади. Шу сабабли мактаб ота-оналари умумий йиғилишида синф ота-оналари мажлиси тавсия этган. Кишилардан сайланади. Мактаб ота-оналар кўмитаси аъзоларининг сони ҳар бир мактабнинг катта-кичиклиги, иш шароитига қарпаб ота-оналар умумий йиғилиши қарори билан белгиланади, лекин уни тузилишида ҳар бир синф ота-оналар кўмитаси аъзоси бўлиши шарт. Мактаб ота-оналар кўмитаси аъзолигига мактабни оталиққа олган ташкилотнинг вакиллари ҳам киритилади. Кундалик ишларини бажариш ҳамда ота-оналар кўмитаси ва назорат ишларига раҳбарлик қилдиш учун мактаб ота-оналар кўмитаси раиси ва унинг ўринбосари котиби ва 5-7 аъзодан иборат ҳайъат сайланади.

Мактаб оила ва жамоатчилик ҳамкорлигини йўлга қўйишда синф раҳбарларининг тарбиявий фаолиятлари ниҳоятда муҳимдир. Масалан, синф раҳбарларининг ҳар бир хонадаонга кириб бориши, шу оилага ота-оналарга ҳурмат сифатида баҳоланади. Тарбиявий чора тадбирларини белгилашда синф раҳбарининг ўқувчилар кўз олдида ота-оналари билан суҳбатлашишлари уларнинг тарбиясига таъсир кўрсатади. Хатто, синф раҳбарининг ўқувчи уйига келишининг ўзи уларнинг қалбларини қувончга тўлдиреди. Фақат синф раҳбарлари эмас, балки фан ўқитувчиларининг ҳам ота-оналари билан қилаётган ҳамкорликлари ўқувчилар ҳаётида сезиларли

из қолдиради. Бу билан уларнинг хурсандчилигини оширади, янада куч-ғайрат сарфлашга илҳомлантиради.

Демак, мактаб оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги болалар тарбиясида асосий ҳал қилувчи бўқин бўлиб, бунда ўқитувчи-тарбиячиларнинг ташкилотчиликлари муамони ижобий ҳал қилувчи бўқин бўлиб, бунда ўқитувчи-тарбиячиларнинг ташкилотчиликлари муомилани ижобий ҳал этувчи омил ҳисобланади. Шунингдек ҳозирги иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар шароитида оилавий тарбия масалаларига эътибор янада кучайиб долзарб мвзуга айланмоқда.

Инсон вагонлаб китоб ўқиши мумкин. Аммо ролган билимлари асосида ўз маънавиятини, тафаккурини, онгини камолатга етказмас экан, у ўқиб, ўқимасдан маънавий қашшоқ бўлиб қолаверади. Олган билимлари ва ҳаётий сабоқлари йиғиндиси назариялигича қолиб кетаверади. Шунинг унитмслик керакки, беморни касалини даволаш, унинг руҳиятини ва маънавий камолатини шакллантиришдан кўра осонроқдир.

Саволлар.

1. Оила деб нимага айтилади?
2. Оилада онанинг вазифаси нимадан иборат?
3. Оилада отанинг вазифаси нимадан иборат?
4. Оила мустаҳкам бўлиши учун нима қилиш керак?

18.Мавзу: Ўзбекистон Республикасида таълим тизим ва уни бошқариш.
Таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий принциплари.

Мақсад: Ўрта таълим ва касб-ҳунар, академик лицейларни бошқариш принциплари, таълим турлари, бошқариш ваколатлари билан таништириш.

Машғулотнинг методик таъминоти: плакат, тарқатма материаллар.

Режа:

1. Педагогик бошқариш тушунчаси.
2. Ўқув-тарбия муассасаларини бошқариш принциплари.
3. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини бошқариш.
4. Умумий ўрта таълим ва касб-хунар, академик лицейларни бошқариш.

Таянч тунунчалар. Педагогик бошқариш принципи, ваколатли орган, таълим муассасаси, режалаштириш, раҳбарлик, омил.

Адабиётлар.

1. И.А.Каримов «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» Т. «Шарқ». 1997 йил.
2. «Таълим тўғрисида»ги қонун. 1997 йил.
3. А.Мунавваров. Педагогика дарслиги. Т. Ўқитувчи. 1996 йил.
4. Халқ таълими журнали. №4.1998 йил.
5. Педагогика. Р.Мавлонова. О.Тўраева. К.Холиқбердиев. Т. «Ўқитувчи» 2001 йил..
6. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисида низом. 1998 йил. 13 май.
7. М.Мирқосимов «Мактабни бошқаришни такомиллаштириш». Т. 1986 йил.

Халқ маорифини бошқариши давлатимиз сиёсатининг бевосита ифодасидир.

Умумий ўрта ва касб-хунар таълимининг ривожланиши уларнинг мақсад ҳамда вазифаларини тобора яқинлаштириб, бирлаштирмоқда.

Бошқарув органлари баркамол авлодни ўқитиш ва табиялаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишлари, ечилган масалаларни ўз вақтида ўз ижодий хал этишлари барча ўқув қарорининг иш савияси ҳозирги замон талабларига мувофиқ этишларини таъминлашлари керак.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдан бош мақсад ва пировард натижа ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, XXI-асрнинг эркин фикрли ўз Ватани ва халқининг манфаатларига садоқатли ёрқин шаклларни вояга етказишда намаён бўлади. Бу

мақсадга етишиш умумдемократик янгиланишлар жараёнида, жамиятни эркинлаштириш, мамлакатга яъни ижтимоий-сиёсий муҳитни шакллантириш билан боғлиқдир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурни амалга ошириш, ҳаётга тадбиқ қилиш, ҳар бир муболағасиз, стратегик мақсадларимиз фарован қудратли демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишимизнинг асоси бўлмоғи лозим.

Бу барча давлат ва жамоат ташкилотлари, табиийки, энг аввало, узлуксиз таълим тизими муассасалари фаолияти мазмунини тубдан қатадан кўриб чиқишни тақоза этадиган мураккаб жараёндир. Ижтимоий амалиёт, жамоатчилик тарбияси, таълим ва тарбиянинг аниқ мақсадга қаратилганлиги эркин шахсни шакллантиришнинг асосини ташкил этади.

Эркинлаштириш, жамиятни маънавий янгилаш, биринчи навбатда, ёш авлод анъаналари инсонпарварлик ва демократик кадриятларни сингдириш орқали таъминланади.

Бошқарув ҳар қандай жамиятга хос бўлган, ҳаёт ва турмуш заруратидан келиб чиқадиган фаолиятдир.

Бошқарув-тараққиётнинг ҳар қандай босқичида жамиятга хос бўлган ички хусусиятдир.

Жамиятни ва айрим аъзолар маънавий ривожланишини бошқарув ва бошқаришнинг асосий бир туридир. Биз яшаётган жамият тараққий этмоғи учун юксак интеллектуал потенциалга эга бўлмоғи керак. Ижтимоий тарбияни илм ва маърифат беришни аҳолига маиший-маданий хизмат кўрсатишни илмий асосда бошқариш зарурати ана шундан келиб чиқади.

Илмий техника инқилоби асрида маънавий ишлаб чиқариш соҳасини бошқариш ғоят катта аҳамият касб этади. Бу шаклдаги бошқариш умумий таълим мактаблари, мактабгача, мактабдан ташқари болалар муассасалари, халқ таълими органлари, ҳунар техника билим юртлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, педагогик кадрлар малакасини ошириш институтларини бошқариш, фан, адабиёт, санъат, маданият, соғлиқни сақлаш каби соҳаларни бошқаришни ўз ичига олади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат.

1. Таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик тавсифга эканлиги. Давлатимизда ташкил этилаётган таълим ва тарбия жараёнида шахс ор-номуси, кадр-қиммати, маънавий ҳамда маърифий ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, унинг имконият яратиш шунингдек хоши истаги ва эҳтиёжларини инобатга олиш масалалари назарда тутилади.

2. Таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги. Таълим жараёни дидактик характер касб этиб ўқувчиларга берилаётган кўникма ва малакаларнинг узлуксиз доимий ривишда шаклланишни таъминлайди. Узлуксиз ва изчиллик маълумотлар, ходиаслар ва фан асосларини ўрганишнинг тартибга солинишини, аввалги ва кейинги материаллар ўртасида кетма-кетликни таъминлашни англатади. Ҳар бир ўқув фани муаян мантикий изчилликда ўқитилиши лозим. Мазкур принцип шу ҳолатни ифода этишга хизмат қилади.
3. Умумий ўрта шунингдек ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг мажбуриятлиги. Мазкур принцип Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимини олишнинг Республика фуқаролари учун шартлигини ифода қилади. Республика ҳудудида умумий ўрта шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бепул бўлиб, уларнинг фаолиятини ташкил этиш республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларига ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади.
4. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими йўналишини академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги. Ушбу принцип ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишини ўқувчининг ўз қизиқиши, эҳтиёж ҳамда лаёқатига мослиги (муайян мутахассисликда ихтисослаштирилган академик лицей ёки маълум касб-ҳунар коллежида таҳсил олишни) эркин танлаш ҳуқуқига эгаллигини ифода этади.
5. таълим тизимининг дунёвий тавсифда эканлиги. Ушбу принцип Ўзбекистон ҳудудидаги мавжуд таълим муассасаларида ёшларга дунёвий тавсифдаги илмий билимларни беришни назарда тутди. Таълим муассасаларида жангари, бузғунчилик кайфиятидаги, шунингдек миллий низолар ҳамда диний адолатларни келтириб чиқаришга хизмат қилувчи ғояларнинг тарғиб этилиши, улар ёшларнинг онгига сингдирилиши қонун йўли билан тақиқланади. Ёшларга диний билимларни бериш давлат акредитациясидан ўтган (Республика Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган) ҳамда диний таълим-тарбия бериш ҳуқуқига эга таълим муассасалари, шунингдек махсус диний маълумотларга эга ушбу фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини қўлга киритган шахслар томонидан амалга оширилади.
6. Давлат таълим сандартлари доирасидаги таълим олишнинг ҳамма учун аниқлиги. Республика фуқаролари исталган таълим

муассасалари (таълим муассаси Низомида кўзда тутилган талабларга мувофиқ) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йилнинг 16 августда қабул қилинган «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори шунингдек бу борада ўрта махсус касб-хунар ва олий таълимнинг давлат итаълим стандартлари тўғрисидаги қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда олий ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан ишлаб чиқилган ДТС талабларига мувофиқ таълим олиш ҳуқуқига эгадирлар.

7. Таълим дастурининг танлашга ягона табақалаштирилган ёндашув. Фанлар бўйича яратилган дастурлар орасида ўқув дастурини яратишга қўйиладиган талабларга мувофиқ яратилган ҳамда энг мақбул деб топилган дастурни танлаб олиш асосида таълим муассасаларида таълимни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек мутахассислик ва касб-хунар таълимининг ўзига хос ислохотларини инобатга олиб яратилган дастурлар асосида таълим жараёнини ташкил этишлари мумкин.
8. Билимни бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш. Таълимни ташкил этишдан кўзланган мақсад ва авлодга чуқур билим бериш улардаги мавжуд лаёқати ва истеъдодларини ривожлантиришдан иборатдир. Бугунги кунда жамиятимизда ёшлар орасидан билимли, иқтидорли ўқувчиларни (талабаларни) аниқлаш ва уларни қўллаб қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу мақсад йўлида фаолият олиб бериувчи қатор жамғармалар чунончи истеъдодли ёшларни қўллаб қувватловчи «Умид» ва «Улуғбек» жамғармалари тшкил этилди. Мазкур жамғармаларнинг хомийлигида юзлаб ўқувчи ва талалбалар етакчи хорижий мамлакатларда таълим олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.
9. Таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш. Самарали таълимни ташкил этиш жамият тараққиётини миллатнинг, халқнинг порлоқ келажагини таъминлайди. Шу боис таълимни ташкил этиш нафақат давлатнинг, балки умумхалқ ишидир. Таълим муассасаларида ташкил этилган ота-оналар кўмитаси, ўқувчилар ўз-ўзини бошқариш органларининг кучи ва имкониятларидан шунингдек, оталиқ, хомий ташкилотларнинг молиявий, маънавий қўллаб-қувватлашлари эвазига таълим самарадорлигини ошириш мумкин. Ушбу принцип мана шу ғояни очиқ беришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини бошқаришга умумий раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси олиб боради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларига қуйидагилар киради:

- таълим соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш.
- таълим соҳасидаги давлат бошқарув органларига раҳбарлик қилиш.
- таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
- таълим муассасаларини ташкил этиш ва қайта ташкил этиш ҳамда тугатиш тартибини белгилаш.
- таълим муассасаларини аккредитациядан, педагог, илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш.
- бошқа давлатнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш.
- қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва ҳужжатларнинг эквивалент эканлигини қайд этиш тартибини белгилаш.
- давлат таълим стандартларини тасдиқлаш.
- давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш.
- давлат грантлари миқдорини ва таълим муассасаларига қабул қилиши тартибини белгилаш.
- давлат таълим муассасасининг ректорини тайинлаш.
- таълим лоувчиларни аккредитация қилинган бир таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш.
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

Таълимни бошқариш бўйича ваколатли органларининг ҳуқуқ доирасига қуйидагилар киради:

- таълим соҳасидаги ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш.
- таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услуб муассасаларида уларга раҳбарлик қилиш.
- давлат таълим стандартлари, мутахассисларнинг билим савияси ва касб тайёргарлигига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш.

- ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларини, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш.
- ўқув ва ўқув услубият адабиётларини яратиш ва нашр этишни ташкил қилиш.
- таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва давлат таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш.
- давлат олий таълим муассасасининг ректорини тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.
- педагог ходимларни тайёрлашни улар малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни ташкил этиш.
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг соҳасидаги ваколатлари.

- Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.
- Таълим муассасаларини ташкил этадилар, қайта ташкил этадилар ва тугатадилар (Республика тасаррувида бўлган муассасалар бундан мустасно), уларнинг уставларини рўйхатга оладилар.
- Таълим муассасалари фаолиятининг минтақалари ижтимоий, иқтисодий ривожланиш эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлайдилар.
- Ўз ҳудудидаги таълим муассасаларини ваколат доирасида молиялаш миқдорини ва имтиёزلарни белгилайдилар.
- Таълим сифати ва даражасига, шунингдек, педагог ходимларнинг касб фаолиятига бўлган давлат талабларига риоя этишини таъминлайдилар.
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

Умумий таълим негизидаги ўқитиш муддати 3 йил бўлган ўрта махсус касб-ҳунар таълими узлуксиз таълим тизимининг мажбурий мустақил тури ҳисоланади. Ҳамда «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билим асосларини чуқур ўрганишни танлаган касб-ҳунар бўйича кичик мутахассис сифатида мустақил амалий ишлаш учун кадрлар тайёрлашни таъминлайди.

Таълимнинг ухшбу тури мақсади ва вазифаларни рўёбга чиқариш учун зарур ташкилий ўқув-услуги, модди-технавий ва психик-педагогик шарт-шароитларини таъминлайдиган академик лицейлар ва

касб-хунар коллежлари ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ҳисобланади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси Устав Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январги 5-сон қарори билан тасдиқланган. «Таълим муассасаси Уставнинг ишлаб чиқариш тартиби»га ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги низомга мувофиқ ишлаб чиқилади, таълимнинг бошқаришнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига рўйхатдан ўтказилади.

Касбхунар бўйича чуқурлаштирилган, табақалаштирилган таълим бериш, ў-увчиларнинг интеллектуал ривожланишини ва уларнинг ўз қобилиятлари ва мойилликларига мувофиқ танланган касб-хунар бўйича мутахассисликларни эгаларини таъминлаш ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг мақсади ҳисобланади.

+уйидагилар ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг вазифалари ҳисобланади:

- давлат таълим стандартлари доирасида умумтаълим ва касб-хунар дастурларини бажариш.
- ўқувчиларнинг узлуксиз таълимнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттириши, танланган мутахассисликлар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиши учун зарур ва етарли бўлган билимлар ҳамда касб тайёргарлиги даражасини чуқурлаштириш.
- Республика иқтисодиётининг малакали кичик мутахассис кадрлар бўлган эҳтиёжини қонириш.

Академик лицейларда ва касб-хунар коллежларида умумий таълим ва касб хунар дастурлари уч курсда амалга оширилади. Ўқув йили 2 семестрга бўлинади. 10, 12 ҳафта давомида таътиллар белгиланади.

Ўрта махсус касб-хунар таълими дастурлари давлат таълим стандарти билан белгиланадиган қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- Умумтаълим дастурлари.
- Фанлар ва ўқиш йўналишлари бўйича чуқурлаштирилган, соҳа бўйича ихтисослаштирилган таълим дастури.
- Ўқиш йўналишлари бўйича умумтехникавий касб-хунар ва махсус дастурлар .

Психик ва жисмоний камчиликлари бўлган умумий ўрта маълумотли ўсмирлар учун ўрта махсус ва касб-хунар таълими ўқув дастурлари таълимни бошқариш ваколатига эга бўлган давлат органлари

томонидан соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таълимот органлари билан биргаликда белгиланади.

Ўқитиш сифатида ва даражаларининг давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат тартиботларининг ўтказиш назоратда тутилади.

Жорий назорат-сўровлар, каллоквиумлар, семинарлар, контроль ишлар ва тестлар тарзида билимлар малака ва кўникмалар текширилади.

Оралиқ назорат-семинар тамом бўлганда ва ўқув дастурининг тегишли бўлиши тугаллангандан кейин амалга оширилади. Унинг асосида ўқувчи рейтинги аниқланади. Билимлар, малака ва кўникмаларни баҳолаш учун оралиқ назорат имтиҳонлар, тестлар, синовлар, курс ва малака ишлари шаклида амалга оширилади.

Яқуний назорат-академик лицейда, касб-ҳунар коллежида ўқиш тугаллангандан кейин давлат аттестацияси: имтиҳ онларб тестлар, малака ишлари, диплом лойиҳаларини ҳимоя қилиш шаклида амалга оширилади.

Касб-ҳунар коллежини тугатганлик тўғрисидаги диплом олган мутахассисликка мувофиқ меҳнат фаолиятини амална ҳамда олий таълим муассасасига ўқишга кириш ҳуқуқини беради.

Бошқарув ҳар қандай жамиятга хос бўлган, ҳаёт ва турмуш заруратидан чиқиб келган фаролиятдир. Бозор иқтисоди шароитида бу фаолият моҳияти янада такомиллаша боради. Бунда кўзланган асосий мақсад меҳнат аҳлининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқаришни ва шу аснода барча ижтимоий муносабатларни тараққий этишдан иборат.

Бошқарув халқ манфаати кўзланган ҳолда демократик услуб негизида амалга оширилади. Ўзқўзидан равшанки, бундай бошқарув жараёнда инсон омилиг хусусан миллат манфаати ва миллий қадриятларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Зотан, жамиятимиз риожи учун бошқарув хал қилувчи кучга эган бўлмоғи лозим.

Бошқарув-тараққиётининг ҳар қандай босқичида жамиятга хос бўлган ички хусусиятидир. Бу хусусият умумий ҳарактерга эга. Зотан, бу хусусият ижтимоий жамоа меҳнатида, турмуш ва меҳнат жараёнида кишиларнинг ўзаро алоқада бўлиши, ўз моддий ва маънавий фаолиятининг маҳсулотини алмаштириш заруриятидан келиб чиқади.

Меҳнат ҳамма даврларда ижтимоий характерда бўлган ва шундай бўли қолаверади. Чунки, жамият қонуниятлари шуни тақоза этади. Инсонлар дуёга келиб, онгли ҳаётларни бошлаши биланоқ уюшишга,

биргаликда ишлашга эҳтиёж сезганлар. Бироқ, бу турли даврларда турлича кечган. Барча даврларга хос ягона хусусият бошқарув жараёни билан изоҳланади.

Демак, меҳнатнинг ҳар қандай шакли-ижтимоий ёки биргаликда қилнадиган меҳнат идора қилувчига маълум даражада муҳтождир. Идора қилувчи ўз жамоаси ишларини ир-бирига мувофиқлаштиради. Идора қилувчи ишлаб чиқариш организмнинг мустақил аъзолари ҳаракатидан фарқ қилиб, бутун организм ҳаракатидан келиб чиқадиган умумий вазифаларни бажаради. Обрўли қилиб айтганда якка скрипкачи ўзини-ўзи идора қилади. Лекин оркестр дирижёрига муҳтождир. Демак, тўғри бошқарувнинг муҳим шarti бошқарувчининг, яъни раҳбарнинг фаолиятидир.

Маълумки жамият иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий соҳаларни ўз ичига қамраб олади. Шунга мувофиқ тарзда бошқаришнинг ҳам 3 та асосий йўналиши мавжуддир. Энг асосийси иқтисодий бошқарувдир. Чунки, иқтисод моддий ишлаб чиқариш жамият ҳаёти ва тараққиётининг негизини ташкил этади. Републикамиз мустақилликка эришган ҳозирги даврда иқтисодий бошқаришга жиддий эътибор берилаётгани бежиз эмас. Зотан, миллий тикланиш иқтисодни қайта кўришдан бошланади. Иқтисодий жиҳатдан Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатларга етиб олиш иқтисодий бошқарувни тўғри йўлга қўйилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Мухтасар қилиб айтганда, иқтисодий бошқарув кун тартибидаги энг муҳим масаладир.

Ижтимоий-сиёсий бошқарув кишиларнинг турли жамоалари (ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, эллатлар, жамоалар ва ҳақозолар) ўртасидаги муносабатларни ҳам ана шу жамоалар ичида кишилар ўртасидаги муносабатларни ҳам бошқаришдир. Бошқаришни бу турининг асосий моҳияти турли гуруҳлар иттифоқини янада мустаҳкашлаш ва тараққий эттиришдан иборат.

Ислоҳатлар босқичида меҳнат жамоаларининг ижтимоий ривожланишини бошқариш катта аҳамият касб этади. Негаки барча ишимизнинг муваффақиятли, режаларимиз тақдири кўп жиҳатдан жамоа муносабатларининг такомиллашув даражасига, меҳнат жамоаларидаги «ижтимоий микроиқлимни» нинг соғлом бўлишига боғлиқ. Худди шу жиҳатдан бу турдаги бошқарувдан кўзланган мақсад ижтимоий тафавутларни бартараф этиш жамиятнинг ижтимоий бир хиллигига эришиш, давлат бошқарувини такомиллаштириб ижтимоий ўз-ўзини идора қилишга айлантиришдир.

Жамиятни ва айрим аъзолар маънавий ривожланишни бошқарув-бошқаришнинг яна бир асосий туридир. Биз яшаётган жамият тараққий этмоғи учун юксак интеллектуал потенциалган эаг бўлиш керак. Ижтимоий тарбияни, илм ва маърифатни беришни аҳолига маиший-маданий хизмат кўрсатишни илмий асосда бошқариш зарурати ана шундан келиб чиқади. Илмий техника инқилоби асрида маънавий ишлаб чиқариш соҳасини бошқариш ғоятда катта аҳамият касб этади. Бу шаклдаги бошқариш умумий таълим мактаблари, мактабгача, мактабдан ташқари болалар муассасалари, халқ таълими органлари, ҳунар техника билим юртлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, педагогик кадрлар малакасини ошириш институтларини бошқаришни, фан, адабиёт, санъат, маданият, соғлиқни сақлаш каби соҳаларни бошқаришни ўз ичига олади.

Мактаб бошқарув меҳнати билан шуғулланувчи кишилар (мактаб директори, директорнинг ўқув тарбия ва хўжалик ишлари бўйича ўринбосарлари тарбиявий ишлар ташкилотчиси, услубий бирлашма раҳбарлари, касаба уюшмаси ташкилотининг раси) бошқарувчилик жамоасини ташкил этади.

Мактаб директори ва ўринбосарларининг вазифалари. Мактабдаги ҳамма ишларга директор ва илмий бўлим мудирлари, тарбия ишлари ташкилотчиси раҳбарлик қилади.

Мактаб директори. Мактабнинг барча иши учун шахсан жавобгардир.

Илмий бўлим мудир. Директорнинг таълим-тарбия ишлари бўйича муовинидир. У ўқув тарбия ишларига бевосита раҳбардир. Олий маълумотли камида 3 йил стажга эга бўлган энг яхши ўқитувчигина илмий бўлим мудир бўлиб ишлаши мумкин. Унинг номзодини директор тавсия этади.

Мактабда бошқариш тизими асосан икки бўлинади:

Мактаб раҳбарлари ва ўқитувчилар, тарбиячилар ва ёшлар ташкилотчиси, синф раҳбарлари, услуб бирлашмаларининг аъзолари, техник ходимлар.

Бошқариш соҳасидаги ижрочи ходимларни ҳам иккита асосий гуруҳга: а). Мутахассисларга (ўқитувчи ва тарбиячиларга), б). Техник ходимларга (лаборант, фаррош, электр-монтёр, мактаб қоровули кабиларига) бўлиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими Вазирлиги, +орақалпоғистон Республикаси Халқ Таълими Вазирлиги, халқ таълими вилоят бошқармалари, шаҳар ва туман бўлимлари умумий ўрта таълимни бошқаришнинг ваколатли органлари ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси Умумий Ўрта Таълим Тўғрисидаги Низом).

Мактабда таълим-тарбия ишларини ягона режа асосида ташкил қилиш ва олиб бориш тўғри бошқарув усулининг ажралмас қисмидир. Ҳар бир бошқарув жамоаси фаолиятида муайян тизимининг бўлиши шарт. Чунки аниқ шароит ҳолат ва вазиятнинг хусусияти бутун мактаб жамоаси олдида турган вазифалар билан боғлиқдир.

Тўғри тузилган иш режаси ҳар қандай хатонинг олдини олишг илгари йўл қўйилган хато ва камчиликларни тугатишга ёрдам беради. Шунингдек у мактабда тартиб интизомни тўғри йўлга қўйишда алоҳида аҳамият касб этади.

Умумий таълим мактаблари учун шартли равишда қабул қилинган иш режалари мавжуд. Улар қуйидагилар:

1. Мактабнинг маълум истиқболи даврига мўлжаллаб бир беш йиллик учун тузиладиган иш режаси. Буни мактабни истиқболи иш режаси деб аталади.
2. Мактабнинг бир ўқув йилига мўлажаллаб тузиладиган иш режаси. Мазкур режа мактабнинг истиқболи иш режасининг шу ўқув йилига тегишли бўлган қисми ҳамда мактаб олдида турган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда тузилади.
3. Мактабнинг жорий иш режаси. Мазкур режа мактабнинг бир ўқув йилига мўлжаллаб тузилган иш режаси асосида ишланади.

Мактаб режасини амалга оширишда қуйидагилар муҳим аҳамият касб этади:

1. Юқори ташкилотлар халқ таълими бўлимлари ва мактабга яқин бўлган турли муассасалар билан мустаҳкамлаб алоқа ўрнатилганлиги.

2. Бошқариш ва раҳбарлик ишига билимдон, ўт аҳалол ишбилармон ва яхши маъмурий қобилиятга эга бўлган педагог ходимлар жалб этилганлиги.
3. Кадрлар ўртасида иш тақсимотининг тўғри ташкил этилганлиги.
4. Раҳбар ходимлардан тортиб энг қуйи ижрочигача умумий режадан келиб чиқадиган шахсий (жорий) иш режасини тузиб, шу асосда иш юритиш.
5. Раҳбарнинг мактаб иш режасини тузиб, шу асосда иш юритиш.

Хулоса қилиб шунни айтиш керакки, мактабни бошқариш пухта тузилган режа асосида бўлиши керак. Юқорида зикр қилинган фикр ва мулоҳазалар халқ таълими итузилишини бошқариш, чуончи умумий таълим мактабини бошқариш ижтимоий бооқарувининг ажралмас қисми эканини тақоза этади.

Саволлар.

1. Ўрта махсус касб-хунар муассасаларининг ўқитиш системаси нимадан иборат?
2. Ўрта махсус касб-хунар муассасаларининг ўқитиш мазмунини биласизми?
3. Мактабни бошқариш деганда нимани тушунаси?
4. Бошқариш тизимини таърифлаб беринг?

19.Мавзу: Махсус педагогика ва унинг асослари.

Режа:

1. Болалардаги психик тараққиётини бузилиши ва келиб чиқиш сабаблари.
2. Олигофрен болалар билан таълим-тарбия ишларини ташкил этиш.
3. Нутқ нуқсонлари ҳақида тушунча.
4. Ўзбекистонда махсус ёрдамга муҳтож болалар учун ташкил этилган муассасалар.
5. Эшитиш ва кўриш нуқсонларининг келиб чиқиш сабаблари.
5. Эшитиш ва кўришда нуқсон бор болаларнинг гуруҳланиши.
6. Эшитишда сенсор нуқсон бор ва кўзи ожиз болалар учун ташкил қилинган таълим-тарбия муассасалари, уларнинг хусусиятлари.

Таянч тушунчалар. Сурдопедагогика, тифлопедагогика, синф классификацияси, кар болалар, кеч эшитиш органи сустлашган болалар, анализатор, потологик, абсамот кар болалар, амалий кўрлик. Кринтофталъм, микробифорон, колобома, афталмолог.

Олигофренопедагогина, МНС, идиотизм, имбициаллик, дебиллик, эндоген, эгзоген, эпилептик, постнотал, преднотал. Логопедия, нутк камчиликлари, ривожланиши, нутқаппарати.

Адабиётлар.

1. Р.Мовлонова. Педагогика. Т. «Ўқитувчи». 2002 йил.
2. Олигофрено-педагогика асослари .+.Махмудов.Т.«Ўқитувчи».1994.
3. Т.Ф.Филигова и др. Основы логопедии. М. 1989 г.
4. Л.М.Мўминова. Логопедиядан изохли луқат. Т. 1988 йил.
5. Таълим тўғрисидаги қонун. 1997 йил 29 август.
6. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисидаги қонун» 1997 йил.
7. А.Г.Литвак. Тифлопсихология. М. 1985 йил.
8. В.С.Раҳмонова. Махсус педагогика. Т. 2004 йил.
9. А.И.Мишеряков. Слеполоухонемие дети. М. 1974 йил.

Олигофрения-грекчадан олинган бўлиб, кам ақл деган маънони билдиради. Келиб чиқиш сабабларига кўра наслий ўтиш орқали, ҳомила потологиясининг бузилиши, ҳомила пайтида марказий нерв системасининг шикастланиши, постнотал (туғилгандан кейинги давр) ривожланишидаги кейинги давр ривождаги нуқсонлари бўлиши мумкин. Олигофрен болалар психик ва ақлан ортда қолиш даражасига кўра 3 гуруҳга бўлинади.

1. Идиогиа (идиог).
2. Имбецаллик (имбециал).
3. Дебиллик (Дебил).

Олигофрения-бу ақлий ва психик тараққиёти бузилган ёки ақлий ва психик ривожланмаслик бўлиб, МНС нинг зарарланиши натижасида:

1. Бош мия қобиғининг зарарланиши.
2. Преднотал эмбрионнинг она қорнида зарарланиши.
3. Нотал (туғиш пайтида).
4. Постнотал (хаёти илк ривожланиши босқичларида).

Олигофрениянинг сабаблари экзоген (ташқи) ва эндоген (ички) ҳарактердаги бош миянинг органик зарарланишини турли хил факторларини келтириб чиқаради.

Экзоген-сабабларига онанинг ҳомиладорлик пайтида турли хил юқумли касаллар билан касалланиши сабаб бўлади.

Эндоген-сабабларга боланинг ота-оналаридан ирсий йўл билан ўтувчи касалликлари туфайли психик тараққиёти бузилган бўлиб туғилиши кўрилади.

Бундан ташқари алкоголизм ва норкомания олигофренияни юзага келтиручи ҳам эндоген ва экзоген сабаб бўла олади.

Махсус тадқиқотлар шуни кўрсатадики, олигофрениянинг асосида асосан бош мия ярим шарлари пўстлоғининг диффуз зарарланиши ётади. Бош мия пўстлоғининг диффуз ҳиссий-иродавий билиш фаолиятидаги барча тузилишларини қамраб олади.

Идиотия- олигофрениянинг энг оғир формаси бўлиб кўпинча туғма равишда вужудга келади ва ақлий тараққиётдан бутунлай ортида қолиш хусусиятига эга. Бу болаларда кўникма ва малакаларни шакллантириш мутлоқа мумкин эмас. Шунинг учун идиотия ақлий ортида қолишнинг 1 даражали ёки энг оғир формаси ҳисобланади. Бундай болалар ўқитилмайди ва ота-оналарининг розилигига кўра махсус болалар уйида назоратда бўладилар.

Имбициаллик- олигофрениянинг идиотияга қараганда енгилроқ формаси ҳисобланади.

Имбициал болаларда идрок, хотира ва тафаккур, нутқ функцияларидаги кўпол дефектлар ва бу болаларнинг ёрдамчи мактабларда ҳам таълим-тарбия олишида тўсқинлик қилади. Маълум реакцияларга нисбатан жавоби ҳам суст бўлади.

Балоғатга етгунга қадар бундай болалар ҳам махсус болалар уйларида тақрибланиладилар.

Дебиллик- олигофрениянинг идиотия ва имбициаллик кўринишга нисбатан оддийроқ, онглироқ кўриниш ҳисобланади. Дебиллик ақлий ортида қолишнинг туғма формаси ҳисобланади. Бундай болаларда ҳам ҳаракат реакциялари жуда суст бўлади. Ўз тенгдошларига нисбатан тортинчоқ кўп ҳолларда ҳарфларни сўзга қўша олмайди ва бунинг оқибатида дудукланиш кўзга ташланади.

Дебил болалар ҳам давлат томонидан ҳимояланади ва улар идиот, имбициал болалар каби давлат тасарруфида бўлади.

Олигофрено педагогика ақли заиф болаларни тарбиялаш ва ўқитиш ҳақидаги фан бўлиб, дефектологиянинг бир қисмини ташкил қилади.

Логопедия-логос-сўз, подио-тарбиялаш, ўргатиш деган маънони англатади. Педагогик фанлардан бири бўлиб, нутқ камчиликлари ва уларнинг сабабларини ўрганиш, шунингдек буларнинг олдини олиш, бартараф этиш учун махсус таълим-тарбия воситалари ва методларини ишлаб чиқиши, амалиётга тадбиқ этиш масалалари билан шуғулланади.

Логопедия фани мавзуи, баҳси, нутқ камчилиги бор кишилар билан олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнидир.

Ҳозирги кунда нутқ нуқсонларининг турли классификациялари мавжуд. Нутқ нуқсонлари асосан учта катта гуруҳга ажратилади. Фонетика, фономатик, характерли нуқсонлар.

Ўзбекистон Республикаси таълим тўғрисидаги қонуннинг 23-моддасига кўра ривожланишда жисмоний ёки психик камчиликларга эга бўлган аномал болалар таълим олиш ҳуқуқига эга.

Бизнинг мамлакатимизда аномал болаларга ёрдамни ташкил этиш инсон ҳақида ғамхўрлик кўрсатишнинг ёрқин намуналаридан биридир.

Ўзбекистонда аномал ва ногирон болаларга ёрдамни ташкил этиш махсус мактаб-интернатлар, заиф эшитувчи болалар учун мактаб-интернатлари; ақлан заиф болалар учун мактабгача тарбия муассасалари, ўқув куни узайтирилган мактаблар, интернатлар профессионал колледжларида махсус гаруҳлар; заиф кўрувчи ва заиф эшитувчи ва оғир нутқ нуқсонлари бор болалар учун мактабгача тарбия муассасалариб ўрта умумий таълим мактаблари қошида тенглаштириш синфлари мактаб-интернатлар; ҳаракат-таянч аъзолари жароҳатланган болалар муассасалари, мактаб-интернат; ўрта-умумий таълим мактаблари қошида логопедик пунктлар ишлад турибди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида аномал болаларга тиббий ёрдам кўрсатадиган махсус психо-неврология санаториялари, стационарлар бор, поликлиникаларда сурдологик, логопедик кабинетларда мутахассис-дефектологлар тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда тегишли ишларни олиб бормоқдалар.

Ақлий жиҳатдан оғир нуқсонлари бор (имбицил, идиот) болалар меҳнат ва аҳолини муҳофаза қилиш Вазирлигига қарашли мурувват уйида тарбияланадилар. Бу уйларда 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар қабул қилиниб тарбияланадилар. 18 ёшдан ошган болалар ногиронлар уйига ўтказилади ёки ота-онлари билан яшайдилар. Заиф кўрувчи болалар кўрлар мактабида ўқитилади, ҳар бир синфда 12 тадан бола таҳсил олади. Кўрлар мактабида умумий таълим мактабларининг Брайлов системаси бўйича нашр этилган дарсликлар ишлатилади. Кўзи хира болалар мактабларида умумий таълим мактабларининг йирик ҳарфлар билан нашр этилган дарсликлари асосида иш олиб борилади, махсус чизиқли дафтарлар ишлатилади.

Кўр болалар учун ташкил этилган мактаб-интернатда болалар 18 йил ичида 8 йиллик умумий таълим мактаб дастурини ўзлаштириб, сўнгра хохловчилар ўқишини кечки махсус мактабда давом эттиришлари мумкин.

Оғир нутқ нуқсонлари бор болалар учун халқ маъорифи вазирлиги қошида мактабгача муассасалар ташкил этилган.

Оғир турдаги нутқий турдаги камчиликлар туфайли мактабни ўзлаштира олмайдиган ўқувчилар махсус нутқий синф ёки мактабларда

таълим оладилар. Бундай болалар учун ташкил этилган махсус мактаб-интернатлар икки бўлимдан иборат:

А). Нутқнинг ривожланиши кескин орқада қолган алолик, афозик, дизартрик, ринорамик, алексик, аграфик, тутилиб гапирувчи болалар.

Б). 9 йил ўқиш муддатида нисбатан нутқ ривожланиши нормал тутилиб гапирувчи болалар гуруҳи.

Ҳар бир синф ва гуруҳда 12 киши ўқийди, тарбияланади.

Педагогик кенгаш қарори билан нутқий камчиликлари бартараф этилган ўқувчи-тарбияланувчи оммавий мактаб, боғчанинг тегишли синф ва гуруҳларига ўтказилади.

Педагогиканинг кўзи ожиз, ақли заиф, қулоғи қар-жисмоний камчиликларга эга бўлган болаларни тарбиялаш ва уларни ҳаётга тайёрлаш билан шуғулланадиган яна бир тармоғи-махсус педагогика (сурдопедагогика, тифлопедагогика, логопедия) дефектология билан ҳамбарчас болиқдир.

Дефектология- лотин тилидан олинган бўлиб, «камчилик»-таъминот деган маънони билдиради.

Педагогик фан сифатида анамол болалар ривожланиш қонуниятлари ва уларга таълим-тарбия бериш ҳақида баҳс юритади.

Дефектология бир неча мустақил соҳаларни ўз ичига олади:

1. Сурдопедагогика-эшитишда нуқсонли бор болаларга таълим-тарбия беришни ўрганади.
2. Тифлопедагогика-кўришда дефекти (нуқсонли) бор болаларга таълим-тарбия бериш муаммоларини ҳал этади.
3. Олигофренопедагогика-ақлан ривожлантиришдан ортда қолган болаларга таълим-тарбия беришни ўрганади.
4. Логопедия-нутқда нуқсонли бўлган болаларга нуқсонли бартараф этилишини ўрганади.

Бугунги кунда дунёга келаётган нуқсонли болалар (гўдақлар) ҳар томонлама ривожланмай, шаклланмай ва нормал тараққиётида ортда қолиб кетмоқдалар.

Бунинг олдини олиш учун янги оила қураётган барча ёшлар, ҳам маънавий ҳам моддий томондан қуролланган бўлишлари лозим.

Ана шундан кейин мустақил ҳаётга қадам қўйишлари ва бир-бирларини тушунган ҳолда фарзандни тарбиялашлари мумкин бўлади. Биз бўлажак педагоглар эса, мана шу асосий вазифаларни билишимиз ва амалиётда қўллай олишимиз даркор.

Сенсор нуқсонли болаларга эшитиш қобилияти сустлашган ёки бутунлай эшитмайдиган ва кўриш қобилиятини йўқотган ёки сустлашган болалар киради.

Эшитишда дефекти бор болалар мустақил равишда нутқ юритишда бир қанча қийинчиликларга дуч келадилар. Сабаб бола ўз хулқини назорат қилмаганлиги. Нутқ боланинг барча фаолиятини бир меъёрга келтириб туради. Шунинг учун нутқи ривожланмаган бола билиш фаолияти чегараланиб ижтимоий мослашуви қийинлашади.

Эшитиш дефекти туғма ва ортирилган бўлиши мумкин. Дефектнинг туғма келиб чиқиши асосан ҳомила вақтида химин таъсирига берилиши (алкоголизм, норкамания) ва жароҳат олишдан наслдан-наслга ўтишдан келиб чиқади.

Дефектнинг ортирилишига эса боланинг турли юқумли касалликларга чалиниши, травма олиши, эшитиш органларига инфекция тушуши сабаб бўлиши мумкин. Эшитиш анализаторлар патологик келиб чиқишига кўра асосий учта категорияга бўлинади:

1. Кар болалар.
2. Кеч эшитиш органи бузилган болалар.
3. Эшитиш органи сустлашган болалар.

Кар болалар-эшитишдан маҳрум бўлган болалар. Улар қаттиқ шовқинни эшитиш мумкин.

Кеч эшитиш органи бузилган болалар-эшитиш дефекти ортирилган бўлиб, бу мактабгача бўлган даврида бўлиши мумкин.

Эшитиш органи сустлашган болалар-эшитиш органида қисман нуқсонлари бўлиб, мустақил нутқни ўзлаштиришда қийналади.

Кўриш анализаторлари ёрдамида дунёни идрок қилиш боланинг руҳий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Теварак-атроф ҳақидаги энг кучли тассуротлар кўз билан идрок этилади. Бола кўриш қобилияти орқали нарсаларнинг ранги, шакли, ҳажми, ҳаракати, узоқ-яқинлиги, фазодаги ўрни ҳақида тасаввурга эга бўлади. Маълумки, кўриш анализатори нурлари қабул қилувчи қисми кўз олмаси (соққаси) ва унинг ёрдамчи аппаратидан кўзга тушган тасвирни пўстлоқ ости марказларига, кейин эса олий ўқув марказлари жойлашган катта мия пўстлоғига етказиб берадиган ўтказувчи йўллардан ташкил топган. Ана шу анализаторнинг ҳар қандай қисмларидаги ўзгаришлар боланинг кўриш қобилиятига албатта таъсир кўрсатади.

Эшитиши сустлашган болаларни икки гуруҳга ажратамиз:

1. Мактаб даврига келиб нутқи тўғри ривожланмаган болалар.
2. Нутқи ривожланмаган бўлсада, нутқида нуқсони бор болалар.

Бу гуруҳларнинг юзага келиши вақтига қараб кар болалар икки гуруҳга бўлинади:

1. Эрта кар бўлган болалар.
2. Кеч кар бўлган болалар.

Эрта кар бўлган болаларни нутқини ўзлаштирмаслик кар бўлиш ҳисобланса, кеч кар бўлган эса бола нутқини ўзлаштирганидан кейинги давр ҳисобланади. Кар бўлиш натижасида бола нутқдан қолиб соқовлик келтириб чиқариш мумкин. Бундай болаларни махсус мактабларга юбориб ўқитиш, улар учун алоҳида таълим-тарбия жараёни ташкил этилади.

Биз кўриш анализаторлари орқали сезамиз. Ташқи муҳит ўзгаришини кўришимиз ва айрим маълумот миямизда акс этиши кўриш орқали ранг ажратамиз, ҳажмини билиш, фазода тасаввур қилиш ва манзарани кўриб завқланамиз. Инсон ҳаётида кўриш анализатори ўрни бекиёсдир. Кўриш анализаторининг бузилиши ҳам ўз навбатида орттирилган бўлади.

1. кўр болалар.

2. кўриш органи бузилган болалар.

Кўр болалар икки гурҳга бўлинади.

1. абсолют кўр болалар (мутлоқ кўришдан маҳрум бўлган болалар).

2. алалий кўрлик (оз миқдорда бўлса ҳам кўра оладиган, яъни нарсаларни контур мослик кўра олади).

Тифлопедагогикада кўзи ожиз болалар кўр, яхши кўра олмайдиган, кўзи хира болалар гуруҳига бўлинади. Кўр болаларнинг кўриш қобилияти кескин камайган ёки коррекция қўлланилганда (кўзойнак тугилганда) ҳам кўриш ўткирлиги 0-0,4 гача пасайган бўлса, бундай болалар амалда кўр бўлади.

Заиф кўрувчи болаларда кўриш ўткирлиги 0,05 дан то 0,4 гача бўлади. Ушбу гуруҳдаги болалар теварак-атрофни кўриш анализатори орқали идрок этади.

Ёш гўдакларда баъзан ўзига оид туғма нуқсонлар ҳам учрайди.

Кринтофтальм-кўз олмаси қовоқларининг туғилишидан ривожланмай қолгани.

Микробифарон-кўз қовоқлари калталиги туфайли кўзнинг юмилмай туриши.

Колобома-кўз қовоқларининг нуқсони ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундай камчиликларнинг кўпчилигини жарроҳлик йўли билан даволаб, уларни бартараф этса бўлади.

Кўзи ожиз, сўқир болалар кўр туғилган ва кўр бўлиб қолагн болалар деб икки гуруҳга ажратилади.

Биринчи уруҳга-туғилишидан кўзи ожиз ва туғилгандан сўнг то уч ёшгача бўлган давр ичида кўриш қобилияти -----ларда ёки соғлом тенгдошлари ғаторида таълим олишлари керак. Махсус таълим-тарбия ишлари кўриш қобилиятининг заифлиги натижасида пайдо бўлган иккиламчи психик асоратларнинг олдини олиш уларни бартараф этиш

коррекциялашга қаратилади. Болада мустақил ҳаёт учун зарур бўлган барча билим, кўникма ҳамда малакалар шакллантирилиб борилади.

Заиф кўрувчи болалар теварак-атрофни кўриш анализатор орқали идрок этадилар. Улар ҳам кўриш қобилияти заиф болалар учун ташкил этилган махсус мактабда ёки кўрлар мактаби қошидаги махсус синфларда соғлом тенгдошлари орасида таълим олишлари керак. Бироқ бундай болалар аксари оммавий мактабларда ўқишни бошлаши маълум. Бир неча йил муваффақиятсиз равишда қийналиб ўқигач, улар махсус мактабга юборилади. Бундай болаларни тарбиячи ва соғлом тенгдошларидан ажратиб олиб, иложи борича вақтли махсус мактабларга жўнатишлари ёки инкмозив таълимни ташкил этишлари керак. Кўриш қобилияти заиялашган болалар сатрларни яхши ажрата олмайдилар. Шакли ўхшаш нарса, ҳарфларни бир-бири билан адаштириб юборадилар, натижада ўқиш ва ёзишда кўп хатоларга йўл қўядилар. Рақамларни бир-биридан яхши ажрата олмаслик оқибатида ҳисоблашда ва математик масалаларни ечишда қийналадилар. Улар доскага ёзганларни, жадвал, схема ва бошқа тасвирларни яхши кўрмайдилар, кўриш билан боғлиқ ишни бажариш вақтида тез чарчаб қоладилар. Нотўғри муҳит, ноқулай шароит боланинг кўриш қобилияти кескин пасайиб боришига олиб келиши мумкин.

Тарбиячи ва ўқитувчилар кўриш қобилияти заиф болаларни ўз вақтида офтальмолог ҳузурига маслаҳатга юборишлари лозим.

Офтальмолог бола қаерад таълим олиш кераклигини аниқлайди. Кўз ўткирлиги 0,05 дан то 0,4 гача бўлган болалар махсус боғча ва мактабларда таълим-тарбия олишади. Бу жойларда ўқув ишлари кўриш асосида олиб борилади. Аммо турли техник ва катталаштирувчи оптик воситалардан йирикрок ҳарфлар билан босиб чиқарилган дарсликлардан, махсус ёриткичлардан ва ҳакозолардан фойдаланилади. Махсус мактабнинг асосий вазифаларидан бири болаларда сақланиб қолган кўриш имкониятларидан ўқиш жараёнида тўғри фойдаланиш ва буларни ривожлантириш, кўриш қобилияти кетмаслиги учун шарт-шароит яратиш, олий жараёнларни тарбиялаб боланинг билимига боғлиқ фаолиятни ривожлантириш, кенгайтириш, болада кўриш қобилиятининг заифлиги натижасида пайдо бўлган иккиламчи руҳий асоратларни бартараф этиш ва бошқалардир.

Махсус мактабларни битиргач кўриш қобилияти заиф болалар Республика кўрлар жамияти қошидаги муассасаларда ишлайдилар.

Шундай қилиб кўриш қобилияти заиф болаларни таълим-тарбия йўли билан ривожлантириб бориш имкониятлари жуда катта, тўғри ташкил этилган компесатор, коррекцион чора-тадбирлар натижасида улар ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишлари мумкин.

Кўришда сенсар нуқсони бўлган болалар билан таълим-тарбия жараёнининг асосини меҳнат тарбияси башкил этади. Кўришда дефекти бор болалар меҳнат қобилияти пастлиги туфайли кўпинча касбларни ўзлаштиришда муаммоларга дуч келадилар. Меҳнат тарбияси орқали кўришда дефекти бор болалар маъсулиятни хис эта олишга, топқир бўлишига ўрганиб, жисмоний ривожланиб, мустақил тайёрланиб бордилар. Кўришда нуқсони бор болаларни махсус мактаб интернетларида ва мактабгача бўлган муассасаларда таълим-тарбия ишларини олиб бордилар.

Бошланғич синф ўқувчиси, синфидаги кўришдаги нуқсони болаларни аниқлаш шифокор ва дефектолог кўригидан ўтказиши лозим. Кўришда нуқсони бор болаларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиб коррекция ишлари олиб борилмаса, бола кўриш дефекти кучайиб ўзлаштиришда муаммолар келиши мумкин.

Ўқувчи дарс жараёнини ташкил этишда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши ва болаларга ўқитиши зарурдир.

Шундай қилиб биз сенсор нуқсонли болалар ҳақида чўз юритдик. Эшитиш қобилияти сустлашган ёки бутунлай ривожланмаган болалар ҳақида маълумотга эга бўлдик. Бу ҳолатларнинг олдини олиш эса ҳар доим бу болаларни назорат остида бўлиши, таълим-тарбияни тўғри йўлга қўйиши, доимий шифокорлар назоратида бўлиши зарурлиги сиз-у бизга боғлиқдир. Туғма ҳолатларни келтириб чиқармаслик эса бизга боғлиқ. Атроф-муҳитимизга, табиатимизга, оила шароитига эътибор беришимиз даркордир.

